

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг

такбирдан саломгача худди кўриб турганингиздек бўлган
кайфияти

Муҳаммад Носириддин ал-Албоний

Ислом Нури

www.islamnuri.com

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИМ

МУҚАДДИМА

Бандаларига намозни фарз қилиб, уни чиройли ва тўқис адо этишларига буюрган, нажот ва муваффақиятни уни хушуъ билан адо этишга боғлиқ қилган, уни иймон билан куфр ўртасини ажратиб турувчи ва фаҳшу мункар ишлардан тўсувчи қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Сизга эса одамларга нозил қилингандар нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун... бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик»¹ деган илоҳий хитоб ила хитобланган, сўнгра ўзларига юклатилган бу вазифани ҳаққи-рост адо этган улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайхи ва салламга салавоту саломлар бўлсинки, намоз у зотнинг одамларга сўзу амалда баён қилиб берган энг улуғ ишларидан бўлди. Ҳатто, бир марта минбар устида намоз ўқидилар ва:

«إِنَّمَا صَنَعْتُ هَذَا لِتَأْتِمُوا بِي وَلِتَعْلَمُوا صَلَاتِي»

«Менга эргашишларингиз ва намозимни ўрганишларингиз учунгина шундай қилдим»² дедилар, намозда у зотга эргашишимизни вожиб қилиб:

«صَلَوَا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Менинг намоз ўқиганимни қўрганингиздек намоз ўқинглар»³ деб буюрдилар. У зот ўқиганларидек намоз ўқиган кишини Аллоҳ жаннатга киритишга ваъда берганини хушхабар бериб, марҳамат қилдилар:

«خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضْنَاهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ أَحْسَنَ وُضُوءِهِنَّ وَصَلَاؤُهُنَّ لَوْقَتِهِنَّ وَأَتَمَ رُوكُوعَهُنَّ وَسُجُودَهُنَّ وَخُشُوعَهُنَّ كَانَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ وَمَنْ لَمْ يَفْعُلْ فَلَيْسَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ (رواه أبو داود).»

«Аллоҳ таоло беши маҳал намоз ўқишини фарз қилди. Ким бу намозларга мукаммал таҳорат қилиб, уларни ўз вақтида адо этса, рукуъ-сажедаларини ва хушуъсини комил қиласа, уни кечиришини Аллоҳ Ўз зиммасига аҳд қилиб олди. Ким бундай қилмаса, уни кечиришини Аллоҳ Ўз зиммасига аҳд қилиб олмади - хоҳласа кечиради, хоҳласа азоблайди».⁴

Бизга пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ибодатлари, сўз ва амалларини нақл қилган, уни ўзлари учун намуна ва йўл қилиб олган у зотнинг аҳли-оилалари ва саҳобаларига ҳамда улар ортидан эргашган ва то қиёматгача уларнинг йўлларидан юрадиган кишиларга ҳам салавоту саломлар бўлсин.

Маълумки, Исломда намознинг ўзига хос ўрни ва алоҳида эътибори бор, уни барпо қилган ва тўқис адо этган кишиларга улкан ажру мукофотлар мавжуд ва кишининг намози пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва салламнинг намозларига қай даражада яқин ё узоқ бўлганига қараб ушбу ажру мукофотлар зиёда ё камроқ бўлади. Зоро, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам шу маънога ишора қилиб, марҳамат қилганлар:

¹ «Нахъл»: 44.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

³ Бухорий ва Аҳмад ривояти.

⁴ Абу Довуд ривояти.

«إِنَّ الْعَبْدَ لِيُصَلِّي الصَّلَاةَ مَا يُكْتَبُ لَهُ مِنْهَا إِلَّا عُشْرُهَا ثُمَّنَاهَا سُبْعُهَا سُدُّسُهَا خُمُسُهَا رُبْعُهَا ثُلُثُهَا نَصْفُهَا.»

«Бир банда намоз ўқийди, унга намозидан фақатгина ўндан бири, тўққиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешидан бири, тўртдан бири, учдан бири ёки ярми ёзилади.»¹

Шундай экан, намозларимиз тўла-тўкис адо этилган бўлиши учун биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари қандай бўлганини ўрганмоғимиз, ундаги фарзу вожиблар, одобу кўринишлар, дуюю зикрларни билмоғимиз, сўнгра уларни амалий равиша ўз намозларимизда татбиқ этмоғимиз лозим бўлади. Шундагина намозимиз бизни фаҳшу мункарлардан тўсувчи бўлишини ва бизлар учун ундан ажру савоблар келишини умид қиласак бўлади.

Бироқ, мазкур санаб ўтилганларни батафсил билиш қўпчилик намозхонларга, ҳатто муайян мазҳабга боғланиб қолган кўпгина олимларга ҳам мусассар бўлавермайди. Зеро, ҳадисшунос олимлар яхши биладиларки, ҳар бир мазҳабда бошқа мазҳабларда бўлмаган айrim суннатлар (ҳадислар) бор. Шунингдек барча мазҳабларда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатланиши тўғри бўлмайдиган айrim сўз ва амаллар ҳам йўқ эмас. Бу нарса кўпроқ мутааххир(кейинги даврдаги)ларнинг китобларида учрайди.² Шунинг учун ҳадис уламолари баъзи машҳур фикҳ китобларида келган ҳадисларнинг саҳих, заиф ёки мавзуз эканини баён қилиб берувчи таҳриж китоблари ёзганлар. Шайх Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Ҳанафийнинг «Ал-иноя бимаърифати аҳодисил-ҳидоя», «Ат-турук вал-васоил фий таҳрижи аҳодиси хулосатид-далоил», Ҳофиз Аз-Зайлаййнинг «Насбур-роя лиаҳодисил-ҳидоя», Ҳофиз Ибн Ҳажар ал-Аскalonийнинг «Дироя», «Талхисул-хабир фий таҳрижи аҳодис ар-рофиил-кабир» асарлари шулар жумласидандир.

КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ

Ушбу мавзуни тўла қамраб олган бирор китобдан воқиф бўлмагач, ибодатларида пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлига эргашишни мақсад қилган мусулмон биродарларим учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг такбирдан саломгача бўлган кайфиятини имкон қадар тўлароқ қамраб оловчи, у зотнинг юқорида ўтган **«Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар»** ҳадисидаги фармонларини рўёбга чиқаришларига ёрдам берувчи бир китоб ёзишни мақсад қилдим ва турли ҳадис китоблардан ушбу мавзуга тааллукли ҳадисларни текшириш ва жамлашга бел боғладим. Ушбу китоб мана шу ҳаракатларнинг самараси ўлароқ вужудга келди. Унда мен – хоҳ намознинг ҳайъат-кўринишлари хусусида бўлсин, хоҳ ундаги зикру дуолар борасида бўлсин, хоҳ фазилатлар ё бошқа нарсалар ҳақида бўлсин – фақат санади событ (яъни саҳих ва ҳасан) бўлган ҳадисларнигина келтиришни, санадида мажхуллик бўлган ёки заиф ҳадислардан бутунлай воз кечишини ўзимга шарт қилдим.

¹ Ибн Муборак «Зухд» асарида, Абу Довуд ва Насойи ривоятлари.

² Абул Ҳасанот ал-Лакнавий «Ан-нофеъул-кабир лиман ютолиъул-жомиъас-сағир» китобида ҳанафия фикҳига доир китобларнинг даражаларини ва улардан қайсилари эътимодли, қайсилари эътимодсиз эканини санаб ўтгач, шундай дейди: «Биз санаб ўтган китоблар тартиби фикҳий масалаларга кўра бўлиб, уларда келтирилган ҳадислар даражаси бу тартибга кирмайди. Чунки, улуг фуқаҳолар ҳам эътимод киладиган қанча эътимодли китоблар, хусусан фатво китоблари борки, мавзуз (тўқима) ҳадислар билан тўлиб-тошган. Чукур текширишларимиздан сўнг уларнинг соҳиблари гарчи комил зотлардан бўлсалар-да, ҳадислар накл қилишда мутасоҳил (бўш) кишилардан экани маълум бўлди.»

Мен (Албанний) айтаман: Ана шундай мавзуз, балки ботил ҳадислардан бири баъзи катта китобларда келган «Ким фарз намозлар қазосини Рамазон ойининг охирги жума куни ўтаб қўйса, бу унинг умридаги етмиш йиллик қазолари ўрнини тўлдиради» ҳадисидир. Ал-Лакнавий раҳимаҳуллоҳ «Ал-осорул марфуъа фил-ахборил мавзуъа» асарида мазкур ҳадисни келтириб, «Алий Ал-Қорий ўзининг «Мавзуъот»ида буни катъан ботил деган, чунки бу гап “Ҳеч бир ибодат бир неча йиллик ибодатлар қазосини ўтай олмайди” деган ижмоъга хилофдир» дейди.

Китобни «*Набий соллаллоху алайҳи ва саллам намозларининг тақбирдан саломгача худди кўриб турганингиздек бўлган қайфияти*» деб номладим.

Аллоҳ таолодан уни холис Ўзи учун қилишини ва у билан мўмин биродарларимга манфаат етказишини сўрайман. У дуоларни эшитувчи ва ижобат қилувчи зотдир.

КИТОБНИНГ УСЛУБИ

Китобнинг мавзуси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишидаги йўлларини баён қилиб бериш бўлганидан мен муайян бир мазҳабга боғланмасликни, қадимги ва кейинги муҳаддис уламолар қилганлариdek Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлган суннатларнигина келтиришни муносиб кўрдим. Шу боис бу китоб ҳадис китоблари ва турли мазҳабларнинг фикҳий китоблари ичидан мавзуга алоқали бўлган саҳих ҳадисларни териб оловчи ва барчасини ўз ичига жамловчи бир китоб бўлажак, иншааллоҳ.

Ушбу услубни ўзим учун қабул қиласр эканман, бу барча тоифа ва мазҳаб аҳларини ҳам рози қилавермаслигини, улар ичидан менга нисбатан таъна тошлари ва маломат ўқларини отувчи кишилар бўлишини ҳам яхши биламан. Бироқ, нима ҳам қилардик. Ҳаммани бирдек рози қилиш имконсиз бир иш экан. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар:

«مَنْ أَرْضَى النَّاسَ بِسَخْطِ اللَّهِ وَكَلَّهُ اللَّهُ إِلَيْ النَّاسِ»

«Ким Аллоҳни газаблантириб одамларни рози қилса, Аллоҳ уни одамларга топшириб қўяди.»¹

Шоир айтганидек:

Таънагўйнинг сўзидан қутулмоғим кўп душвор,
Гарчи маконим эрур тоғ бағрида пинҳон фор.

Одамларнинг тилидан ким ҳам қолур саломат?!
Йиртқичга ем бўлсанг ҳам, ортдан қолмас маломат.

Аллоҳ таоло мўминларга буюрган ва пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берган энг тўғри йўл шу эканига иймоним комил экани мен учун кифоя. Саҳобалар, тобииинлар ва улардан кейинги улуғ зотлар, жумладан машҳур тўрт мазҳаб имомлари шу йўлни тутгандар ва барчалари суннатни маҳкам тутишга, унга қайтишга ва суннатга зид бўлган ҳар қандай сўзни – уни айтuvчи ҳар қанча улуғ шахс бўлса ҳам – тарк қилишга иттифоқ қилганлар. Зотан, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаънлари барчадан улуғ ва у зотнинг йўллари энг тўғри йўлдир.

Шу боис ушбу китобни ёзиш асносида мен ҳам ўша улуғ зотларнинг тутумларини тутдим, изларидан эргашдим, уларнинг: «Гарчи бизнинг сўзларимизга хилоф бўлса-да, суннатга эргашингиз» деган кўрсатмаларига амал қилдим, суннатни қўйиб бошқалар сўзига кўр-кўрона эргашибдан воз кечиши йўлини тутдим. Аллоҳ у зотларнинг барчаларини улуғ мукофотлар билан мукофотласин.

МАЗҲАБ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ҲАДИСГА ЭРГАШИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАДИСГА ЗИД СЎЗЛАРИНИ ТАРК ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ СЎЗЛАРИ

Шу ўринда мазҳаб имомларининг бу борадаги баъзи сўзларини келтириб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак. Уларнинг мазҳабларига эргашган кишилар бу сўзлардан панд-насиҳат ва эслатма олсалар ажабмас.

1. АБУ ҲАНИФА РОҲИМАҲУЛЛОҲ:

¹ Термизий, Қузоъий, Ибн Бишрон ва бошқалар ривояти.

Имомларнинг аввали Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит роҳимаҳуллоҳ бўлиб, у зот тарафидан бир неча сўз ва иборалар ривоят қилинганки, уларнинг бари битта нарсани – ҳадисга амал қилиш вожиблиги ва имомларнинг ҳадисга зид сўзларини тарк қилиш лозимлигини ифодалайди:

«إِذَا صَحَّ الْحَدِيثُ فَهُوَ مَذْهَبِي»

1- «Агар ҳадис сахих бўлса, шу менинг мазҳабимдир.»¹

«لَا يَحِلُّ لِأَحَدٍ أَنْ يَأْخُذَ بِقَوْلِنَا مَا لَمْ يَعْلَمْ مِنْ أَيْنَ أَحَدْنَاهُ»

2- «Қаердан олганимизни билмасдан туриб бизнинг сўзимизни олиш ҳеч кимга дуруст эмасдир.»²

Бир ривоятда шундай деганлар:

«حَرَامٌ عَلَى مَنْ لَمْ يَعْرِفْ دِلِيلِي أَنْ يُفْتَنِي بِكَلَامِي»

«Далилимни билмаган кишининг менинг сўзим билан фатво бериши ҳаромдир.»

Бир ривоятда шундай деб қўшиб ҳам қўйганлар:

«فَإِنَّا بَشَرٌ نَّقُولُ الْقَوْلَ الْيَوْمَ وَنَرْجِعُ عَنْهُ غَدَاءً»

«Биз ҳам инсонмиз, бугун бир сўзни айтамиз ва (мумкинки) эртага ундан қайтамиз.»

Бошқа бир ривоятда айтганлар:

«وَيَحَّكَ يَا يَعْقُوبَ! (هو أبو يوسف) لَا تَكْتُبْ كُلَّ مَا تَسْمَعُ مِنِّي، فَإِنَّي قَدْ أَرَى الرَّأْيَ الْيَوْمَ وَأَثْرُكُهُ غَدَاءً، وَأَرَى الرَّأْيَ غَدَاءً وَأَثْرُكُهُ بَعْدَ غَدَاءً»

«Холинггавой бўлсин эй Яъқуб (яъни, Абу Юсуф), мендан эшитган хар бир сўзни ёзаверма. Чунки мен бугун бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) эртага уни тарк қиласман. Эртага бир фикрни ихтиёр этсам, (мумкинки) индинга уни тарк қиласман.»³

¹ Ибн Обидийн «Хошия»да (1\63) ва «Расмул муфтий» рисоласида, Шайх Солих ал-Фуланий «Ийқозул химам»да (62-бет) ва бошқалар ривоят қилишган. Ибн Обидийн Ибн аш-Шихнанинг «Шарҳул хидоя» китобидан қуидагиларни накл қиласди: «Агар ҳадис сахих бўлса ва у мазҳабининг зиддига бўлса, ҳадисга амал қилинади ва бу имом Абу Ҳанифанинг мазҳаби саналади, у зотнинг мазҳабидаги киши ушбу ҳадисга амал қилиш билан ҳанафийликдан чиқиб қолмайди. Зоро, имомнинг ўzlари: «Агар ҳадис сахих бўлса, шу менинг мазҳабимдир» деганлар. Бу сўзни имом Ибн Абдулбар имом Абу Ҳанифадан ва бошқа имомлардан ривоят қиласган.»

² Ибн Абдулбар «Ал-интиқо фий фазоилис-саласатил-аимматил-фуқаҳо» китобида (145-бет), Ибнул Қойим «Иъломул-мувакқиийн»да (2\309), Ибн Обидийн «Ал-баҳрур-роиқ»ка битган «Хошия»сида (6\293) ва «Расмул-муфтий»да (29 ва 32-бетлар), Шаъроний «Мезон»да (1\55) ривоят қиласган.

Мен (Албоний) айтаман: Далилларини билмаган ҳолда уларнинг сўзларини ушлаган киши ҳакида шундай деган бўлсалар, далил уларнинг сўзларига қаршилигини билатуриб, далилга қарши фатво берадиган киши ҳакида нима деган бўлар эканлар??!

³ Чунки, имом Абу Ҳанифа ўз сўзларини кўпинча қиёс асосига курар, ундан кўра кучлироқ қиёс чиқиб қолса ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари у зотга етса, ўшани олиб, аввалги сўзларини тарк қиласдилар.

Шаъроний «Мезон»да (1\62) шундай ёзади: «Имом Абу Ҳанифа ҳакларидағи бизнинг эътиқодимиз ва хар бир инсоғли кишининг эътиқоди шуки, фаразан у зот шариат (илмлари) девон қилинган ва хофизлар шахар-қишлоқларни кезиб, (ҳадисларни) жамлаганларидан сўнг яшаган бўлгандаридан ва ушбу (ҳадис)лар у зотнинг кўлларида бўлганида эди, албатта уларни олган ва қиёс қилган барча қиёсларини тарк қилган бўлар эдилар ва у зотнинг мазҳабларида ҳам қиёс бошқа мазҳаблардаги каби озроқ бўлган бўлар эди. Бироқ, шариат далиллари у зотнинг асрода тобииналар ва тобиут-тобииналар орасида шаҳар-қишлоқлар ва саҳрою водийлар ичра тарқоқ ҳолда бўлгани боис, қиёс қилган масалаларида нас (ҳадис) топилмагани сабабли зарурат юзасидан у зот

«إِذَا قُلْتُ قَوْلًا يُخَالِفُ كِتَابَ اللَّهِ تَعَالَى وَخَبَرَ الرَّسُولِ فَاثْرُكُوا قَوْلِي..»

3- «Агар мен Аллоҳ таолонинг китобига ва Ресуллоро соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислариға мухолиф бирор сўз айтган бўлсан, менинг бу сўзимни тарқ қилинглар!»¹

2. МОЛИК ИБН АНАС РОҲИМАҲУЛЛОҲ:

Имом Молик ибн Анас роҳимаҳуллоҳ айтганлар:

«إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ أَخْطَئُ وَأَصِيبُ، فَانظُرُوا فِي رَأِيِّي فَكُلُّ مَا وَافَقَ الْكِتَابَ وَالسُّنَّةَ فَحُذِّرُوهُ، وَكُلُّ مَا لَمْ يُوَافِقِ الْكِتَابَ وَالسُّنَّةَ فَاثْرُكُوهُ..»

1- «Мен ҳам бир инсонман. Тўғри ҳам айтаман, хатога ҳам йўл қўйяман. Шундай экан, менинг раъйимни текшириб боқингиз ва улардан китобу суннатга мувофиқ келган ҳар бир нарсани қабул қилингиз, қай бир фикрим китобу суннатга тўғри келмаса, уни тарқ қилингиз!»²

«لَيْسَ أَحَدٌ بَعْدَ النَّبِيِّ إِلَّا وَيُؤْخَذُ مِنْ قَوْلِهِ وَيُنْتَكُ، إِلَّا النَّبِيُّ .»

2- «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг у зотдан бошқа ҳар қандай инсоннинг сўзи қабул қилиниши ҳам, тарқ қилиниши ҳам мумкин.»³

мазҳабларида бошқа имомларга нисбатан киёс кўп бўлган эди. Кейинги имомлар аси эса ҳофизлар ҳадисларни талаб қилиш ва жамлашга бел боғлаган, бу максадда шаҳар ва қишлоқларга сафарлар қилишиб, уларни китоблар шаклига келтиришга улгуришган давр эди. Уларнинг мазҳабларида имом Абу Ҳанифа мазҳабларига нисбатан киёснинг кам экани сабаби шу эди.»

Таққослаш учун эслатма: Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ 80-150 ҳижрий йилларда яшаб ўтган бўлсалар, қолган уч мазҳаб имомлари - Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ 150-204 ҳижрий йилларда, имом Молик роҳимаҳуллоҳ 93-179 ҳижрий йилларда, имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ 164-241 ҳижрий йилларда яшаб ўтганлар. Машхур муҳаддис уламолардан имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ 194-256 ҳижрий йилларда, имом Муслим роҳимаҳуллоҳ 204-261 ҳижрий йилларда, имом Термизий роҳимаҳуллоҳ 209-279 ҳижрий йилларда яшаб ўтганлар. (Тарж.)

Мен (Албоний) айтаман: Баъзи ўринларда Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг сахих ҳадисларга қасдсиз ва беғараз мухолиф бўлганлари борасидаги узрлари шундай бўлса – бу эса шубҳасиз, макбул уздир, зеро Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламас – у зот ҳақларида айрим жоҳил кимсалардан содир бўлаётгани каби таъна-маломат сўзларини айтиш асло дуруст бўлмайди, балки у зотга нисбатан одоб сақламоқ лозимdir. Чунки у зот ушбу диннинг сақланиб қолишига ва унинг фарь (шоҳ)лари бизларгача етиб келишига сабаб бўлган улуғ имомлардан биридиirlар ва ҳар қандай ҳолатда ҳам, тўғри топған бўлсалар ҳам, хато қилган бўлсалар ҳам ижтиҳодлари боис ажрга эга бўлгандирлар. Бирок, шу билан бирга у зотга эргашган кишилар у зотнинг сахих ҳадисга зид сўзларига тиш-тирноклари билан ёпишиб олишлари ҳам дуруст эмасdir, зеро бундай қилиш юқоридаги сўзларига караганда ҳам у зотнинг мазҳабларидан эмасdir.

¹ Ал-Фуланий «Ийқоз»да (50-бет) келтирган.

Аш-Шаъроний «Мезон»да (1\26) шундай ёзади: «Агар сиз: «Имомим (мазҳаб бошлиғи)нинг вафотидан сўнг сахихлиги маълум бўлган ва имомим олмаган ҳадисларни нима қиласман?», десангиз, жавоб шуки, сиз ўша ҳадисларга амал қилишингиз лозим. Чунки, имомингиз ўша ҳадисларга эга бўлганида ва улар унинг наздида сахих бўлганида, сизни уларга амал қилишга буюрган бўлар эди, албатта. Чунки барча имомлар шариат кўлида тобеъидирлар. Ким у ҳадисларга амал қилса, шубҳасиз, яхшиликни кўшкўллаб тутган бўлади. Кимки: «Мен факат имомим олган ҳадисларгагина амал қиласман» деса, у кўп яхшиликдан маҳрум бўлибди. Ҳолбуки, бу кишилар имомлари ўтиб кетганидан сўнг сахихлиги маълум бўлган ҳар бир ҳадисга ўша имомларнинг ўз васиятларига кўра амал қилишлари лозим эди. Чунки, бизнинг у имомлар борасидаги эътиқодимиз шуки, агар улар яшаган даврда мазкур ҳадисларнинг сахихлиги маълум бўлса эди, албатта уларни қабул қилган ва уларга амал қилган ҳамда киёс қилган киёсларини ва айтган сўзларини тарқ қилган бўлур эдилар.»

² Ибн Абдулбар «Жомеъ»да (2\32), Ибн Ҳазм «Усуул-аҳком»да (6\149) келтирган.

³ Ибн Абдулҳодий «Иршодус-солик»да (1\227), Ибн Абдулбар «Жомеъ»да (2\91), Ибн Ҳазм «Усуул-аҳком»да (6\145) келтирган.

3- Ибн Ваҳб айтади: «Имом Молик таҳоратда оёқ бармоқлари орасига қўл киритиб ювиш ҳақида сўралганида: «Бу нарса шарт эмас», деб жавоб берганларини эшидим ва одамлар сийраклашгач, унга: «Менда бу ҳақда бир ҳадис бор», дедим.

«Қандай ҳадис?» деб сўрадилар.

Мен айтдим: «Бизга Лайс ибн Саъд, Ибн Луҳайъа ва Амр ибн Ҳорислар Язид ибн Амр ал-Маъфирийдан, у Абу Абдурахмон ал-Хаблийдан, у Муставрид ибн Шаддод ал-Қурашийдан ривоят қилдиларки, у деди: Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ бармоқлари орасини бармоқлари билан ишқалаб юваётганини кўрганман.»

Имом Молик дедилар: «Бу ҳадис ҳасан экан, уни мен энди эшитиб турибман.»

Сўнг қачон шу ҳақда сўралсалар, бармоқлар орасини ишқалаб ювишга буюрганларини эшидим.»¹

3. ШОФЕЙИЙ РОҲИМАҲУЛЛОҲ:

Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳдан бу борада кўп ва хўп нақллар борки, қуида улардан айримларини келтирамиз:

«مَنْ أَحَدٌ إِلَّا وَتَنْهَبُ عَنْهُ سُنَّةُ رَسُولِ اللَّهِ وَتَعْزِبُ عَنْهُ، فَمَمَّا قُلْتُ مِنْ قَوْلٍ أَوْ أَصَلْتُ مِنْ أَصْلٍ، فِيهِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ خَالِفٌ مَا قُلْتُ، فَالْقَوْلُ مَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ، وَهُوَ قَوْلِي.»

1- «Ким бўлишидан қатъий назар, унга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари етиб борган бўлиши ҳам, бормаган бўлиши ҳам мумкин. Шундай экан, мен қандай бир сўзни айтган ёки қандай бир асосни барпо қилган бўлмай, бу хусусда менинг сўзимга зид Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирор ҳадислари бор бўлса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари сўздир ва у менинг ҳам сўзимдир.»²

«أَجْمَعَ الْمُسْلِمُونَ عَلَى أَنَّ مَنِ اسْتَبَانَ لَهُ سُنَّةً عَنْ رَسُولِ اللَّهِ لَمْ يَحِلْ لَهُ أَنْ يَدَعَهَا لِقَوْلٍ أَحَدٍ.»

2- «Мусулмонлар ижмоъ (иттифок) қилганларки, кимга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор ҳадис маълум бўлса, бирор кимсанинг сўзини деб у ҳадисни тарк этиши мумкин эмасдир!»³

«إِذَا وَجَدْتُمْ فِي كِتَابِي خَالِفٌ سُنَّةَ رَسُولِ اللَّهِ فَقُولُوا بِسْنَةِ رَسُولِ اللَّهِ، وَدَعُوا مَا قُلْتُ. (وفي رواية:) فَأَتَبْعِهَا وَلَا تَلْتَفِتُوا إِلَى قَوْلٍ أَحَدٍ.»

3- «Менинг китобимда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига хилоф сўзни топсангиз, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини сўзлангиз ва менинг сўзимни тарқ қилингиз! (Бир ривоятда:) Унга эргашингиз ва хеч кимнинг сўзига парво қилмангиз!»⁴

«إِذَا صَحَّ الْحَدِيثُ فَهُوَ مَذْهِبِي.»

4- «Агар ҳадис сахих бўлса, шу менинг мазҳабимдир.»⁵

¹ Ибн Абий Ҳотимнинг «Жарҳ ва таъдил»и мукаддимаси, 31, 32-бетлар.

² Ҳоким ривоят қилган, шунингдек Ибн Асокирнинг «Тарихуд-Димашқ»ида, «Иъломул-мувакқиъийн»да ва «Ийқоз»да келтирилган.

³ Ибнул Қойим (2\361) ва Ал-Фуланий (68-бет.)

⁴ Ал-Ҳаравий «Заммул-калом»да, Ал-Ҳатиб «Ал-иҳтижож биш-Шофеъий»да, Ан-Нававий «Ал-мажмӯъ»да, Ибн Асокир, Ибнул Қойим ва Ал-Фуланий ривоят қилганлар.

⁵ Ан-Нававий «Ал-мажмӯъ»да, Аш-Шаъроний (1\57) ва Ал-Фуланий (107- бет) ривоят қилганлар.

«كُلُّ مَسْأَلَةٍ صَحٌّ فِيهَا الْخَبَرُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ عِنْدَ أَهْلِ التَّقْلِيْدِ بِخِلَافِ مَا قُلْتُ، فَأَنَا رَاجِعٌ عَنْهَا فِي حَيَاتِي وَبَعْدَ مَوْتِي.»

5- «Нақл ахллари (мухаддислар) хузурида Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан менинг сўзимга зид бўлган саҳиҳ хабар бор ҳар қандай масалада мен - хоҳ ҳаётлигимда, хоҳ вафотимдан сўнг бўлсин, - у сўзимдан қайтурман.»¹

«كُلُّ حَدِيثٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ فَهُوَ قَوْلِي، وَإِنْ لَمْ تَسْمَعُوهُ مِنِّي.»

6- «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир ҳадислари – гарчи уни мендан эшиитмаган бўлсангиз-да - менинг ҳам сўзимдир.»²

4. АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ РОҲИМАҲУЛЛОҲ:

«لَا تُقْلِدْنِي وَلَا تُقْلِدْ مَالِكًا وَلَا الشَّافِعِيَّ وَلَا الْأَوْزَاعِيَّ وَلَا الشَّوْرِيَّ، وَخُذْ مِنْ حَيْثُ أَحَدُوا.»

1- «Менга тақлид қилма, Моликка ҳам, Шофеъийга ҳам, Авзоъийга ҳам, Саврийга ҳам тақлид қилма, балки улар олган жойдан ол!»³

Ви роایе: «لَا تُقْلِدْ دِينَكَ أَحَدًا مِنْ هُؤُلَاءِ، مَا جَاءَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ وَأَصْحَابِهِ فَخُذْ بِهِ، ثُمَّ التَّابِعِينَ بَعْدُ، الرَّجُلُ فِيهِ مُخَيْرٌ.»

Бир ривоятда: «Динингда улардан бирортасига тақлид қилма, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳобларидан келган нарсани ол, сўнгра киши тобиъийлар ортидан (эргашиш борасида) ихтиёриди...»

«وَقَالَ مَرَّةً: إِلَيْتَبَاعُ أَنْ يَتَّبِعَ الرَّجُلُ مَا جَاءَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ وَعَنْ أَصْحَابِهِ، ثُمَّ هُوَ مِنْ بَعْدِ التَّابِعِينَ مُخَيْرٌ.»

Бир ривояда: «Эргашиш – киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва асҳобларидан келган нарсага эргашишлигидир. Сўнгра у тобиъийлар ортидан (эргашиш борасида) ихтиёриди.»⁴

«رَأَيُ الْأَوْزَاعِيُّ، وَرَأَيُ مَالِكٍ، وَرَأَيُ أَبِي حَنِيفَةَ كُلُّهُ رَأَيٌ، وَهُوَ عِنْدِي سَوَاءٌ، وَإِنَّمَا الْحُجَّةُ فِي الْأَثَارِ.»

2- «Авзоъийнинг раъи, Моликнинг раъи, Абу Ҳанифанинг раъи – барчаси раъидир. Булар ҳаммаси менинг олдимда тенгdir. Ҳужжат эса факат осор (ҳадислар)дадир.»⁵

«مَنْ رَدَ حَدِيثَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَهُوَ عَلَى شَفَاعَةِ هَلْكَةٍ.»

3- «Ким Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисини рад этса, у ҳалокат ёқасидадир.»⁶

Юқорида келтирилганлар мазҳаб бошлиқлари бўлмиш улуғ имомлар роҳимаҳумуллоҳларнинг ҳадисни маҳкам ушлашга бўлган буйруқлари ва уларга кўр-кўрона

¹ Абу Нуъайм (9\107), Ҳаравий (47\1), Ибнул Қойим «Иъломул мувакқиыйн»да (2\363) ва Ал-Фуланий (104-бет) ривоятлари.

² Ибн Абий Ҳотим, «Ал-одоб» (93-94-бетлар).

³ Ибнул Қойим, «Иъломул мувакқиыйн» (2\363), Ал-Фуланий, «Ийқоз» (113-бет).

⁴ Абу Довуд, «Масоилул имом Аҳмад» (276, 277-бетлар.)

⁵ Ибн Абдулбар, «Ал-жомеъ» (2\149).

⁶ Ибнул Жавзий, «Ал-манқиб» (182-бет).

таклид қилишдан қайтарган сўзлари эди. Мазкур сўзлар таъвил ва мунозарага ўрин қолдирмайдиган даражада очик-равшан экани кўриниб турибди. Уларга кўра, кимки, суннатда событ бўлган нарсани – гарчи, имомларнинг айрим сўзларига хилоф келса-да – маҳкам тутса, уларнинг мазҳабларига айри тушган ва уларнинг йўлларидан чиқкан бўлмайди. Балки, у уларга эргашган ва «ал-урватул-вусқо» (мустаҳкам тутқич)ни маҳкам тутган бўлади. Аксинча, имомларнинг сўзларига муҳолиф келгани боис сахиҳ суннатни тарк этган киши бу иши билан уларга итоатсизлик ва уларнинг юқорида ўтган сўзларига хилоф иш қилган бўлади. Аллоҳ таоло айтадики:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مُّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا ﴾
تَسْلِيمًا

«Йўқ, Раббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиқкан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва сўнг сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмагунларича ва тўла бўйсунмагунларича асло мўмин бўла олмайдилар.»¹

﴿فَلَيَخْدُرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиласидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!»²

ТОБЕЪЛАРНИНГ СУННАТГА ЭРГАШИБ, ИМОМЛАРИНИНГ АЙРИМ СЎЗЛАРИНИ ТАРК ҚИЛГАНЛАРИ

Шу сабабдан ҳам аввалги имомларнинг тобеълари бўлмиш уламолар ўз имомларининг барча сўзларини ҳам олишавермас, балки улардан айримларини суннатга муҳолиф келгани сабабли тарк қилишар эди. Ҳатто, имом Муҳаммад ибн Ҳасан ва имом Абу Юсуф роҳимаҳумаллоҳ устозлари Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳга мазҳабнинг тахминан учдан бирида хилоф қилганлар.³ Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳнинг тобеъларидан имом Музаний ва бошқалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ҳақда кўплаб мисоллар келтириш мумкин бўлгани ҳолда биз икки мисол билан чекланамиз:

1) Имом Муҳаммад “Муватто” асарида (158-бет) айтади: «Муҳаммад деди: Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ истисқо (ёмғир тилаш) учун намоз ўқиши ўйқ, дер эдилар. Биз айтамизки, имом одамлар билан икки ракъат намоз ўқийди, сўнг дуо қиласи ва ридосини айлантиради.»

2) Имом Муҳаммаднинг соҳибларидан ва имом Абу Юсуфнинг мулозимларидан бўлган Иsom ибн Юсуф ал-Балхий «кўпинча имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг далилини билмагани боис у зотнинг хилофика фатво берар, бошқа имомнинг далили зоҳир бўлса ўша билан фатво берар эди.»⁴ Ва шу боис мутавотир ҳадисда келганидек «рукуъга боришда ва ундан қайтишда қўлларини қўттарар эди,»⁵ ҳар учала имоми бунинг хилофини айтганлиги уни мазкур ҳадисга амал қилишдан тўсмас эди.

¹ «Нисо» сураси, 65-оят.

² «Нур» сураси, 63-оят.

³ Ибн Обидийн, «Ҳошия» (1\62).

⁴ «Ал-Бахрур-роиқ» (6\93) ва «Расмул-муфтий» (1\28).

⁵ Абдулҳай ал-Лакнавий «Ал-фавоидул баҳия фий тарожимил ҳанафийя»да (116-бет) келтириб, сўнг шундай изоҳ беради: «Шундан Макхул Абу Ҳанифадан ривоят қилгани айтилган: «Ким намозда қўлларини кўттарса, унинг намози бузилади» деган сўзнинг ботил экани маълум бўлади. Зоро, Иsom ибн Юсуф Абу Юсуфнинг мулозимларидан бўлиб, намозда қўлларини кўттарар эди. Агар бу ривоятнинг асоси бўлганида, Абу Юсуф ва Иsom буни билган бўлар эдилар. Яна шу ҳам маълум бўладики, ҳанафий мазҳабидаги киши агар бирор масалада бошқанинг далили кучли бўлгани учун имомининг фикрини тарк этса, бу билан у мазҳабига тақлид қилишдан чиқкан бўлмайди, балки бу кўр-кўронга тақлидни тарк этиш кўринишидаги айни тақлиддир. Кўрамизки, Иsom ибн Юсуф Абу Ҳанифанинг қўл кўттармаслик ҳақидаги йўлларини тарк қилгани ҳолда ҳанафий уламолар сафида саналади... Замонамиз жоҳилларидан арз-додимиз Аллоҳгаки, бирор масалада кучли

Ҳар бир мусулмон киши тўртала мазҳаб имомлари ва бошқа уламоларнинг тавсияларига кўра айни шундок сифат эгаси бўлмоғи лозим бўлади.

далилга эга бўлгани боис имомига тақлидни тарк этган одамни айблаб, муқаллидлар жамоасидан чиқариб юборадилар. Авомдан ажабланмаса ҳам бўлади, бироқ олимлик дъявосидаги кимсалардан таажжуб!!»

ШУБҲАЛАР ВА ЖАВОБЛАР

1. Савол: Баъзилар айтади: Динимиз ишларида пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлланмаларига қайтиш вожиб эканида шубҳа йўқ, айниқса намоз каби соғибодатга тааллуқли ишларда фикр ва ижтиҳодга асло ўрин йўқ. Чунки булар тавқифий ишлардир. Лекин биз машойихлардан кўпларини биламизки, ихтилофга рози бўладилар ва буни умматга бўлган бир енгиллик деб баҳолайдилар. Фикрларига далил сифатида:

«اِخْتِلَافُ اُمَّتٍ رَحْمَةٌ»

«Умматимнинг ихтилофи (улар учун) раҳматдир» ҳадисини келтирадилар. Ушбу ҳадис сиз чақираётган манҳажга зид эмасми, сиз бунга нима дейсиз?

Жавоб: Ушбу саволга жавобимиз икки тарафлама:

Биринчидан, бу ҳадис сахих эмас, аксинча, ҳеч қандай асоси йўқ бўлган ботил бир сўздир. Аллома ас-Субкий айтадилар:

«Бу ҳақда на сахих, на заиф, на тўқима бўлсин, бирор санаддан воқиф бўлмадим.»

Мен айтаман:

«اِخْتِلَافُ اَصْحَابِيْ لَكُمْ رَحْمَةٌ»

«Саҳобаларимнинг ихтилофи сизлар учун раҳматдир» ҳамда

«اَصْحَابِيْ كَالثُجُومِ، فَبِأَيِّهِمْ اقْتَدَيْتُمْ اهْتَدَيْتُمْ»

«Саҳобаларим юлдузларга ўхшайди. Қай бирига эргашманг, албатта ҳидоятга эришасиз» деган лафзлар билан ривоят қилинган сўзлар бор бўлиб, ҳар иккиси сахих эмас. Биринчиси жуда ҳам заиф, иккинчиси эса мавзуъ – тўқима ҳадисдир. Бу ҳақда мен «Заиф ва мавзуъ ҳадислар силсиласи»да (58,59,61- ракамлар билан) таҳқиқотимни эълон қилганман.

Иккинчидан, мазкур ҳадис заиф эканидан ташқари, Қуръони Каримга ҳам зиддир. Зоро, Қуръонда динда ихтилоф қилишдан қайтарувчи ва иттифоқликка буюрувчи кўпдан-кўп оятлар ворид бўлган. Мисол учун:

﴿وَلَا تَنَازَّعُوا فَتَفْشِلُوا وَتَنَاهَبْ رِيحَكُمْ﴾

«Талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур.»¹

﴿وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُشْرِكِينَ مِنَ الَّذِينَ فَرَّقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شِيَعاً كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدِيهِمْ فَرَحُونَ﴾

«Мушриклардан бўлманглар! Улар (яъни мушриклар) динларини бўлиб, фирмә- фирмә бўлиб олгандирлар. Ҳар бир фирмә ўз олдиларидағи нарса билан хурсанддирлар.»²

﴿وَلَا يَرَالُونَ مُخْتَلِفِينَ إِلَّا مَنْ رَحِمَ رَبُّكَ﴾

«Улар мудом ихтилоф қилурлар. Магар Раббингиз раҳм қилган кишиларгина (ҳақ йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар.)»³

¹ «Анфол» сураси, 46-оят.

² «Рум» сураси, 31,32-оятлар.

³ «Худ» сураси, 118,119-оятлар.

Раббингиз раҳм қилган кишиларгина ихтилоф қилмасалар, демак фақат ботил аҳллари ихтилофга берилар эканлар. Шундай экан, қандай қилиб ихтилоф раҳмат бўлиши мумкин?!

Хулоса шуки, мазкур ҳадис санад жиҳатидан ҳам, матн жиҳатидан ҳам саҳиҳ эмас. Шундай бўлгач, китобу суннатга имомлар буюрганидек амал қилиш йўлидан тўсиш учун уни восита қилиб олиш асло жоиз эмас.

2. Савол: Баъзилар айтади: Динда ихтилоф қилишдан қайтарилиган бўлса, у холда саҳобаларнинг ва улардан кейинги имомларнинг ихтилофлари ҳакида нима дейсиз? Уларнинг ихтилофлари билан кейинги даврдагиларнинг ихтилофлари ўртасида нима фарқ бор?

Жавоб: Бу ихтилофлар ўртасида жуда катта фарқ бор ва бу фарқ икки нарсада – уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва қолдирган асоратларида кўринади.

Саҳобаларнинг ихтилофларига келсак, улар зарурат юзасидан ва уларнинг тушунчаларидаги табиий фарқлардан келиб чиқкан ҳамда улар тарафидан қасдсиз холда ўртага чиқкан ихтилофлар эди. Бунга қўшимча равиша, уларнинг даврида юз берган ва ихтилофларига сабаб бўлган, кейинги даврларга келиб барҳам топган ишлар ҳам борки, бундай пайтда ихтилофдан батамом ҳалос бўлиш имконсиз бир иш эди.¹

Муқаллидлар ўртасида келиб чиқкан ихтилофлар эса, аксарият ҳолларда ҳеч бир узрсиз ихтилофлардир. Чунки, кўпинча улардан бирорига Китобу Суннатдан бўлган, бироқ унинг мазҳабидан бошқа мазҳаб фикрини қувватловчи далил-хужжат маълум бўлади-ю, бироқ мазҳабига хилоф келгани учун ундан воз кечади. Гўёки, унинг наздида мазҳаб асл–асосдек ёки Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам олиб келган дин унинг мазҳабигагина чекланган ва бошқа мазҳаб алоҳида, мансух бир диндек.

Бошқа баъзилар эса, аксинча, бу мазҳабларни турли шариатлардек кўриб, мусулмон киши уларнинг ҳар биридан ўзи ҳоҳлаганини олиши ва ҳоҳлаганини тарқ қилиши мумкин, чунки у ҳам шариат, бу ҳам шариат, деб ҳисоблашади. Улар ҳам, булар ҳам ўзларининг ихтилоф узра қолаверишларига юқорида айтганимиз тўқима ҳадисни - «Умматимнинг ихтилофи раҳматидир»ни хужжат қилишади...

...Хулоса шуки, ихтилоф умуман яхши нарса ҳам, раҳмат ҳам эмас. Бироқ, улар ичидан инсон учун айб саналадиганлари бор – айрим мутаассиб кишиларнинг ихтилофлари каби – ва айб-маломат қилинмайдиганлари бор – саҳобалар ва уларга эргашган имомларнинг ихтилофлари каби. Зоро, саҳобалар ихтилофга мажбур бўлганлар, ўзлари ихтилофни инкор қилишар ва имкони борича ундан қочишга ҳаракат қилишар эди. Муқаллидлар эса, ихтилофдан кутулишга имконлари бўла туриб иттифоққа келишмайди ва унга ҳаракат ҳам қилишмайди, аксинча ихтилофга рози бўлишади.

Бу сабаб жиҳатидан бўлган фарқ эди.

Аммо, асорат жиҳатидан бўлган фарққа келсак, саҳобалар розияллоҳу анхум фаръий масалаларда айрим ихтилофларга борган бўлсалар-да, бирлик-ҳамжиҳатлик кўринишларини сақлаб қолишга қаттиқ эътибор беришар, ҳамжиҳатликни парчалаб юборадиган ва сафларни бўлиб ташлайдиган ишлардан мутлақо узоқда эдилар. Масалан, улардан баъзилари намозда «Бисмиллоҳ»ни жаҳрий айтишни машруъ деб кўрсалар, баъзилари машруъ деб кўрмас, баъзилари қўлларни кўтаришни (рафъул ядайн) мустаҳаб санасалар, баъзилари бундай санамас, баъзилари аёл кишига қўл теккизиш таҳоратни синдиришини айтсалар, баъзилари синдиримаслигини айтишар, бироқ, шундай бўлса-да, барчалари битта имом ортида намоз ўқийверишар, улардан бирортаси мазҳабий ихтилоф туфайли битта имом ортида намоз ўқишидан четланишмас эди.

¹ Ибн Ҳазмнинг «Ал-иҳқом фий усулил аҳқом» ва Ад-Дехлавийнинг «Хужжатуллоҳил-болига» асарларидан мавзуга доир кенгрок маълумотлар олишингиз мумкин.

Муқаллидларнинг ихтилофлари бундан тамоман фарқли бўлиб, уларнинг асоратидан мусулмонлар ҳатто иймондан кейинги энг катта руҳи бўлмиш намозда бўлинниб кетдилар. Улар ўзга мазҳабда бўлган имомнинг намози ботил ёки ҳеч бўлмаса макруҳ деган эътиқод билан бир имом ортида намоз ўқищдан бош тортиш даражасига етдилар. Биз бундай ҳолатларга ўзимиз гувоҳ бўлдик, қулоқларимиз билан эшишиб, кўзларимиз билан кўрдик. Баъзи мазҳабларнинг машҳур китобларида бу ҳақда очиқдан-очиқ айтиб ҳам қўйилган. Бунинг натижаси ўлароқ, айrim Жомеъ масжидларида тўртта меҳроб борлигига, уларда тўртта имом бирин-кетин намоз ўқишига ва бир имом намоз ўқиётганида бир қанча одамлар ўз имомларини кутиб намоз ўқимай туришганига гувоҳ бўлинади.

Баъзи муқаллидларда ихтилоф бундан-да кучайиб, ҳатто улар ҳанафий эркак билан шофеъийя аёл ўртасида никоҳланишни ман қилиш даражасига етиб боришиди. Кейинроқ, айrim ҳанафий уламолари тарафидан ҳанафий эркакнинг шофеъийя аёлга уйланишига ижозат берувчи фатво ҳам чиқди. Ва бунга «шофеъийя аёл ахли китоблар манзилатида кўрилади» деган иллат – сабаб кўрсатилди.¹ Демак, бундан келиб чиқадики, улар наздида бунинг акси – яъни, шофеъий мазҳабидаги кишининг ҳанафий мазҳабидаги аёлга уйланиши мумкин эмас, худди ахли китоб эркакнинг муслима аёлга уйланиши мумкин бўлмаганидек.

Кўплаб келтириш мумкин бўлган бу каби мисоллардан оқил одам кейинги асрлардагиларнинг ихтилофлари ва ихтилоф устидаги ўжарликлари қандай ёмон оқибатларга олиб келганини пайқаб олиши унча қийин эмас. Ҳолбуки, салафларнинг ихтилофлари тамомила бошқача бўлиб, улар уммат учун бирор ёмон оқибат олиб келмаган эди. Шу боис динда бўлинишдан ман қилувчи оятлар мазмуни уларнинг эмас, балки кейингиларнинг ихтилофларини қамраб олган десак хато бўлмайди.

Кошки, мазкур ихтилофларининг зарари уларнинг ёлғиз ўзларигагина чекланиб қолиб, ушбу умматдан ташқарига ўтмаганида, у холда кулфат бир оз енгилроқ бўлар эди. Бироқ, афсуски, ихтилофлар таъсири мусулмон бўлмаган юртлар аҳлига ҳам ўтиб, уларнинг Аллоҳнинг ҳақ динига гурух-гурух бўлиб киришлари йўлига тўғаноқ ҳам бўлди.

Устоз Мухаммад Фаззолийнинг «ظلام من الغرب» (Фарбдан келган зулмат) китобида қуийидаги сатрларни ўқиш мумкин:

«Америкадаги Бренстон университетида ўтказилган конференсияда қатнашувчилардан бири шундай савонни ўртага ташлади: «Мусулмонлар ўзлари даъват килаётган Исломнинг аниқ чек-чегарасини биладиларми ўзи? Улар оламга қайси таълимотларни тақдим этишмоқчи? Суннийлар тушунчасидаги таълимотларними ёки шийъалар тушунчасидаги таълимотларними? Қолаверса, суннийлар ҳам, шийъалар ҳам ўзаро ички ихтилофлардан холи эмаслар. Айни бир масала устида баъзилари маълум маънода прогрессив фикрласалар, баъзилари эскича ва қолоқ фикр юритишади! Хуллас, Исломга даъват қилувчиларнинг ўзлари боши берк кўчада-ку, бошқаларни нимага чақиришмоқчи?!»

Аллома Мухаммад Султон ал-Маъсумий роҳимахуллоҳнинг «Япония мусулмонларига Султоннинг ҳадяси» рисоласи муқаддимасида шундай дейилади:

«Менга Япониянинг Токио ва Осака шаҳри мусулмонларидан шундай мазмунда савол келди:

Ислом динининг ҳакиқати нима? Мазҳабнинг маъноси нима? Ислом динига мушарраф бўлишни истаган киши албатта тўрт мазҳабдан бирида бўлиши шартми? Бу савонни беришимизнинг сабаби – Япония зиёлиларидан бир неча нафари Ислом динига кириш ва иймон неъматига мушарраф бўлиш истагида бўлиб, бу истакларини Токиодаги «Мусулмонлар жамиятия»га билдиришганда асли келиб чиқиши Ҳинд аҳлидан бўлган бир жамоа: «Улар имом Абу Ҳанифа мазҳабини ихтиёр этишлари лозим, чунки у зот умматнинг

¹ «Ал-баҳрур-роиқ» китобига қаралсин.

шамчириғидирлар» десалар, Индонезиядан бўлган жамоа: «Шофеъий мазҳабини ихтиёр этишлари лозим» деб туриб олишди. Бу сўзлар японларни хайрон колдирди ва уларнинг қасду-қарорларида иккиланиш пайдо бўлди, мазҳаблар масаласи уларнинг Исломга киришларига тўғаноқ бўлди.»

3. Савол: Баъзилар даъво қиласиди, сизлар чақираётган нарса – яъни суннатга (ҳадисга) эргашиш ва имомларнинг суннатга муҳолиф сўзларини қабул қиласлик дегани – уларнинг сўзларини олишни, ижтиҳод ва раъйларидан истифода этишини мутлақо тарқ қилиш маъносини англатади!

Жавоб: Бу даъво ҳақиқатдан жуда йироқ ва ботил бир даъводир. Зотан, юқоридаги сўзларимиздан ҳам бу нарса англашилган бўлса керак. Аксинча, биз даъват қилаётган нарса – замонамиз фуқаҳолари қилаётганидек, шахсий ҳолатлар, никоҳ-талоқ ва бошқа масалаларда ҳак-ноҳақ ўртасини ажратишда китобу суннатга қайтиш ўрнига ҳукмларни мазҳаблар асосига қуришдан, мазҳабларни гўё дин сифатида қабул қилишдан, баҳс-мунозара ўринларида ва фавқулодда ҳолларда янги ҳукмлар чиқаришда уларни китобу суннат ўрнига кўйишдан қайтариш, холос!

Аммо, китобу суннатда очиқ ҳужжат келмаган ёки изоҳталаб бўлган ихтилоғли масалаларда у улуғ имомларнинг сўзларига мурожаат қилишдан, улардан истифода этишдан ва ёрдам олишдан биз ҳеч қачон қайтарган эмасмиз, аксинча, биз бунга буюрамиз ва тарғиб қилиб келамиз. Зоро, китобу суннат билан ҳидоятланиш йўлини тутган киши учун бундан кўп манфаатлар ҳосил бўлишидан умидвормиз...

4. Савол: Баъзи муқаллидларда уларни мазҳабларига хилоф бўлган суннат(ҳадис)га эргашишдан тўсувчи бир гумон борки, у уларнинг «суннатга эргашиш мазҳаб соҳибини хатокор санаши лозим қиласи, хатокор санаш дегани эса имомга таън етказиш (айблаш) маъносини англатади, оддий бир мусулмонга таън етказиш мумкин эмас-ку, қандай қилиб улуғ имом шаънига мумкин бўлсин» деган гумонларидир.

Жавоб: Бу асоссиз ва суннатни (ҳадис илмини) яхши билмасликдан келиб чиқсан бир гумондир. Йўқса, оқил мусулмон қандай қилиб бу каби сўзни айтиши мумкин, ҳолбуки, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِذَا حَكَمَ الْحَاكمُ فَاجْتَهَدَ ثُمَّ أَصَابَ فَلَهُ أَجْرٌ وَإِذَا حَكَمَ فَاجْتَهَدَ ثُمَّ أَخْطَأَ فَلَهُ أَجْرٌ» (البخاري و مسلم)

«Агар ҳоким ҳукм қилса ва ижтиҳод қилиб, тўғри топса, унга икки ажр-савоб бордир. Агар ҳукм қилса ва ижтиҳод қилиб, хато қилса, унга бир ажр-савоб бордир»¹, деган бўлсалар!!!

Ушбу ҳадис очиқ далолат қиласиди, бир одам: «Фалончи олим хато қилган» деса, бу шаръий истилоҳда «Фалончи олим битта ажрга эга бўлган» деган маънони билдиради. Шундай экан, ўша фалончи уни хатокор санаган одамнинг фикрида бир ажрга эга бўлган бўлса, уни хатокор санашидан қандай қилиб унга таън етказиш маъноси тушунилиши мумкин?!

Бундай гумонга борган одамнинг ўзи мусулмонлар шаънига, бўлиб ҳам улардан оддий бир шахсга эмас, балки саҳобалар, тобиийлар ва мужтаҳид имомлар шаънига таън етказган бўлади. Чунки, у улуғ зотлар баъзан бир-бирларининг ишларини хато санаганликлари, баъзилари баъзиларининг сўзларини рад этганликлари маълум. Бирорта оқил одам: «Улар бир-бирларининг шаънига таън етказишган эди», деб айтадими, ахир?! Балки, саҳих ҳадисда келишича, Абу Бакр розияллоҳу анҳу бировнинг тушини таъбир қилганларида Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг сўзларини хато санаб: «Бир қисмини тўғри топибсиз,

¹ Бухорий ва Муслим.

бир қисмини хато айтибсиз» деганлар.¹ Бу сўзлари билан у зот Абу Бакр розияллоҳу анху шаънларига таън етказган бўладиларми?!

Бу хил гумон ўз эгаларини уларнинг мазҳабларига мухолиф бўлган суннатга эргашишдан тўсиб қўяди. Чунки, бундай суннатга эргашиш уларнинг наздида имомнинг шаънига таън етказиш саналади. Аммо, суннатга хилоф бўлса-да, имомнинг сўзини қабул қилиш уни эҳтиром қилиш маъносини англатади. Шу боис улар ўз гумонларича имомга таън етказишдан қочиш мақсадида унинг сўзларини маҳкам ушлаб тураверадилар.

Бу ишлари билан улар ўзлари билмаган ҳолда қочган нарсаларидан кўра ҳам ёмонрок нарсага тушиб қоладилар. Яъни, уларга бирор: «Агар эргашишлик эргашилаётган шахсни эҳтиром қилишга далолат қилса, унга мухолиф бўлиш эса унинг шаънига таън етказишни англатса, у ҳолда сизлар қандай қилиб пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мухолиф бўлишни ва маъсум бўлмаган, эргашаслик куфр саналмайдиган оддий бир инсон бўлмиш имомнинг сўзини деб суннатни тарқ қилишни ўзингизга жоиз санайсизлар?! Агар сизнингча, имомга мухолафат қилиш унга нисбатан таън етказиш маъносини англатса, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга мухолиф бўлиш у зот шаънларига таън етказиш, балки айни куфр эмасми?!» деса, унга жавоб айтишга қодир бўлишмас, нари борса: «Биз мазҳаб имомига ишонганимиз учун суннатни тарқ қиласиз, чунки у суннатни биздан кўра яхшироқ билади», деган бўлишарди.

Бу сўзларига ҳам бир неча жавобларимиз бўлгани ҳолда гапни узайтмаслик мақсадида фақат биттаси билан кифояланмоқчиман:

Суннатни сиздан кўра яхшироқ билувчи киши ёлғиз мазҳабингиз имомигина эмас, балки суннатни сиздан яхшироқ билувчи ундан бошка-да ўнлаб ва юзлаб имомлар ҳам бор. Агар бирор сахих суннат мазҳабингиз хилофига келган ва уни мазкур имомлардан бирорталари олган бўлса, у ҳолда ўша суннатни олиш сизга ҳам вожиб бўлади. Сизнинг юқоридаги сўзингиз бу ерда ўтмай қолади. Чунки, рақибингиз сизга айтиши мумкинки: «Биз бу суннатни уни олган имомга ишонганимиз учун олдик, суннатни олган имомга эргашиш унга мухолиф бўлган имомга эргашишдан кўра лойикроқ.»

Шу боис мен айта оламанки:

Бизнинг бу китобимиз пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай намоз ўқиганлари ҳақида сабит бўлган (яъни, сахих ва ҳасан) ҳадисларни қамраб олгани боис энди уларга амал қилмасликка ҳеч кимда узр қолмайди. Унда келтирилган айрим ҳадисларни мазҳаб имомларидан бирорталари олмаган бўлсалар, улар маъзур ва битта ажр билан маъжурдирлар. Зоро, улар учун бу ҳадиснинг сахихлиги аниқ маълум бўлмаган ёки бу ҳадис уларга умуман етиб келмаган бўлиши мумкин. Аммо кейингилар имомлари ўтиб кетгандан кейин сабит бўлган ҳадисларни тарқ қилган ҳолда, имомларининг уларга зид сўзларига эргашишлари тўғри бўлмайди.

Аллоҳ азза ва жалла айтади:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَحْيِيُوا لِلَّهِ وَلِرَسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحِبِّيْكُمْ وَاعْلَمُوْا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَبْلِهِ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини тўсиб қўюр ва шубҳасиз, Унинг хузурига тўпланурсизлар.»²

¹ Бухорий ва Муслим.

² «Анфол» сураси, 24-оят.

Аллоҳ ҳақни сўзлагувчи ва ҳаққа йўллагувчидир. У нақадар яхши дўст ва нақадар яхши мададкордир.

Ва соллаллоҳу ала Мұхаммадин ва ала алиҳи ва соҳбиҳи ва саллам. Валҳамду лиллаҳи роббили аламийн.

Мұхаммад Носируддин ал-Албоний

ПАЙГАМБАРИМИЗ НАМОЗЛАРИНИНГ СИФАТИ

КАЪБАГА ЙОЗЛАНИШ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиши учун турсалар, фарзда ҳам, нафлда ҳам Каъбага юзланар ва бошқаларни ҳам шунга буюрар эдилар. Намозини нуқсонли қилган кишига¹ хитобан:

«إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَأَسْبِغْ الْوُضُوءَ ثُمَّ اسْتَقْبِلِ الْقِبْلَةَ فَكَبِرْ»

«Агар намозга турсанг, таҳоратни мукаммал қил, сўнг қиблага юзланиб, такбир айт»², деганлар.

Сафарда нафл ва витр намозларини туялари устида (туя) қаёқка юзланган бўлса, [шарқами, ғарбами] ўша ёққа қараб ўқир эдилар.³

Бу Аллоҳ таолонинг қуидаги оятига мувофиқ:

﴿فَإِنَّمَا تُولُوا فَشَّمَ وَجْهَ اللَّهِ﴾

«Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша тарафдадир Оллоҳнинг юзи.»⁴

Гоҳо тухтада нафл ўқимоқчи бўлсалар, уни қибла тарафига буриб такбир айтар (яъни намозни бошлаб олар), сўнг кетаётган тарафларига қараб намоз ўқийверар эдилар.⁵

Улов устида бошлари билан ишора қилиб рукуъ ва сажда қилар, саждани рукуъдан кўра пастроқ қилар эдилар.⁶

Агар фарз намозини ўқимоқчи бўлсалар, (туядан) тушиб, қиблага юзланар эдилар.⁷

Хавф-хатар пайтидаги намозда эса умматларига хоҳ яёв, хоҳ отлиқ бўлсинлар, қиблага қараб ёки қарамаган ҳолларида намоз ўқишларига йўл берганлар ва айтганлар:

«إِذَا احْتَلَطُوا فَإِنَّمَا هُوَ التَّكْبِيرُ وَالإِشَارَةُ بِالرَّأْسِ»

«Агар аралашиб кетсалар, фақат такбир ва бош билан ишора (қилинади.)»⁸

Жобир розияллоҳу анҳу айтадилар: «Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдик, ҳаво айниб қолиб, қибла ҳақида тортишиб қолдик. Ҳар биримиз алоҳида намоз ўқидик ва турган жойимизни билиш мақсадида ҳар ким ўз олдига чизиқ тортиб кўя бошлади. Тонг отгач қарасак, биз қибладан бошқа тарафга қараб намоз ўқиган эканмиз. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга буни айтган эдик, [бизни қайта ўқишга буюрмадилар ва] «Ўқиган намозларингиз кифоя», дедилар.⁹

﴿قَدْ نَرَى تَقْبِلَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّنَكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلٌ وَجَهْكَ شَطْرُ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ﴾

«Гоҳо юзингиз осмон тарафига кўтарилаётганини қўрмоқдамиз. Бас, албаттат Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул-ҳаром (Макка)

¹ Бир киши Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида намоз ўқиганида ул зот унинг намози нуқсонли бўлганини айтиб, 2 марта қайта ўқишга буюрган кейин эса намозни қандай ўқиш кераклигини батафсил тушунтириб берганлар. Ушбу воқеа баён қилинган ҳадис шариат китобларида «Намозини нуқсонли қилган киши ҳақидаги ҳадис» номи билан машҳурдир. (Тарж.)

² Бухорий ва Муслим ривояти.

³ Бухорий ва Муслим ривояти.

⁴ «Бакара»: 115-оят.

⁵ Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривояти.

⁶ Аҳмад ва Термизий ривояти.

⁷ Бухорий ва Аҳмад ривояти.

⁸ Байҳақий ривояти.

⁹ Доракутний, Ҳоким, Байҳақий, Термизий, Ибн Можа ва Табароний ривоятлари.

томонга буринг!»¹ ояти тушмасидан илгари [(Маккадаликларида, тарж) Каъбани олд тарафларига қўйган ҳолларида] Байтул Мақдисга қараб намоз ўқирдилар. Мазкур оят тушгач, Каъбага юзландилар. Одамлар Қубода бамдод намозида турғанларида бир одам келиб: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу кечада оят нозил бўлиб, Каъбага юзланишга буорилдилар, сизлар ҳам у тарафга юзланинг», деди. Юзлари Шом тарафга қараган ҳолда эдилар, қиблага қараб бурилиб олдилар [имомлари ҳам бурилиб қиблага юзланди].²

ҚИЁМ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларида Аллоҳ таолонинг:

﴿ حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ ﴾

«Ва Оллоҳ учун бўйсунганд ҳолда тулинглар!»³ оятига бўйсуниб, фарзда ҳам, нафлда ҳам тик турар эдилар.

Сафарда эса нафл намозини уловлари устида ўқир эдилар.

Юқорида ўтганидек, қаттиқ хавф пайтида умматларига яёв ёки отлик ҳолда намоз ўқишини суннат қилиб бердилар. Бу Аллоҳ таолонинг ушбу оятига мувофиқдир:

﴿ حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ إِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمْتُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَمْكُمْ مَا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴾

«Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) муҳофаза қилинглар - ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Оллоҳ учун бўйсунганд ҳолда тулинглар! Энди агар (душман хужумидан) хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлик ҳолингизда (ибодат қиласерингиз!) Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Оллоҳ қандай ўргатганд бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Оллоҳни зикр қилингиз!»⁴

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган касалликларида ўтириб намоз ўқиганлар.⁵

Бундан аввал бошқа бир сафар ҳам касалликларида ўтириб ўқидилар. Одамлар орқада тик турган ҳолда ўқиётгандаридан уларга «ўтиринглар» деб ишора қилган эдилар, улар ўтиридилар. Намозларини тутатгач:

«إِنْ كَدْتُمْ آنَفَا لَتَفْعَلُونَ فَعْلَ فَارِسَ وَالرُّومِ يَقُومُونَ عَلَى مُلُوكِهِمْ وَهُمْ قُعُودٌ فَلَا تَفْعَلُوا أَئْمَتُكُمْ إِنْ صَلَّى قَاتِمًا فَصَلَّوَا قِيَامًا وَإِنْ صَلَّى قَاعِدًا فَصَلَّوَا قُعُودًا» (Роҳи Маслум)

«Хозир сизлар Форс ва Румлеклар амалини қилишига яқин бўлдингиз, улар ўтириган подишолари ҳузурида тик туришади. Сизлар ундан қилманглар! Имомингизга эргашинглар. Агар тик туриб намоз ўқиса тик туриб ўқинглар, ўтириб ўқиса ўтириб ўқинглар!», дедилар.⁶

¹ «Бақара»: 144.

² Бухорий, Муслим, Аҳмад, Сирож, Табароний, Ибн Саъд ривоятлари. Бу намоз жумхур уламо, жумладан Абу Ҳанифа ва икки дўстлари наздида сахих қавлга кўра аср намози эди. Бу хақда Ҳофиз Ибн Касир ўз тафсирида хадислар келтирган.

³ «Бақара»: 238.

⁴ «Бақара»: 238, 239.

⁵ Термизий ва Аҳмад ривоятлари.

⁶ Муслим ва бошқалар ривояти.

БЕМОРНИНГ ЎТИРИБ НАМОЗ ЎҚИШИ

«عَنْ عُمَرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَتْ بِي بَوَاسِيرُ فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ صَلَّ قَائِمًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى حَنْبِ» (البخاري وأبو داود وأحمد)

Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу айтадилар: «Менда бавосир¹ бор эди, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намоз ҳақида сўраган эдим: *«Тик туриб намоз ўқи, агар қодир бўлмасанг ўтириб, бунга ҳам қодир бўлмасанг ёнбошлиб ўқи»*, дедилар.»²

«عَنْ عُمَرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَلَاةِ الرَّجُلِ وَهُوَ قَاعِدٌ فَقَالَ مَنْ صَلَّى قَائِمًا فَهُوَ أَفْضَلُ وَمَنْ صَلَّى قَاعِدًا فَلَهُ نِصْفُ أَجْرِ الْقَائِمِ وَمَنْ صَلَّى نَائِمًا (وفي رواية: مُضطَجِعًا) فَلَهُ نِصْفُ أَجْرِ الْقَاعِدِ» (البخاري وأبو داود وأحمد)

Яна айтадилар: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кишининг ўтирган ҳолда ўқиган намози ҳақида сўраган эдим, шундай дедилар: *«Ким тик туриб ўқиса, бу энг афзалир, ким ўтириб ўқиса унга тик туриб ўқиганнинг ярмича ажер, ким ётган ҳолда ўқиса, унга ўтириб ўқиганнинг ярмича ажер (бўлади.)»*³

Бундан bemorning намози кўзда тутилгандир. Зоро, Анас розияллоҳу анҳу айтадилар:

«عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى نَاسٍ وَهُمْ يُصَلِّونَ قَعْدَةً مِنْ مَرَضٍ فَقَالَ: إِنَّ صَلَاةَ الْقَاعِدِ عَلَى النِّصْفِ مِنْ صَلَاةِ الْقَائِمِ» (أحمد وابن ماجه بسنده صحيح)

Беморлик сабабли ўтириб намоз ўқиётган одамлар олдига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар, сўнг: *«Ўтириб ўқувчининг намози тик туриб ўқувчининг намозининг ярмичадир»*, дедилар.⁴

«عَادَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرِيضًا فَرَآهُ يَصْلِي عَلَى وَسَادَةِ فَأَخْذَهُ فَرَمَى بِهِ وَقَالَ: صَلَّى عَلَى الْأَرْضِ إِنْ اسْتَطَعْتَ وَإِلَّا فَأَوْمِ إِيمَاءً وَاجْعَلْ سُجُودَكَ أَحْفَضَ مِنْ رُكُوعِكَ» (الطبراني والبزار وابن السمак والبيهقي وسنده صحيح)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир bemorni кўргани бориб, унинг ёстиқка (сажда қилиб) намоз ўқиётганини кўрдилар ва ёстиқни олиб ташладилар. Шунда у унинг устига сажда қилиш учун бир ёғоч кўйиб олди, уни ҳам олиб ташладилар ва: *«Қодир бўлсанг ерга (сажда қилиб) намоз ўқигин, қодир бўлмасанг бошинг билан ишора қил(иб ўқи) ва сажданги руқуъингдан пастроқ қил»*, дедилар.⁵

КЕМАДАГИ НАМОЗ

«وَسُئِلَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ فِي السَّفَيَّةِ قَالَ: صَلَّ فِيهَا قَائِمًا إِلَّا أَنْ تَخَافَ الْغَرْقَ». (البزار والدرقطني وصححه الحاكم)

¹ Бавосил (геморрой) касаллиги

² Бухорий, Абу Довуд, Аҳмад ривоятлари

³ Бухорий, Абу Довуд, Аҳмад ривоятлари

⁴ Аҳмад ва Ибн Можа ривоятлари.

⁵ Табароний, Баззор, Ибн Саммок, Байҳақий ривоятлари.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кемада намоз ўқиши ҳақида сўралганларида: «*Тик туріб намоз ўқи. Аммо гарқ бўлишидан қўрқсанг*» (ўтириб ўқишинг мумкин)» дедилар.¹

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёшлари ўтиб, кексайиб қолганларида намозгоҳларида бир устун қилдириб, шунга суяниб оладиган бўлдилар.²

ТУНГИ НАМОЗДАГИ ҚИЁМ ВА ҚУЪУД (ЎТИРИШ)ЛАРИ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи тунлар узок тик туриб, баъзи тунлар узок ўтириб намоз ўқирдилар. Агар тик туриб қироат қилсалар, тик турган ҳолда рукуъ қилар, ўтириб қироат қилсалар, ўтирган ҳолда рукуъ қилардилар.³

Гоҳо ўтириб намоз ўқирканлар, ўтирган ҳолларида қироат қилар, қироатларидан 30 ёки 40 оят миқдорида қолганда туриб кетар ва тик турган ҳолларида қироат қилиб, сўнг рукуъ ва сажда қилар, сўнгра кейинги ракъатда ҳам шундай қилар эдилар.⁴

Умрларининг охирида, кексайиб қолганларида нафлни ўтириб ўқийдиган бўлдилар, бу вафотларидан бир йил олдин эди.⁵

Чордона куриб ҳам ўтирап эдилар.⁶

ОЁҚ КИЙИМДА НАМОЗ ЎҚИШЛАРИ ВА БУНГА БУЮРГАНЛИКЛАРИ

Гоҳо оёқ яланг, гоҳо оёқ кийим билан намоз ўқир эдилар.⁷

Умматларига ҳам шунга рухсат бериб, айтдилар:

«إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلِيَلْبِسْ نَعْلَيْهِ أَوْ لِيَخْلُعْهُمَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ وَلَا يُؤْذِي بِهِمَا غَيْرَهُ» (أبو داود والبزار وصححه الحاكم ووافقه الذهبي)

«*Агар бирорвингиз намоз ўқиса, оёқ кийимини кийиб олсин ёки оёқлари орасига ечиб қўйсин, оёқ кийимлари билан бошқаларга озор бермасин.*»⁸

Гоҳо оёқ кийимларда намоз ўқиши лозимлигини уларга таъкидлаб:

«*خَالِفُوا الْيَهُودَ فَإِنَّهُمْ لَا يُصَلِّونَ فِي نِعَالِهِمْ وَلَا خِفَافِهِمْ*» (Роҳаб أبو Дауд)

«*Яхудларга хилоф иши қилинглар. Чунки, улар на кавушлари билан ва на маҳсилари билан намоз ўқишиади,*» дедилар.⁹

Баъзан намозда турган ҳолларида оёқ кийимларини ечиб қўйиб, намозларида давом этардилар.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтадилар:

¹ Баззор, Доракутний, Абдулғаний ал-Мақдисий, Ҳоким ва Захабий, сахих.

² Абу Довуд, Ҳоким, Захабий, сахих.

³ Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

⁴ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

⁵ Муслим ва Аҳмад ривоятлари.

⁶ Насойи, Ибн Хузайма, Абдулғаний ал-Мақдисий, Ҳоким ва Захабий, сахих.

⁷ Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Баззор, Ҳоким, Захабий, сахих.

⁹ Абу Довуд, Баззор, Ҳоким, Захабий, сахих.

«عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ فَلَمَّا كَانَ فِي بَعْضِ صَلَاتِهِ خَلَعَ نَعْلَيْهِ فَوَضَعَهُمَا عَنْ يَسَارِهِ فَلَمَّا رَأَى النَّاسُ ذَلِكَ خَلَعُوا نَعَالَهُمْ فَلَمَّا قَضَى صَلَاتَهُ قَالَ مَا بِالْكُمْ الْقَيْمُونُ نَعَالَكُمْ قَالُوا رَأَيْنَاكَ الْقَيْمُونَ تَعْلَيْكَ فَأَقْبَلُوا نَعَالَنَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ جَبْرِيلَ أَتَانِي فَأَخْبَرَنِي أَنَّ فِيهِمَا قَدْرًا أَوْ قَالَ أَذْنِي فَأَقْبَلُهُمَا فَإِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَسْجِدِ فَلِيَنْظُرْ فِي نَعْلَيْهِ فَإِنْ رَأَى فِيهِمَا قَدْرًا أَوْ قَالَ أَذْنِي فَلِيَمْسِحْهُمَا وَلْيُصَلِّ فِيهِمَا» (أبو داود وابن حزم)

«Бир куни Ресуллопоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан намоз ўқидилар ва намознинг орасида оёқ кийимларини ечиб, чап томонларига қўйиб қўйдилар. Буни кўргач, одамлар ҳам оёқ кийимларини ечдилар. Ресуллопоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини тамомлагач: «*Нима бўлди, нега оёқ кийимларингизни ечиб ташладинглар?*» деб сўрадилар. «Сиз оёқ кийимингизни ечганингизни кўриб, биз ҳам ечиб ташладик» дейшиди. Шунда дедилар: «*Жибрийл келиб, унда ахлат (бир ривоятда: нопок нарса) борлигини айтган эди, ечиб қўйдим. Агар бировингиз масжидга келса оёқ кийимларига қарасин. Агар уларда нопоклик борлигини кўрса, артиб ташласин ва улар билан намоз ўқийверсин.*»¹

Оёқ кийимларини есалар чап томонларига қўяр эдилар² ва айтар эдилар:

«إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلَا يَضْعَنْ نَعْلَيْهِ عَنْ يَمِينِهِ وَلَا عَنْ يَسَارِهِ فَتَكُونَ عَنْ يَمِينِ غَيْرِهِ إِلَّا أَنْ لَا يَكُونَ عَنْ يَسَارِهِ أَحَدٌ وَلْيَضْعِهِمَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ» (Абу Дауд وابن حزم)

«Агар бировингиз намоз ўқиса, оёқ кийимини ўнг томонига қўймасин. Чап томонига ҳам қўймасинки, бошқа бировнинг ўнг томонига қўйган бўлади. Магар чап томонида ҳеч ким бўлмаса (қўйиши мумкин.) Уларни ўз оёқлари орасига қўйсин.»³

МИНБАР УСТИДА НАМОЗ

Бир марта минбар устида намоз ўқидилар (бир ривоятда: у уч поғонали эди), минбар устида туриб такбир айтдилар, орқаларидан одамлар ҳам такбир айтдилар, сўнг минбарда туриб рукуъ қилдилар, сўнг рукуъдан турдилар-да, орқачасига юриб пастга тушдилар ва минбар остига сажда қилдилар. Сўнг яна қайтиб, биринчи ракъатда қилганларидек қилдилар. Намозларидан фориғ бўлгач, одамларга юзландилар ва:

«أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي صَنَعْتُ هَذَا لِتَنْثَمُوا بِي وَلِتَعْلَمُوا صَلَاتِي»

«Эй одамлар, менга эргашишларингиз ва намозимни ўрганиб олишларингиз учун шундай қилдим», дедилар.⁴

СУТРА (ТЎСИҚ) ВА УНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Сутрага яқин турар эдилар, девор билан ораларида уч газ масофа бўлар эди.⁵

Саждагоҳлари билан девор ўртасида бир қўй ўта оладиган жой бўлар эди.⁶

¹ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ҳоким, сахих.

² Абу Довуд, Насойи, Ибн Хузайма.

³ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ҳоким, сахих.

⁴ Бухорий, Муслим, Ибн Саъд ривоятлари.

⁵ Бухорий ва Аҳмад ривоятлари.

⁶ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

وكان يقول: «لا تصل إلأى سُترةٍ وَلَا تَدْعُ أَحَدًا يَمْرُّ بَيْنَ يَدِيْكَ فِإِنْ أَبَيَ فَلْتُقَاتِلْهُ فَإِنَّ مَعَهُ الْقَرِينُ» (ابن حزم)¹

Айтар эдилар: «*Сутрасиз намоз ўқима, ҳеч кимни олдингдан ўтишига йўл қўйма, агар кўнмаса у билан жсанг қил, чунки у билан бирга қариийн (шайтон) бордир.*»¹

وقال: «إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ إِلَى سُترةٍ فَلَيْدُنُ مِنْهَا لَا يَقْطَعُ الشَّيْطَانُ عَلَيْهِ صَلَاتُهُ» (أبو داود والبزار وصححه الحاكم ووافقه الذهبي)

Яна айтган эдилар: «*Бироингиз (бирор нарсани) сутра қилиб намоз ўқиса, унга яқин турсин, шайтон намозини бўла олмайди.*»²

Гоҳо намозни масжидларидағи устун олдида ўқишга қасд қилардилар.

Агар [сутра қилинадиган ҳеч нарса йўқ бўлган] очик майдонда намоз ўқисалар, олдилариға найзалини санчиб, орқаларида одамлар бўлган ҳолда ўша найзага қараб намоз ўқир эдилар.³

Гоҳо туяларини кўндаланг қўйиб, шунга қараб намоз ўқир эдилар.⁴ Бу туя қўраларида намоз ўқишидек эмас, ундан қайтаргандар. Гоҳо эгарни олиб, айлантирадилар ва унинг орқасига (ўрнатилган ёғоч-таёққа) қараб намоз ўқирдилар.⁶

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا وَضَعَ أَحَدُكُمْ مِثْلَ مُؤْخِرَةِ الرَّحْلِ فَلَيُصَلِّ وَلَا يُبَالِ مَنْ مَرَّ وَرَاءَ ذَلِكَ» (مسلم وأبو داود)

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Агар бирорталарингиз олдига эгарнинг орқасига ўхшаи бирор нарсани қўйиб олса намоз ўқийверсин, унинг нариёгидан ўтган одамга парво қилмасин.*»⁷

Бир марта дарахтга қараб намоз ўқиганлар.⁸

Гоҳо каравотга қараб намоз ўқир, Оиша розияллоҳу анҳо унда [чойшаблариға ўралиб] ётган бўлардилар.⁹

Сутра билан ўз ўрталаридан бирор нарсани ўтишига йўл қўймас эдилар. Бир куни намоз ўқиётгандаридан бир қўй олдиларидан ўтмоқчи бўлиб келаётган эди, шошилиб олдинга юрдилар, ҳатто қоринлари деворга тегди. [Шунда қўй орқаларидан ўтиб кетди.]¹⁰

صَلَّى صَلَاتُهُ مَكْتُوبَةً فَضَمَّ يَدَهُ فَلَمَّا صَلَّى قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَحَدَثَ فِي الصَّلَاةِ شَيْءٌ؟ قَالَ: لَا إِلَّا أَنَّ الشَّيْطَانَ أَرَادَ أَنْ يَمْرُّ بَيْنَ يَدَيَ فَخَنَقَهُ حَتَّى وَجَدْتُ بَرْدَ لِسَانَهُ عَلَى يَدَيَّ وَأَئُمُّ اللَّهِ لَوْلَا مَا سَبَقَنِي إِلَيْهِ أَخِي سُلَيْمَانُ لَأَرْتَبَطَ إِلَيْهِ سَارِيَةً مِنْ سَوَارِي الْمَسْجِدِ حَتَّى يُطِيفَ بِهِ وَلِدَانُ أَهْلِ الْمَدِينَةِ [فَمَنْ اسْتَطَاعَ أَنْ لَا يَحُولَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ أَحَدٌ فَلَيَفْعُلْ]. (أحمد والدارقطني والطبراني بسنده صحيح)

¹ Ибн Хузайма ривояти.

² Абу Довуд, Баззор, Ҳоким ривоятлари.

³ Бухорий, Мұслим, Ибн Можа ривоятлари.

⁴ Бухорий ва Аҳмад ривоятлари.

⁵ Бухорий ва Аҳмад ривоятлари.

⁶ Мұслим, Ибн Хузайма, Аҳмад ривоятлари.

⁷ Мұслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁸ Насойи, Аҳмад ривоятлари.

⁹ Бухорий, Мұслим, Абу Яъло ривояти.

¹⁰ Ибн Хузайма, Табароний, Ҳоким ривоятлари.

Фарз намозини ўқиётиб, бирдан қўлларини қисдилар. Намоздан сўнг (саҳобалар:) «Ё Росулашлоҳ, намозда бирор ходиса юз бердими?» деб сўрашган эди: «*Йўқ, лекин шайтон олдимдан ўтмоқчи бўлган эди, уни бўгиб олдим, ҳатто тилининг совуқлигини қўлларимда ҳис қилдим. Аллоҳга қасамки, мендан аввал биродарим Сулаймон алайхиссалом (нинг дуоси) бўлмаганды эди, уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйган бўлар эдим ва Мадинанинг болалари уни ўраб олишарди. [Ким ўзи билан қибла ўртасида бирорни тургизмасликка қодир бўлса, шундай қилсин]*», дедилар.¹

وَ كَانَ يَقُولُ: «إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ إِلَى شَيْءٍ يَسْتُرُهُ مِنَ النَّاسِ فَأَرَادَ أَحَدٌ أَنْ يَجْتَازَ بَيْنَ يَدَيْهِ فَلَيَدْفَعْ فِي نَحْرِهِ [وَلَيَدْرُأْ مَا اسْتَطَاعَ] فَإِنْ أَبِي فَلِيُقَاتِلْهُ فَإِنَّمَا هُوَ شَيْطَانٌ» (البخاري ومسلم)

Ва айтар эдилар: «*Агар бирортангиз одамлардан уни тўсиб турадиган нарсага қараб намоз ўқиётганида бирор олдидан кесиб ўтмоқчи бўлса, уни қўкрагидан итарсин [ва имкони борича даф қилсин.] Агар қўнмаса, у билан урушисин, чунки у шайтондир.*»²

وَ كَانَ يَقُولُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ يَعْلَمُ الْمَارُّ بَيْنَ يَدَيِ الْمُصَلِّي مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ حَيْرًا لَهُ مِنْ أَنْ يَمْرُّ بَيْنَ يَدَيْهِ» (البخاري ومسلم)

Ва айтган эдилар: «*Намоз ўқувчининг олдидан ўтаётган одам унга қанча гуноҳ бўлишини билганида эди, 40... кутиб туриши ўзи учун унинг олдидан ўтганидан кўра яхшироқ бўлар эди.*»³

НАМОЗНИ БУЗАДИГАН НАРСАЛАР

وَ كَانَ يَقُولُ: «يَقْطَعُ صَلَاةَ الرَّجُلِ إِذَا لَمْ يَكُنْ بَيْنَ يَدَيْهِ كَاهِرَةُ الرَّجُلِ الْمَرْأَةُ [الحائض] وَالْحَمَارُ وَالْكَلْبُ الْأَسْوَدُ» قال أبو ذر: قُلْتُ: «يا رَسُولَ اللهِ مَا بَالُ الْأَسْوَدِ مِنَ الْأَحْمَرِ» فَقَالَ: «الْكَلْبُ الْأَسْوَدُ شَيْطَانٌ» (مسلم وأبو داود وابن خزيمة)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Кишининг олди тарафида эгарнинг орқасига ўхиши бирор нарса бўлмаса, унинг намозини [болига] аёл, эшак ва қора им кесади (бузади).*» Абу Зар розияллоҳу анҳу айтади: Мен: «Ё Росулуллоҳ, қорани қизилдан нима фарқи бор?» деб сўраган эдим, «*Қора им шайтондир*», дедилар.⁴

ҚАБРГА ЙОЗЛАНИБ НАМОЗ ЎҚИШ

Қабрга юзланиб намоз ўқишдан қайтариб, айтганлар:

«لَا تُصَلُّوا إِلَى الْقُبُورِ وَلَا تَحْلِسُوا عَلَيْهَا» (مسلم وأبو داود وابن خزيمة)

«*Қабрларга қараб намоз ўқиманглар ва улар устида ўтируманглар!*»⁵

¹ Ахмад, Доракутний, Табароний ривоятлари. Ушбу ҳадис маъноси «Саҳиҳайн» ва бошка китобларда кўпгина саҳобалар ривояти билан келган. У Қодиёний тоифаси инкор қиласиган кўплаб ҳадислардан биридир. Чунки улар Қуръон ва ҳадисда келган жинлар оламига ишонишмайди. Қуръонда келган оятлар маъносини ўзгартиришиб, масалан, «Жин» сурасидаги: «Менга вахий қилиндики, жинлардан бир гурухи (менинг Қуръон тиловат қилганимни) эшлишиди» оятидаги «жин» сўзини «инсонлардан бўлган» деб таъвил қилишади. Ҳадисларни эса имкони бўлса ботил таъвиллар билан ўзгартиришади, иложи бўлмаса – ҳар қанча сахих ва мутавотир ҳадис бўлмасин – ботил ҳадис деб эълон қилишади.

² Бухорий, Муслим ривояти.

³ Бухорий, Муслим ривояти. (Ровийлардан Абу Назр айтади: 40 кун эдими, ойми, йилми, билмай қолдим.)

⁴ Муслим, Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари.

⁵ Муслим, Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари.

НИЯТ

وكان صلى الله عليه وسلم يقول: «إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنَّيَّاتِ وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى» (البخاري و مسلم وغيرهما)

Айтган эдилар: «*Амаллар фақат ниятлар билангина (эътиборлидир,) ҳар бир киши учун фақат ният қилган нарсасигина бўлур.*»

ТАКБИР

Сўнг Руслуллоҳ соллаллоҳи алайҳи ва саллам намозларини «Аллоҳу акбар» деб бошлар эдилар.² Юқорида ўтганидек, намозини нуқсонли ўқиган кишини ҳам шунга буюрганлар ва:

«إِنَّمَا لَا تَتَمَّعِنُ صَلَاتُ لَأَحَدٍ مِّنَ النَّاسِ حَتَّىٰ يَتَوَضَّأَ فَيَضَعَ الْوُضُوءَ مَوَاضِعَهُ ثُمَّ يَقُولَ: «اللَّهُ أَكْبَرُ» (الطبراني بإسناد صحيح)

«*To таҳорат қилиб, таҳоратини ўрнига келтирмагунича, сўнгра «Аллоҳу акбар» демагунича ҳеч бир кишининг намози мукаммал бўлмайди,*»³ деганлар.

Ва айтган эдилар: «*Намознинг калити таҳоратдир, таҳрими⁴ тақбираш айтиши, таҳлили эса салом бершидир.*»⁵

Орқадагилар эшитадиган даражада овозларини такбир билан кўтарар эдилар.⁶

Агар Руслуллоҳ соллаллоҳи алайҳи ва саллам бетоб бўлсалар, Абу Бакр розияллоҳу анҳу овозларини кўтариб, у зотнинг тақбirlарини одамларга етказар эдилар.⁷

«*وَكَانَ يَقُولُ: «إِذَا قَالَ الْإِمَامُ: «اللَّهُ أَكْبَرُ» فَقُولُوا: «اللَّهُ أَكْبَرُ» (أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ بِسندِ صَحِيحٍ)*

Айтган эдилар: «*Агар имом «Аллоҳу акбар» деса, сизлар ҳам «Аллоҳу акбар» денглар.*»⁸

ҚЎЛЛАРНИ КЎТАРИШ

Баъзида тақбира билан бирга қўлларини кўтарар эдилар, баъзида тақбирдан кейин⁹, баъзида олдин кўтарар эдилар.¹⁰

Уларни бармоқларини ёзган ҳолда кўтарар эдилар, [уларнинг орасини очиб ҳам юбормасдилар, йиғиб ҳам олмасдилар.]¹¹

¹ Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти. Имом Нававий «Равзатут-толибийн»да айтади: Ният – қасд маъносида бўлиб, намозхон ўқимоқчи бўлаётган намозининг зотини ва «пешин намозининг фарзи» деган каби сифатларини зехнида ҳозирлаб, сўнг уларни биринчи тақбира боғлаган ҳолда қасд қиласди.

² Муслим, Ибн Можа ривоятлари.

³ Табароний сахих иснод билан ривоят қиласди.

⁴ Таҳрими – яъни, намоз ичида қилишлик ҳаром қилинган ишларнинг бошланиши тақбираш айтилиши биландир, таҳлили – яъни, мазкур ишларнинг ҳалол қилиниши салом берилиши биландир.

⁵ Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоятлари.

⁶ Аҳмад, Ҳоким ривоятлари.

⁷ Муслим, Насойи ривоятлари.

⁸ Аҳмад, Байҳақий сахих санад билан ривоят қиласди.

⁹ Бухорий, Насойи ривоятлари.

¹⁰ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

¹¹ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Таммом, Ҳоким ривоятлари.

Уларни елкалари баробарида күтәрәр эдилар¹, күпинча эса қулоклари баробарида күтәрәр эдилар.²

ҮНГ ҚҮЛНИ ЧАП ҚҮЛ УСТИГА ҚҮЙИШ

Үнг құлларини чап құллари устига құяр эдилар.³

وَكَانَ يَقُولُ: «إِنَّا مَعْشَرَ الْأَنْبِيَاءِ أُمِرْنَا بِتَعْجِيلِ فِطْرِنَا وَتَأْخِيرِ سُحُورِنَا وَأَنْ نَصْعَ أَيْمَانَنَا عَلَى شَمَائِلِنَا فِي الصَّلَاةِ».

(ابن حبان والضياء بسنده صحيح)

Ва айттар эдилар: «Биз анбиёлар жамоаси ифторимизни тезлатишга, саҳарлигимизни кечиктиришига ва намозда ўнг құлимизни чап құлимиз устига қўйишга буюрилдик.»⁴

Пайғамбар соллаллоху алайхи ва саллам чап қўлинни ўнг қўли устига қўйган ҳолда намоз ўқиётган киши ёнидан ўтиб қолдилар-да, уни(нг құлларини) ечиб, ўнг құлни чап қўл устига қўйиб қўйдилар.⁵

Ўнг құлларини чап кафт, ошиқ ва билаклари устига қўяр эдилар.⁶ Асхобларини хам шунга буюрганлар.⁷

Гоҳо ўнг құллари билан чап құлларини ушлаб олардилар.⁸

Ва уларни кўкраклари устига қўядилар.⁹

Намозда ихтисордан (құлларни биқинга қўйиб туришдан) қайтарар эдилар.¹⁰

САЖДА ЎРНИГА ҚАРАШ ВА ХУШУЬ

Росулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам намоз ўқиганларида бошларини эгиб, кўзларини ерга тикар эдилар.¹¹

Каъбага киргандаридан то қайтиб чиққунларича кўзларини саждагохларидан олмадилар.¹²

وقال صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَنْبَغِي أَنْ يَكُونَ فِي الْبَيْتِ شَيْءٌ يَشْغَلُ الْمُصَلَّى» (أبو داود وأحمد بسنده صحيح)

Ва айтдилар: «Үйда (Каъбада) намозхонни машгул қилиб қўядиган бирор нарса бўлиши лойиқ эмас.»¹³

Кўзни осмонга қаратишдан қайтарар эдилар¹⁴, бу хақда таъкидлаб шундай деганлар:

¹ Бухорий, Насой ривоятлари.

² Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

³ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁴ Ибн Ҳиббон, Зиё саҳиҳ санад билан ривоят килган.

⁵ Ахмад, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Абу Довуд, Насой, Ибн Хузайма ривоятлари.

⁷ Молик, Бухорий, Абу Авона ривоятлари.

⁸ Насой, Доракутний саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

⁹ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ахмад ривоятлари.

¹⁰ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹¹ Байҳақий, Ҳоким ривоятлари.

¹² Байҳақий, Ҳоким ривоятлари.

¹³ Абу Довуд, Ахмад ривоятлари.

¹⁴ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

وقالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَيَتَهِينَ أَقْوَامٍ يَرْفَعُونَ أَبْصَارَهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فِي الصَّلَاةِ أَوْ لَا تَرْجِعُ إِلَيْهِمْ وَفِي رِوَايَةِ أَوْ لَكْسْطَفَنَ أَبْصَارُهُمْ» (البخاري ومسلم)

«Намозда кўзларини осмонга кўтараётган кишилар бундан тийиладилар ёки кўзлари тортиб олинади». ¹

وفي حديث آخر: «فَإِذَا صَلَّيْتُمْ فَلَا تَلْتَفِتُوا فَإِنَّ اللَّهَ يَنْصِبُ وَجْهَهُ لَوْجَهِ عَبْدِهِ فِي صَلَاتِهِ مَا لَمْ يَلْتَفِتْ». (الترمذى والحاكم وصححاه)

Бошқа бир ҳадисда: «Агар намоз ўқисангиз, (у ёк бу ёкка) қарамангиз. Зоро, Аллоҳ намозда турган бандасининг юзига – модомики бурилмай тураркан – Юзини тикиб туради.»²

وقالَ عَنِ التَّلْفُتِ: «اَخْتَلَاسٌ يَخْتَلِسُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ صَلَةِ الْعَبْدِ» (البخاري وأبو داود)

Намозда у ёк бу ёкка қарашибди: «У шайтоннинг бандадан ўғирлайдиган ўлжасидир»³ деганлар.

وقالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَزَالُ اللَّهُ مُقْبِلاً عَلَى الْعَبْدِ فِي صَلَاتِهِ مَا لَمْ يَلْتَفِتْ فَإِذَا صَرَفَ وَجْهَهُ اِنْصَرَفَ عَنْهُ» (رواه أبو داود وغيره)

Яна айтганлар: «Банда намозида бурилмасдан турар экан, Аллоҳ унга иқбол қилиб (қарааб) туради. Агар бандада юзини бурса, Аллоҳ ундан бурилади.»⁴

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда) уч нарсадан: хўроздинг чўқишидек чўқишидан, итнинг чўккалаб ўтиришидек ўтиришдан ва тулкининг қарашидек қарашибди: «(бу дунё билан) видолашувчининг намозидек, худди Уни қўриб турганингдек намоз ўқи. Агар сен кўрмаётган бўлсанг, У сени қўриб турибди.»⁵

وَكَانَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «صَلَّى صَلَةً مُوَدَّعَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ كُنْتَ لَا تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ» (ابن ماجه وأحمد وصححه الميتمي الفقيه)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «(бу дунё билан) видолашувчининг намозидек, худди Уни қўриб турганингдек намоз ўқи. Агар сен кўрмаётган бўлсанг, У сени қўриб турибди.»⁶

وَيَقُولُ: «مَا مِنْ امْرٍ مُسْلِمٌ تَحْضُرُهُ صَلَةً مَكْتُوبَةً فِي حُسْنٍ وُضُوعَهَا وَخُشُوعَهَا وَرُكُوعَهَا إِلَّا كَانَتْ كَفَارَةً لِمَا قَبْلَهَا مِنِ الذُّنُوبِ مَا لَمْ يُؤْتِ كَبِيرَةً وَذَلِكَ الدَّهَرُ كُلُّهُ». (مسلم)

Яна айтган эдилар: «Бирон бир киши фарз намози ҳозир бўлганида таҳоратини, хушуъ ва рукуъини чиройли қилса, бу унинг олдинги гуноҳларига каффорат бўлади – агар катта гуноҳ қилмаган бўлса (катта гуноҳдан тавба қилиши к-к) – ва бу ҳар замон шундай (давом этади.)»⁷

¹ Муслим , Бухорий, Сирож ривоятлари.

² Термизий, Ҳоким ривоятлари.

³ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Хиббон.

⁵ Ахмад ва Абу Яъло ривоятлари.

⁶ Табароний, Рувёний, Зиё, Ибн Можа, Ахмад, Ибн Асокир, Ҳайсамий.

⁷ Муслим ривояти.

عن عائشة «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي خَمِيصَةٍ لَهَا أَعْلَامٌ فَنَظَرَ إِلَى أَعْلَامِهَا نَظَرًا فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ اذْهَبُوا بِخَمِيصَتِي هَذِهِ إِلَى أَبِي جَهْمٍ وَأَتُونِي بِأَنْجَانِيَّةِ أَبِي جَهْمٍ فَإِنَّهَا أَلْهَتْنِي آنِفًا عَنْ صَلَاتِي» (البخاري ومسلم ومالك)

Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гулли адёлсимон нарсага ўранган ҳолларида намоз ўқий туриб унинг гулларига назар ташладилар. Намоздан бўшагач: «*Бу ўранчиғимни Абу Жаҳмга олиб бориб бериб, менга Абу Жаҳмнинг анбижониясини (гулсиз, дагал матосини) келтириб беринглар. Чунки, бу ҳозир мени намозимдан чалгитди*» дедилар.¹

عن عائشة «أَنَّهُ كَانَ لَهَا ثَوْبٌ فِيهِ تَصَاوِيرُ مَمْدُودٌ إِلَى سَهْوَةِ فَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي إِلَيْهِ فَقَالَ أَخْرِيْهِ عَنِي فَإِنَّهُ لَا تَرَأْلُ تَصَاوِيرُهُ تَعْرِضُ لِي فِي صَلَاتِي» (البخاري ومسلم)

Оиша розияллоҳу анҳонинг суратлари бор бир матоси бўлиб, у айвонда осилиб турар, Росулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қараб намоз ўқирдилар. (Бир қуни:) «*Уни мендан узоқлаштиринг, чунки унинг суратлари намозда мени машгул қиляпти*» дедилар.²

وَكَانَ يَقُولُ: «لَا صَلَةَ بِحَضْرَةِ الطَّعَامِ وَلَا هُوَ يُدَافِعُهُ الْأَخْبَثَانِ» (رواه مسلم)

Ва айтар эдилар: «*Таом ҳозир бўлган вақтда ва икки хабис нарса (яъни, катта ва кичик ҳожсат) қисталиб турганда намоз ўқилмайди.*»³

ИСТИФТОХ (КИРИШ) ДУОЛАРИ

Росулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини Аллоҳга ҳамду-санолар айтувчи ва Уни улуғловчи кўплаб турли дуолар ўқиш билан бошлар эдилар. Намозини нуқсонли ўқиган кишига ҳам шундай қилишини буюриб: «*To takbir aytmagunicha va Allohga hamdu-sano aytib, Kurxonidan myassar boulgan miqdorda ukimagunicha xech bir kishinинг namozisi mukammal boulmайди*», деганлар.⁴

Қўйидаги дуоларнинг гоҳо унисини, гоҳо бунисини ўқирдилар:

«اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ حَطَّايَيِّ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ، اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنْ حَطَّايَيِّ كَمَا يُنْقِي الشَّوْبُ الْأَيْضُ مِنَ الدَّنَسِ، اللَّهُمَّ اغْسِلْنِي مِنْ حَطَّايَيِّ بِالشَّلْجِ وَالْمَاءِ وَالْبَرَدِ».

1. «*Эй Аллоҳум, мен билан хатоларим орасини магриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ этгин. Эй Аллоҳ! Оппоқ либос кирликдан тозалангани каби мени хатоларимдан покиза қилгин. Эй Аллоҳ! Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан ювгин-поклагин!*» Буни фарз намозларида айтардилар.⁵

«وَجَهْتُ وَجْهِي لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ حَنِيفًا [مُسْلِمًا] وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ، إِنَّ صَلَاتِي وَسُكُونِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ، وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، [سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ] أَنْتَ رَبِّي وَأَنَا عَبْدُكَ، ظَلَمْتُ نَفْسِي وَاعْرَفْتُ بِذَنِّي، فَاغْفِرْ لِي ذُنُوبِي جَمِيعًا، إِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ، وَاهْدِنِي لِأَحْسَنِ الْأَخْلَاقِ، لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا إِلَّا أَنْتَ، وَاصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا، لَا يَصْرِفْ عَنِّي

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

² Бухорий, Муслим ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Бухорий ва Муслим ривояти.

سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ، لَبِّيْكَ وَسَعْدَيْكَ، وَالْخَيْرُ كُلُّهُ بِيَدِيْكَ، وَالشَّرُّ لَيْسَ إِلَيْكَ، [وَالْمَهْدِيُّ مَنْ هَدَيْتَ] أَنَا بِكَ وَإِلَيْكَ، [لَا مَنْجَا وَلَا مَلْجَأً مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ] تَبَارَكْتَ وَتَعَالَيْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

2. «Осмонлару ерни яратган Зотга мусулмон [ва таслим бўлган] ҳолда юзландим ва мен мушириклардан эмасман. Албатта намозим, қурбонлигим (ибодатим), ҳаётим ва мамотим оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Мен шунга буюрилдим ва мен бўйсунгувчиларнинг аввалгисиман. Эй Аллоҳ! Сен Маликсан ва Сендан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ. [Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг билан (тасбех айтаман).] Сен Парвардигоримсан ва мен Сенинг қулингман. Мен ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни эътироф этдим. Менинг барча гуноҳларимни кечиргин. Албатта гуноҳларни ёлгиз Сен кечиравчисан. Мени энг гўзал хулқларга йўлла. Албата, гўзал хулқлар сари ёлгиз Сенгина ҳидоят эта оласан. Мендан ёмон хулқларни кетказгин. Албатта, ёмон хулқларни фақат Сенгина мендан кетказишга қодирсан. Мен Сенинг итоатингда тургувчиман ва Сенинг итоатингда бўлгувчиман. Барча яхшилик Сенинг Қўлингдадир ва ёмонлик Сенга нисбат берилмас. [Сен ҳидоят қилган одамгина ҳидоят топувчиидир.] Мен Сен биланман (яъни, мададинг билан қоимман, борман) ва Сенга (қайта)ман. [Сенинг газабингдан қутулиш, паноҳ топиши ҳам фақат Ўзингдандир.] Сен муқаддас ва олий бўлдинг. Сендан истигфор тилайман ва Сенга тавба(лар) этаман.»
Буни фарз ва нафлларда айтардилар.¹

3. Юқоридаги дуони «وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ» деган жойгача ўқигач, давомига қуидагиларни қўшиб қўядилар:

«اللَّهُمَّ أَهْدِنِي لِأَحْسَنِ الْأَخْلَاقِ وَأَحْسَنِ الْأَعْمَالِ، لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا إِلَّا أَنْتَ، وَقِنِي سَيِّئَ الْأَخْلَاقِ وَالْأَعْمَالِ، لَا يَقِنِي سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ.»

«Эй Аллоҳ! Мени энг гўзал хулқлар ва чироили амалларга йўллагин. Албата, гўзал хулқлар ва чироили амаллар сари ёлгиз Сенгина ҳидоят эта оласан. Мени ёмон хулқ ва амаллардан сақлагин. Албатта, ёмон хулқ ва амаллардан фақат Сенгина сақлашига қодирсан.»²

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ.»

4. «Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг-тавфиқинг билан (тасбех айтаман). Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ йўқдир».³

وقال صلي الله عليه وسلم: «إِنَّ أَحَبَّ الْكَلَامَ إِلَى اللَّهِ أَنْ يَقُولَ الْعَبْدُ: «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ»» (ابن منده بسنده صحيح والنسائي موقوفا ومرفوعا)

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сўзлар ичida Аллоҳга энг суюмлиси банданинг «Субҳанакаллоҳумма» дейшишидир.»⁴

5. Тунги намозларида юқоридаги санога 3 марта «Ла илаха иллаллоҳ» ва 3 марта «Аллоҳу акбар кабийро» деб қўшиб қўядилар.⁵

¹ Мусулм ривояти.

² Насой, Дорақутний ривоятлари.

³ Абу Довуд, Насой, Термизий ва Ибн Можа ривояти.

⁴ Насой, Ибн Касир.

⁵ Абу Довуд, Таҳовий ҳасан санад билан.

«اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا»

6. «Аллоҳ жуда улугдир! Аллоҳга кўп ҳамд бўлсин! Аллоҳга эртаю кеч тасбех айтаман!»

Саҳобалардан бирлари шу сано билан намозини бошлаганида Росууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «*Ажабо, бу сано учун само эшиклари очилди!*» деганлар.¹

«الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَّكًا فِيهِ»

7. «Аллоҳга кўп, ҳақиқий-риёсиз, муборак-хайрлилиги мўл ҳамдлар бўлсин.»

Бир киши шу билан намозини бошлаганида Росууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «*Ўн иккита фариштани бу (сано)ни (осмонга) олиб чиқиб кетиши учун талашиб, шошилганларини кўрдим*» деганлар.²

«اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ نُورُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ قَيْمُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، [وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ مَلِكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ] وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ الْحَقُّ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ، وَقَوْلُكَ حَقٌّ، وَلِقَاؤُكَ حَقٌّ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ، وَالنَّارُ حَقٌّ، وَالْتَّبَيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ، اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَبِكَ آمَنتُ، وَإِلَيْكَ أَبْتَأْتُ، وَبِكَ حَاصَمْتُ، وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ، [أَنْتَ رَبُّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ، فَاغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ، وَمَا أَخَرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ، وَمَا أَعْلَمْتُ] أَنْتَ الْمُقْدِمُ، وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، [أَنْتَ إِلَهِي] لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ». .

8. «Эй Аллоҳ! Сенга ҳамдлар бўлсин! Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг нуридиран. Сенга ҳамдлар бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларни бошқариб турувчиидирсан! [Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Подшоҳиидирсан!] Сенга ҳамд бўлсин! Сен ҳақсан, ваъданг ҳақ, сўзинг ҳақ, Сен билан учрашимоқ ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, набийлар ҳақ, Муҳаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам ҳақ ва Қиёмат ҳақдир. Эй Аллоҳ! Сенга бўйсундим ва Сенга таваккул этдим. Сенга иймон келтиридим ва Сенга тавба қилдим. Сен учун (ёки Сенинг мададинг билан) талашибдим-ёмон кўрдим ва Сени ҳакам қилдим. Сен Парвардигоримизсан ва қайтишилик Сенинг хузуринггадир. Менинг олдин қилганларимни ҳам, кейин қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам мағфират этгин]. Аввал қилувчи ҳам, кейин қилувчи ҳам Сенсан. [Илоҳим Сенсан]. Сендан ўзга илоҳ йўқдир].³

Куйидагиларни тунги намозларида айтар эдилар:

«اللَّهُمَّ رَبَّ جِبَرِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَإِسْرَافِيلَ، فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ، عَالَمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ، اهْدِنِي لِمَا احْتَلَفَ فِيهِ مِنَ الْحَقِّ يَا ذِنْكَ، إِنَّكَ تَهْدِي مَنْ شَاءَ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ».

9. «Жаброил, Мийкоил ва Истрофилнинг Парвардигори, осмонлару ернинг Холиқи, ошкору гайб ишларни Билувчи Эй Аллоҳ! Албатта Сен бандаларинг тортишиб қолган нарсаларда ҳукм қилиб берурсан. Ўз изнинг билан ихтилофли-бахсли бўлган ҳақقا мени бошлагин. Албатта Сен хоҳлаган кишинги тўғри йўлга йўллагувчисан».⁴

10. Ўн марта такбир, ўн марта ҳамд, ўн марта тасбиҳ, ўн марта таҳдил, ўн марта истиғфор айтар, сўнг ўн марта:

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَاهْدِنِي وَارْزُقْنِي [وَاعِزِّنِي]»

¹ Муслим, Абу Авона.

² Муслим, Абу Авона.

³ Бухорий, Муслим, Абу Авона, Абу Довуд, Ибн Наср ва Доримий.

⁴ Муслим, Абу Авона ривояти.

«Эй Аллоҳ! Мени магфират эт, ҳидоят қил, ризқлантири [ва менга оғият бер]» дер ва ўн марта:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الضَّيْقِ يَوْمَ الْحِسَابِ»

«Эй Аллоҳ! Ҳисоб кунидаги танглиқдан Ўзингдан паноҳ сўрайман» дер эдилар.¹

«الله أَكْبَرُ (ثَلَاثَة) دُوْلَمَلْكُوتِ وَالْجَبَرُوتِ وَالْكَبِيرِيَاءِ وَالْعَظَمَةِ».

11. «Аллоҳ улуғдир (3 марта), салтанат, куч-қудрат, киборлик ва улуғлик соҳибидир».

ҚИРОАТ

Сўнgra Аллоҳ таолодан паноҳ сўраб, шундай дердилар:

«أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ مِنْ هَمْزَهٖ وَنَفْخَهٖ وَنَفْثَهٖ».

Аллоҳдан шайтоннинг васвасасидан, нафасидан ва дамидан паноҳ беришини сўрайман.²

Баъзан шунга (السَّمِيعُ الْعَلِيمُ) Ашитувчи, Билувчи)ни қўшиб

«أَعُوذُ بِاللهِ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ مِنْ هَمْزَهٖ وَنَفْخَهٖ وَنَفْثَهٖ»

дердилар.³

Сўнг: «Бисмиллахир Роҳманир Роҳим» дер ва буни жаҳрий айтмас эдилар.⁴

БИР ОЯТ – БИР ОЯТДАН ҚИРОАТ ҚИЛИШ

Сўнг «Фотиҳа» сурасини бир оят – бир оятдан дона-дона қилиб ўқир эдилар: بسم الله الرحمن الرحيم (الحمد لله رب العالمين الرحمن الرحيم) деб тўхтар, сўнг (آلَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ) деб тўхтар, сўнг (الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ) деб тўхтар, сўнг (ما لا يَمْلِئُ دُنْيَتِنِي) деб тўхтар ва ҳоказо суранинг охиригача шундай ўқир эдилар. Шунингдек, қироатларининг ҳаммаси шу зайлда бўлар, ҳар оят бошида тўхтардилар, кейинги оятга улаб кетмас эдилар.⁵

«ФОТИҲА» СУРАСИНИ ЎҚИШ РУКН ЭКАНЛИГИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ушбу суранинг шаънини улуғлаб, айтган эдилар:

«لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا يَقُولُ فِيهَا بِفَاتِحةِ الْكِتَابِ» (البخاري ومسلم).

«Фотиҳатул-китоб»ни ўқимаган одамнинг намози намоз эмас.»⁶

«مَنْ صَلَّى صَلَاةً لَمْ يَقُولُ فِيهَا بِفَاتِحةِ الْكِتَابِ فَهِيَ حِدَاجٌ هِيَ حِدَاجٌ غَيْرُ تَمَامٍ» (مسلم وأبو عوانة).

¹ Ахмад, Ибн Аби Шайба, Абу Довуд, Табароний.

² Абу Довуд, Ибн Можа, Доракутний, Ҳоким, Ибн Ҳибон.

³ Абу Довуд, Термизий.

⁴ Бухорий, муслим, Абу Авона, Таховий, Ахмад.

⁵ Абу Довуд, Сахмий, Ҳоким.

⁶ Бухорий, Муслим, Абу Авона, Байҳақий ривоятлари.

Бошқа бир ҳадисларида: «*Ким бир намоз ўқиб, унда «Фотихатул-китоб»ни ўқимаса, бу намоз нуқсонли, бу намоз нуқсонли, бу намоз нуқсонли – тўлиқ эмасдир*»¹, деганлар.

وَيَقُولُ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: قَسْمَتُ الصَّلَاةَ بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي نَصْفَيْنِ، وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ، فَإِذَا قَالَ الْعَبْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: «حَمْدِنِي عَبْدِي» وَإِذَا قَالَ: «الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ» قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: «أَتَنِي عَلَيَّ عَبْدِي» وَإِذَا قَالَ: «مَالِكُ يَوْمِ الدِّينِ» قَالَ: «مَجَّدَنِي عَبْدِي» وَقَالَ مَرَّةً: «فَوْضَ إِلَيَّ عَبْدِي» فَإِذَا قَالَ: «إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ» قَالَ: «هَذَا بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ» فَإِذَا قَالَ: «اهْدِنَا الصَّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ» قَالَ: «هَذَا لِعَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ» (مسلم و أبو عوانة و مالك).

Ва айтганлар: *Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртамиизда иккига тақсимладим, бандам учун сўраган нарсасидир. Агар бандада «Алҳамду лиллаҳи Роббил ааламийн» деса, Аллоҳ «Бандам Менга ҳамд айтди» дейди, агар бандада «Арроҳманир Роҳиим» деса, Аллоҳ «Бандам Мени мақтади» дейди, агар бандада «Маалики явмииддин» деса, Аллоҳ «Бандам Мени улуғлади» дейди. Агар бандада «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъин» деса, Аллоҳ «Бу Мен билан бандам ўртасида, бандам учун сўраган нарсасидир» дейди. Агар бандада «Иҳдинас сиротол мустақим, сиротоллазийна анъамта алайҳим гойрил магзуби алайҳим вализ золлиин» деса, Аллоҳ «Бу бандам учун, бандамга сўраган нарсасидир», дейди.*²

وَكَانَ يَقُولُ: «مَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فِي التُّورَةِ وَلَا فِي الإِنْجِيلِ مِثْلُ أُمِّ الْقُرْآنِ وَهِيَ السَّبَعُ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنُ الْعَظِيمُ الَّذِي أُوتِيَّتُهُ» (النسائي و الحاكم).

Ва айтар эдилар: «*Аллоҳ азза ва жалла Тавротда ҳам, Инжилда ҳам «Уммул Куръон» «Куръоннинг онаси»га (яъни, сураи «Фотиха»га) ўхишишини нозил қилмаган. У (ҳар бир ракъатда) тақорорланувчи етти (оят)лик (сура) ва менга берилган Улуг Куръондир.*»³

Намозини нуқсонли қилган кишига намозида уни ўқишга буюрганлар⁴.

وَقَالَ مَنْ لَمْ يُسْتَطِعْ حَفْظَهَا: قُلْ: «سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ» (أبوداود و ابن حزم و الحاكم).

Ушбу сурани ёдлай олмаган кишига: «*Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, ва ла ҳавла ва ла қуввати илла биллаҳ*» деб айтишга буюрганлар.⁵

وقال للمسىء صلاته: «فَإِنْ كَانَ مَعَكَ قُرْآنٌ فَاقْرُأْ بِهِ وَإِلَّا فَاحْمَدِ اللَّهَ وَكَبِرُهُ وَهَلَّهُ» (أبو داود والترمذى و حسنہ).

Намозини нуқсонли қилган кишига: «*Агар Куръонни билсанг, уни ўқи. Билмасанг, Аллоҳга ҳамд, такбир ва таҳлил айт*», деганлар.⁶

ЖАҲРИЙ НАМОЗДА ИМОМ ОРТИДАН ФОТИҲАНИ ҚИРОАТ ҚИЛИШНИНГ БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ

¹ Мұслим, Абу Авона ривоятлари.

² Мұслим, Абу Авона, Молик ривоятлари.

³ Насойи, Ҳоким.

⁴ Бухорий «Жузъул-қироа холфал имам»да сахиҳ санад билан ривоят қилган.

⁵ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ҳоким, Табароний, Ибн Ҳиббон.

⁶ Абу Довуд, Термизий ривоятлари.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иқтидо қилиб намоз ўқувчиларга жаҳрий намозларда имом ортидан уни («Фотиха»ни) ўқишига ижозат берган эдилар.

Кан ви صلاة الفجر فقرأ فشققت عليه القراءة فلما فرغ قال: «لعلكم تقرؤون خلف إمامكم» قلنا نعم هذا يا رسول الله قال: «لا تفعلوا إلا أن يقرأ أحدكم بفاتحة الكتاب فإنه لا صلاة لمن لم يقرأ بها» (البخاري).

عَنْ عَبَادَةِ بْنِ الصَّامِتِ قَالَ كُنَّا خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ فَقَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَقْلَتْ عَلَيْهِ الْقِرَاءَةُ فَلَمَّا فَرَغَ قَالَ: «لَعَلَّكُمْ تَقْرَءُونَ خَلْفَ إِمَامِكُمْ» قُلْنَا نَعَمْ هَذَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: «لَا تَفْعِلُوْا إِلَّا بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ فَإِنَّهُ لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِهَا» (رواه أبو داود).

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида бамдод намозида эдик, қироат қилдилар, қироатлари оғир кечди. Намоздан фориғ бўлгач: «*Nima, сизлар имомингиз ортидан қироат қиласизларми?*» деб сўрадилар. «Ҳа, тез-тез ўқиб оламиз, ё Росулуллоҳ» дедик. «*Үндай қилманглар, факат «Фотиха»ни ўқисангиз кифоя,*» чунки уни ўқимаган одамнинг намоз эмас» дедилар.»¹

Кейинроқ жаҳрий намозларда умуман қироат қилишдан қайтардилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْصَرَفَ مِنْ صَلَاةِ جَهَرَ فِيهَا بِالْقِرَاءَةِ (وفي روایة: أنها صلاة الصبح) فَقَالَ: «هَلْ قَرَأَ مَعِي مِنْكُمْ أَحَدٌ آنفًا» فَقَالَ رَجُلٌ نَعَمْ أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي أَقُولُ مَا لِي أُنَازِعُ الْقُرْآنَ»، فَانْتَهَى النَّاسُ عَنِ الْقِرَاءَةِ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا جَهَرَ فِيهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْقِرَاءَةِ حِينَ سَمِعُوا ذَلِكَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [وَقَرُؤُوا فِي أَنفُسِهِمْ سِرًا فِيمَا لَا يَجْهَرُ فِيهِ إِلَامٌ] (مالك والحميدي والبخاري في جزئه).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: «Жаҳрий ўқиган намозларидан (бир ривоятда у бамдод намози эди дейилган) бурилгач: «Хозир ичларингиздан кимдир мен билан бирга қироат қилдими?» деб сўрадилар. Бир киши: «Ҳа, мен, ё Росулуллоҳ», деди. «Кимдир менга шерик бўлаяпти, дедим-а», дедилар. Росулуллоҳдан шу гапни эшишганларидан сўнг одамлар жаҳрий намозларда у зот билан бирга қироат қилишдан тийилдилар [ва имом қироатини жаҳрий қилмаган намозларда ичларида ўқийдиган бўлдилар.]»²

Имомнинг қироатига жимгина қулоқ солиб туришни иқтидонинг мукамал бўлишига аломат қилиб, дедилар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّمَا جُعِلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمْ بِهِ إِنِّي أَذَّاكَ بَكَّرَ فَكَبَرُوا وَإِنِّي قَرَأْتُ فَأَنْصَبُوا» (مسلم وأبو عوانة)

«Имом унга иқтидо қилинши учунгина имом қилинган. Шундай экан, у такбир айтса такбир айтинглар, қироат қилса жисм қулоқ солинглар!»³

Шунингдек, (жаҳрий намозда) имомга қулоқ солиб туриш унинг ортидан қироат қилишдан беҳожат қилишини айтиб марҳамат қилдилар:

«مَنْ كَانَ لَهُ إِمَامٌ فَقِرَاءَةُ الْإِمَامِ لَهُ قِرَاءَةٌ» (ابن أبي شيبة والدارقطني)

¹ Бухорий, Абу Довуд, Ахмад, Термизий, Доракутний ривоятлари.

² Молик, Хумайдий, Бухорий «Жузъул-қироа»да, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар.

³ Ибн Аби Шайба, Абу Довуд, Муслим, Абу Авона, Руёний.

«Қай бир кишининг олдида имоми бўлса, имомнинг қироати унинг учун ҳам қироатдир.»¹

МАХФИЙ НАМОЗДА ҚИРОАТ ҚИЛИШ ВОЖИБЛИГИ

Махфий (овоз чиқармай) ўқиладиган намозда эса (иктидо қилувчиларнинг) қироат қилишларини таъйин қилдилар.

Жобир розияллоҳу анҳу айтадилар: «Пешин ва асрда имом ортида аввалги икки ракъатда «Фотиҳа» ва бир сурә, кейинги икки ракъатда эса «Фотиҳа»нинг ўзини қироат қиласар эдик.»²

Қироат билан ўзларига халақит берилишини маъқул санамадилар:

صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظَّهَرَ بِأَصْحَابِهِ فَقَالَ: أَيُّكُمْ قَرَأَ سَبَّحَ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى؟ فَقَالَ رَجُلٌ: أَنَا [وَلَمْ أُرِدْ بِهَا إِلَّا الْخَيْرَ] قَالَ قَدْ عَرَفْتُ أَنَّ بَعْضَكُمْ خَالَجَنِيهَا (مسلم وأبو عوانة)

«Саҳобалари билан пешин намозини ўқигач: «Қай бирингиз «Саббихисма роббикал аъла»ни қироат қилдингиз?» деб сўрадилар. (Бирлари:) «Мен, [бироқ бу билан фақат яхшиликни истаган эдим]», деди. «Бирор шу билан дикқатимни чалгитганини билдим», дедилар.»³

وفي حديث آخر: كَانُوا يَقْرَءُونَ حَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [فَيَجْهَرُونَ بِهِ] فَقَالَ: حَلَطْتُمْ عَلَيَّ الْقُرْآنَ (رواه أحمد)

Бошқа бир ҳадисда айтилишича: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортида қироат қилиш[иб овозларини ошкор қилиш]ганда: «Менга Куръонни чалкаштириб юбординглар» дедилар.»⁴

وَقَالَ: إِنَّ الْمُصَلِّيَ يُنَاجِي رَبَّهُ فَلْيَنْظُرْ بِمَا يُنَاجِيهِ وَلَا يَجْهَرْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ بِالْقُرْآنِ (البخاري في أفعال العباد) ومالك)

Ва айтганлар: «Намоз ўқиётган киши Раббига муножжот қилаётган бўлади. Бас, Унга нима билан муножжот қилаётганига қараб боқсин, бирингиз бирингизга Куръон билан овозини кўтармасин!»⁵

وَكَانَ يَقُولُ: مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا لَا أَقُولُ (الم) حَرْفٌ وَكَيْنُ أَلْفٌ حَرْفٌ وَلَامٌ حَرْفٌ وَمِيمٌ حَرْفٌ (الترمذи والحاكم بسنده صحيح)

Ва айтганлар: «Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга шу учун ҳам ҳасанот (ёзилур.) Яхшилик эса ўн баробарича мукофотланур. Мен «Алиф, Лом, Мим» битта ҳарф деб айтмайман. Балки, «Алиф» бир ҳарф, «Лом» бир ҳарф, «Мим» бир ҳарфдири.»⁶

«ОМИЙН» ДЕЙИШ ВА ИМОМ УНИ ЖАҲРИЙ АЙТИШИ

¹ Ибн Аби Шайба, Дорақутний, Ибн Можа, Таховий, Аҳмад.

² Ибн Можа ривояти.

³ Муслим, Абу Авона, Сирож.

⁴ Бухорий «Жузъул-қироа»да, Аҳмад, Сирож.

⁵ Молик, Бухорий.

⁶ Термизий, Ҳоким.

Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам «Фотиҳа»ни ўқиб бўлгач, жаҳрий равишда ва овозларини чўзиб: «**Омиин**» дер эдилар.¹

وَكَانَ يَقُولُ: إِذَا قَالَ الْإِمَامُ: ﴿غَيْرِ الْمَعْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الصَّالِّينَ﴾ فَقُولُوا: آمِينٌ [فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَقُولُ: آمِينٌ وَإِنَّ الْإِمَامَ يَقُولُ: آمِينٌ] (وفي لفظ: إذا أَمِنَ الْإِمَامُ فَأَمِنُوا) فَمَنْ وَاقَعَ تَأْمِينَهُ تَأْمِينَ الْمَلَائِكَةَ (وفي لفظ آخر: إذا قالَ أَحَدُكُمْ فِي الصَّلَاةِ: آمِينٌ وَالْمَلَائِكَةُ فِي السَّمَاءِ: آمِينٌ فَوَافَقَ إِحْدَاهُمَا الْآخَرَ) غُفرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ (البخاري ومسلم).

Иқтидо килувчиларни ҳам «Омиин» дейишга буюриб, айтар эдилар: «*Агар имом «Ғойрил магзуби алайҳим вализ-золлийн» деса «Омиин» денглар. [Албатта, малоикалар ҳам «Омийн» дейидилар ва албатта имом ҳам «Омийн» дейди.]* – бир лафзда: - *Агар имом «Омиин» деса, «Омиин» денглар. Кимнинг «Омиин» дейишиши малоикаларнинг «Омиин» дейишиларига тўғри келса, - бошқа бир лафзда: - Агар бирориниз намозда «Омийн» деса ва малоикалар самода «Омиин» десалар, у иккиси бир-бирига мувофиқ келса – унинг ўтган гуноҳлари кечирилади.*»²

وفي حديث آخر: فَقُولُوا: آمِينٌ يُجْبِكُمُ اللَّهُ (مسلم وأبو عوانة).

Бошқа бир ҳадисда: «**Омиин» денглар, Аллоҳ ижсобат қилаоди.³**

وَكَانَ يَقُولُ: مَا حَسَدَتُكُمُ الْيَهُودُ عَلَى شَيْءٍ مَا حَسَدَتُكُمْ عَلَى السَّلَامِ وَالتَّأْمِينِ خَلْفَ الْإِمَامِ (البخاري في الأدب المفرد)

Ва айтар эдилар: «**Яхудлар сизларга бирор нарсада саломингизга ва имом ортидан «Омиин» дейишингизга ҳасад қилганларидек ҳасад қилмаган.**»⁴

«ФОТИҲА»ДАН КЕЙИНГИ ҚИРОАТЛАРИ

Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам «Фотиҳа»дан кейин бошқа бир сура ўқир, гоҳо узунроқ ўқисалар, гоҳида сафар ё йўтал ё касаллик ё эса гўдакнинг йиғиси каби бирор монеълик туфайли қисқароқ ўқир эдилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَوَزَ ذَاتَ يَوْمٍ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ (وفي حديث آخر: صَلَّى الصُّبْحَ فَقَرَأَ بِأَفْصَرِ سُورَتَيْنِ فِي الْقُرْآنِ) فَقَيْلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَمْ تَحْجُرْتَ قَالَ سَمِعْتُ بُكَاءً صَبِّيًّا فَظَنَنْتُ أَنَّ أُمَّةً مَعَنَا نُصَلِّي فَأَرَدْتُ أَنْ أُفْرِغَ لَهُ أُمَّةً (أَحْمَدُ بِسْنَدِ صَحِيفَ).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар: «*Бир куни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бамдодда енгил қироат қилдилар.* (Бошқа бир ҳадисда: бамдодда Қуръондаги энг қисқа икки сурани ўқидилар.) Шунда: «*Ё Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, нега бунча енгил намоз ўқидингиз?*» деб сўралганда: «*Бир гўдакнинг йигисини эшишиб, онаси биз билан намоз ўқиётганимкин, деб ўйладим-да, онасини тезроқ бўшатишни хоҳладим,*», деб жавоб бердилар.⁵

¹ Бухорий «Жузъул-қироа»да, Абу Довуд.

² Бухорий, Муслим, Насойи ривоятлари.

³ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁴ Бухорий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Аҳмад, Сирож.

⁵ Аҳмад ривояти. Бошқа ҳадис Ибн Абу Довуд ривояти. Бу каби ҳадислардан ёш болаларни масjidидга киритиш жоиз экани маълум бўлади. Аммо, тилларда юрадиган: «Ёш болаларингизни масжидларингиздан четлатингиз»

وَكَانَ يَقُولُ: إِنِّي لَا دُخُلُ فِي الصَّلَاةِ وَأَنَا أُرِيدُ إِطْلَاتَهَا فَأَسْمَعُ بُكَاءَ الصَّبِيِّ فَأَتَجَوَّزُ فِي صَلَاتِي مِمَّا أَعْلَمُ مِنْ شِدَّةِ
وَجْدِ أُمِّهِ مِنْ بُكَائِهِ (البخاري ومسلم)

Ва айтар эдилар: «Мен узунроқ ўқийман, деган ниятда намозни бошлайман, ёш боланинг ийгисини эшишиб қолсам, унинг ийгиси туфайли онаси қаттиқ бозовта бўлишини билганимдан намозимни енгил қиласман.»¹

Бир суранинг бошидан бошлаб, кўпинча уни охиригача тўла ўқирдилар.

ويقول: أَعْطُوا كُلَّ سُورَةً حَظَّهَا مِنَ الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ (ابن أبي شيبة وأحمد)

Айтар эдилар: «Ҳар бир сурага рукуъ ва сужуддан ўз улушини беринглар.»²

وفي لفظ: لِكُلِّ سُورَةٍ رَكْعَةٌ (ابن نصر والطحاوي بسنده صحيح)

Бир лафзда: «Ҳар бир сурага бир ракъат.»³

Гоҳо бир сурани икки ракъатга тақсимлар⁴, гоҳо битта сурани иккинчи ракъатга ҳам тўла қайтариб ўқирдилар.

Гоҳида бир ракъатда икки ва ундан ортиқ сурани жамлар эдилар.

«Ансорлардан бир киши Кубо масжидида имомлик қилиб берар, ҳар сафар намозда («Фотиҳа»дан сўнг) бирор сурани ўқишдан олдин «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиб, шундан сўнг бошқа сурани ўқир, ҳар бир ракъатда шундай қиласар эди. Биродарлари унга бу ҳакда гапириб: «Сиз шу сура билан бошлайсиз, сўнг уни кифоя деб билмай, яна бошқа сурани ўқийсиз. Ё шуни ўзини ўқинг, ё эса уни қўйиб бошқасини ўқинг» дейишиди. У: «Мен буни ҳаргиз тарқ қилмайман, хоҳласанглар шу билан имомликка ўтаман, хоҳламасанглар сизлар(га имом бўлиш)ни тарқ этаман» деди. Уни ўзларининг ичидаги афзал кишиларидан деб кўришгани боис бошқаси имом бўлишини истамадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар хузурига келганларида бу ҳакда у зотга хабар бердилар. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: «Эй фалончи, нега биродарларинг айтган ишини қилишини истамайсан, нима сабабдан ҳар бир ракъатда ушибу сурани маҳкам тутасан?» деб сўрадилар. У: «Мен бу сурани яхши кўраман» деб жавоб берди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни яхши кўришинг сени жаннатга киритди», дедилар.⁵

БИР-БИРИГА ЎХШАШ ВА БОШҚА СУРАЛАРНИ БИР РАКЪАТДА ЖАМЛАШЛАРИ

«Муфассал»дан ўхшашлари⁶ орасини жамлар, «Ар-раҳмон» ва «Ан-нажм» сураларини бир ракъатда, «Иқтаробат» ва «Ал-ҳааққо» сураларини бир ракъатда, «Ат-тур» ва «Аз-зарият» сураларини бир ракъатда, «Иза вақоъат» ва «Нун» сураларини бир ракъатда, «Сала» ва «Ан-назиат» сураларини бир ракъатда, «Вайлул лил-мутоффифийн» ва «Абаса» сураларини бир ракъатда, «Ал-муддассир» ва «Ал-муззамил» сураларини бир ракъатда, «Ҳал ата» ва «Ла уқсиму биявмил-қияма» сураларини бир ракъатда, «Амма ятасаъалун» ва

хадиси заиф ва ҳужжатга яроқсиздир. Уни заиф санаганлар ичидаги Ибн Жавзий, Мунзирий, Ҳайсамий, Ибн Ҳажар Асқалоний ва Бувсирийлар бор.

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

² Ибн Аби Шайба, Аҳмад, Абдулғаний ал-Мақдисий.

³ Ибн Наср ва Таховий.

⁴ Аҳмад, Абу Яъло ривоятлари.

⁵ Бухорий, Термизий ривоятлари.

⁶ «Муфассал» - сахих сўзга кўра, «Қоф» сурасидан бошлаб Куръоннинг охиригачадир. «Ўхшашлар»дан мурод – насиҳат, хукм ё киссалар жиҳатидан маънолари бир-бирига якин суралардир.

«Ал-мурсалат» сураларини бир ракъатда, «Духон» ва «Изаш-шамсу қуввирот» сураларини бир ракъатда ўқиганлар.¹

Гоҳо «кузун еттиликлар»дан бўлган суралар ўртасини бир ракъатда жамлар ҳам эдилар, мисол учун тунги намозларида «Бақара», «Нисо» ва «Оли Имрон» суралари орасини жамлаганлар.

وَ كَانَ يَقُولُ: «أَفْضَلُ الصَّلَاةِ طُولُ الْقِيَامِ» (مسلم وَالطَّحاوِي)

Айтар эдилар: «**Намознинг афзали қиёми узун бўлганидир.**»²

Агар ﴿أَنَّى يُحِبِّي الْمَوْتَى﴾ (Ана шу зот (Аллоҳ) ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!?) оятини ўқисалар: «**Сُبْحَانَكَ فَبَلَى**» «**Албَاتْتَ қَوْدِرْدِير**, **Сَهِيْنِ** **поклайман** (эй Парвардигор)» дер, ﴿سُبْحَنَ رَبِّكَ الْأَعْلَى﴾ (Энг Олий зот бўлмиш Парвардигорингиз номини покланг) оятини ўқисалар: «**سُبْحَانَ رَبِّيِ الْأَعْلَى**» «**Энг Олий зот бўлмиш Парвардигорим номини поклайман**» дердилар.³

«ФОТИҲА»НИНГ ЎЗИ БИЛАН ЧЕКЛАНИШНИНГ ЖОИЗЛИГИ

Муоз розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга хуфтонни ўқиб қайтгач, асҳоблари билан (имом бўлиб) яна ўкир эди. Бир кеча қайтиб келгач, асҳоблари билан намоз ўқиди, намозхонлар орасида [Бану Салама қавмидан Сулайм номли] бир йигит ҳам бор эди. Намоз чўзилиб кетгач, ҳалиги йигит [бурилиб, масжиднинг четида] ўзи намоз ўқиди ва ташқарига чиқиб, туясини жиловидан ушлаб жўнаб кетди. Намоздан сўнг Муозга бу ҳақда айтишганда у: «Бу йигитда мунофиқлик бор экан, мен унинг бу ишини албатта Росулуллоҳга хабар бераман» деди. Ҳалиги йигит: «Мен ҳам унинг қилган ишини Росулуллоҳга хабар бераман» деди. Эртасига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордилар ва Муоз йигитнинг қилган ишини айтиб берди. Йигит: «Ё Росулуллоҳ, бу сизнинг олдингизда узоқ қолиб кетади, сўнг қайтиб боргач, бизга (намозни) узоқ ўқийди» деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Сен бездирувчимисан, эй Муоз?!**» дедилар ва йигитдан: «**Эй жиян, сен ўзинг қандай намоз ўқийсан?**» деб сўрадилар. Йигит: «Сура «Фотиҳа»ни ўқийман, Аллоҳдан жаннатни сўрайман, дўзахдан паноҳ тилайман, мен сизнинг данданангизни⁴ ҳам, Муознинг данданасини ҳам тушунмайман» деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Менинг ҳам, Муознинг ҳам гапимиз шу икки нарса ҳақида** (яъни, жсаннатни сўраши ва дўзахдан паноҳ тиласи ҳақида)», дедилар. Душман яқин келиб колгани ҳақида хабар олинган ҳолат эди. Йигит деди: «Яқинда душман (қаршимизга) келганида Муоз (менинг мунофиқ эмаслигимни) яхши билиб олади.» Душман келиб жангга киришгач, йигит шаҳид бўлди. Жангдан кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоздан: «Менинг ва сенинг хусуматчимиз нима қилди?» деб сўрадилар. Муоз: «Ё Росулуллоҳ, - Аллоҳ рост айтди, мен эса ёлғончи бўлдим, - у шаҳид бўлди» деди.⁵

БЕШ МАҲАЛГИ ВА БОШҚА НАМОЗЛАРДА ҚИРОАТНИ ОШКОР ВА МАХФИЙ ҚИЛИШ

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

² Муслим, Таҳовий ривоятлари.

³ Абу Довуд, Байҳакий ривоятлари.

⁴ Дандана – пичирлашдан кўра баландроқ, лекин англаб бўлмас оҳангда сўзлаш ёки умуман тушунарсиз сўзлаш.

⁵ Ибн Хузайма, Байҳакий, Абу Довуд ривоятлари.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бамдод намозида ҳамда шом ва хуфтоннинг аввалги икки ракъатида қироатни жаҳрий қилар, пешин ва асрда ҳамда шомнинг учинчи ва хуфтоннинг охирги икки ракъатида махфий қилар эдилар.

Махфий қироат қилган пайтларида саҳобалар у зотнинг қироатларини соқолларининг қимирашидан¹ ва гоҳо оятни эшиттириб қўйишларидан билишарди.²

Жума, икки ҳайит, истиско (ёмғир сўраш), кусуф (ой ё кун тутилиши) намозларида ҳам қироатни жаҳрий қилар эдилар.³

ТУНГИ НАМОЗДА ҚИРОАТНИ ЖАҲРИЙ ВА МАХФИЙ ҚИЛИШ

Тунги (таҳажжуд) намозларида эса гоҳо махфий, гоҳо ошкор қироат қилар эдилар⁴ ва «ўйда қироат қилсалар, қироатларини хужрадаги (яъни, хонадаги) киши эшитарди.»⁵

«Баъзан овозларини бундан юқорироқ ҳам кўтарар, ҳатто айвондаги одам эшитарди.»⁶

Абу Бақр ва Умар розияллоҳу анхумони ҳам шундай қилишга буюрган эдилар:

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ لَيْلَةً إِذَا هُوَ بِأَبِي بَكْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَخْفِضُ مِنْ صَوْتِهِ قَالَ وَمَرَّ بِعُمَرَ بْنِ الْخَطَابِ وَهُوَ يُصَلِّي رَافِعًا صَوْتَهُ قَالَ فَلَمَّا اجْتَمَعَا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَا أَبَا بَكْرِ مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ تُصْلِي تَخْفِضُ صَوْتَكَ قَالَ قَدْ أَسْمَعْتُ مِنْ نَاجِيَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ وَقَالَ لِعُمَرَ مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ تُصْلِي رَافِعًا صَوْتَكَ قَالَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَوْقَظُ الْوَسْنَانَ وَأَطْرُدُ الشَّيْطَانَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا أَبَا بَكْرِ ارْفَعْ مِنْ صَوْتِكَ شَيْئًا وَقَالَ لِعُمَرَ اخْفِضْ مِنْ صَوْتِكَ شَيْئًا (أبو داود والحاکم).

Абу Қатода розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни тунда чиқиб, Абу Бақр розияллоҳу анхунинг ёнларидан ўтдиilar, у киши наст овоз билан намоз ўқиётган эканлар. Сўнг Умар розияллоҳу анхунинг ёнларидан ўтдиilar, у киши баланд овоз билан намоз ўқиётган эканлар. Икковлари Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида жамланиб қолганда: «Эй Абу Бақр, сизнинг ёнингиздан ўтмаётганимда наст овозда намоз ўқиётган экансиз?» дедилар. Абу Бақр: «Ё Росулуллоҳ, ўзим муножжот қилаётган Зотнинг Ўзига эшиттиридим» деб жавоб бердилар. Умарга: «Сизнинг ёнингиздан ўтганимда баланд овозда намоз ўқиётган экансиз?» дедилар. Умар: «Ё Росулуллоҳ, баланд овоз билан уйқудагини уйготаман ва шайтонни қувийман» дедилар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Бақр, сиз овозингизни сал кўтариңг. Эй Умар, сиз овозингизни сал насайтириңг» дедилар.»⁷

وَكَانَ يَقُولُ : الْجَاهِرُ بِالْقُرْآنِ كَالْجَاهِرِ بِالصَّدَقَةِ وَالْمُسِرُ بِالْقُرْآنِ كَالْمُسِرُ بِالصَّدَقَةِ (أبو داود والحاکم وصححه ووافقه الذهبي)

Ва айтар эдилар: «Куръонни жаҳрий ўқувчи садақани ошкора қилувчи одам каби, Куръонни махфий ўқувчи махфий садақа қилувчи одам кабидир.»⁸

НАМОЗЛАРИДА ЎҚИГАН СУРА ВА ОЯТЛАР

¹ Бухорий, ривоятлари.

² Бухорий, Мұслым ривоятлари.

³ Бухорий, Мұслым , Абу Довуд ривоятлари.

⁴ Бухорий, Мұслым ривоятлари.

⁵ Абу Довуд, Термизий ривоятлари.

⁶ Насойи, Термизий, Байҳақий ривоятлари.

⁷ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

Росууллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва саллам намозларида ўқиган сурә ва оятлар беш вақтдаги ва бошқа намозларга қарағ фарқ қиласы:

1) БАМДОД НАМОЗИ:

Бамдод намозида «Муфассал»нинг узунларидан ўқир эдилар,¹ гоҳо икки ракъатда «Ал-воқеа» ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар.²

«Хажжатул-вадоъ»да «Тур» сурасидан ўқидилар.³

Гоҳо «Қоф» ва шу каби сураларни биринчи ракъатда ўқир эдилар.⁴

Гоҳо «Муфассал»нинг «Изаш-шамсу куввирот» каби қисқаларидан ўқир эдилар.⁵

Бир марта ҳар икки ракъатта «Иза зулзилат»ни ўқидилар, ҳатто ровий: «Билмадим, Росууллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва саллам унугтиб шундай қилдиларми ё қасдан ўқидиларми», дейди.⁶

Бир марта сафарда «Қул аъувзу бироббили-фалақ» билан «Қул аъувзу бироббин-нас»ни ўқидилар.⁷

وقال لعقبة بْن عاصِي رضي الله عنه: أَقْرَأْتُ فِي صَلَاتِكَ الْمُعْوذَنَيْنَ [فَمَا تَعَوَّذْ مُتَعَوِّذْ بِمِثْلِهِمَا] (أبو داود وأحمد بسنده)

(صحیح)

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуга: «Намозингда икки «Қул аъувзу»ни ўқигин, [хеч бир паноҳ тиловчи уларга ўхшаши билан паноҳланмаган]» деганлар⁸.

Гоҳо булардан анча катта бўлган сураларни ўқир, «олтмиш оят ва ундан кўпроқ ўқир эдилар»,⁹ ровийлардан бири: «Билмадим, бир ракъатдами, икки ракъатдами» дейди.

«Рум» сурасини, гоҳо «Ёсин» сурасини ўқир эдилар.¹⁰

Бир марта Маккада бамдод намозида «Мўъминун» сурасини бошладилар, ҳатто Мусо ва Ҳоруннинг ёки Ийсонинг зикри¹¹ (ровийлардан бири шак қилган) келганида йўтал тутиб қолиб, рукуъга бордилар.¹²

Гоҳо (бамдодда) имом бўлиб, «Ас-соффаат»ни ўқир эдилар.¹³

Жума куни бамдодда «Алиф, лом, мим ас-сажда»ни [биринчи ракъатда, иккинчи ракъатда эса] «Ҳал ата алал-инсан»ни ўқир эдилар.¹⁴

Биринчи ракъатда (қироатни) узунроқ, иккинчи ракъатда қисқароқ қилар эдилар.¹⁵

БАМДОДНИНГ СУННАТИДАГИ ҚИРОАТЛАРИ

¹ Насой, Ахмад ривоятлари.

² Ахмад, Ибн Хузайма ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Муслим ва Термизий ривоятлари.

Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Абу Довуд, Байҳакий ривоятлари.

⁷ Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Аби Шайба ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Ахмад ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹⁰ Ахмад ривояти.

¹¹ Мусо ва Ҳоруннинг зикри 45-оядда, Ийсонинг зикри эса 50-оядда келган.

¹² Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹³ Ахмад, Абу Яъло, Макдисий ривоятлари.

¹⁴ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹⁵ Бухорий, Муслим ривоятлари.

Бамдоднинг икки ракъат суннатидаги қироатлари жуда енгил бўлар, ҳатто Оиша розияллоҳу анҳо: «Сураи «Фотиҳа»ни ўқидилармикин» дер эканлар.¹

Гоҳо биринчи ракъатда «Фотиҳа»дан сўнг ﴿قُلُواْ آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا﴾ оятини² охиригача, иккинчи ракъатда ﴿قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابَ تَعَالَوْا إِلَى كَلْمَةٍ سَوَاءٌ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ﴾ оятини³ охиригача ўқир эдилар.⁴

Кўпинча унинг ўрнига ﴿فَلِمَا أَحْسَنَ عِصَمِيٰ مِنْهُمُ الْكُفَّارُ﴾ оятини⁵ охиригача ўқир эдилар.⁶

Баъзан биринчи ракъатда «Қул я айюҳал кафирун»ни, иккинчи ракъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар.⁷

وَسَمِعَ رَجُلًا يَقْرَأُ السُّورَةَ الْأُولَى فِي الرَّكْعَةِ الْأُولَى فَقَالَ: هَذَا عَبْدٌ آمَنَ بِرَبِّهِ ثُمَّ قَرَأَ السُّورَةَ الثَّانِيَةَ الْأُخْرَى
فَقَالَ: هَذَا عَبْدٌ عَرَفَ رَبَّهُ (ابن حبان)

Бир кишининг биринчи ракъатда (мазкур суралардан) биринчи сурани ўқиётганини эшитиб: «*Бу Раббига иймон келтирган бандадир*» дедилар, иккинчи ракъатда иккинчи сурани ўқиган эди: «*Бу Раббини таниган бандадир*» дедилар.⁸

2) ПЕШИН НАМОЗИ:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалги икки ракъатда «Фотиҳа»ни ва биттадан сура ўқир, биринчисида иккинчисидан кўра узунроқ ўқир эдилар.⁹

Гоҳо пешинни узоқ ўқир, ҳатто «пешин намозига иқомат айтилгач, бирор киши Бақиъга бориб, ҳожатини адо этар, сўнг [уйига бориб] таҳорат қилиб келар, шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узоқ ўқиганларидан ҳали биринчи ракъатда бўлар эдилар.»¹⁰

У зот бу ишлари билан одамларнинг биринчи ракъатга етиб олишларини истардилар, деб гумон қилишарди.¹¹

Ҳар бир ракъатда ўттиз оят миқдорича – «Алиф, лом, мим танзил ас-сажда» миқдорича қироат қиласида эдилар.¹²

Баъзида «Вас-самааи ват-ториқ», «Вас-самааи затил-буруж», «Вал-лайли иза яғша» ва шу каби сураларни ўқир эдилар.¹³

Кўпинча «Изас-самааун-شاққот» ва шу кабиларни ўқир эдилар.¹⁴

Пешин ва асрда у зотнинг қироатларини соқолларининг қимирилашидан билар эдилар¹⁵.

ОХИРГИ ИККИ РАКЪАТДА «ФОТИҲА»ДАН КЕЙИН ОЯТЛАР ЎҚИШЛАРИ

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

² «Бакара» сураси, 136-оят.

³ «Оли Имрон» сураси, 64-оят.

⁴ Муслим, Ибн Хузайма, Ҳоким ривоятлари.

⁵ «Оли Имрон» сураси, 52-оят.

⁶ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁷ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁸ Таҳовий, Ибн Ҳиббон, Ибн Бишрон ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹⁰ Бухорий «Жузъул-қироа»да, Муслим ривоятлари.

¹¹ Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари.

¹² Аҳмад ва Муслим ривоятлари.

¹³ Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ривоятлари.

¹⁴ Ибн Хузайма ривояти.

¹⁵ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

Кейинги икки ракъатни аввалгиларининг тенг ярмича – ўн беш оят миқдорича қисқа қилас¹, кўпинча «Фотиҳа»нинг ўзи билан чекланар эдилар².

Баъзан уларга оятни эшиттирас эдилар³.

У зотдан «Саббиҳисма роббикал-аъла» ва «Ҳал атака ҳадийсул-ғошия»ни нағма (оҳанг билан ўқиши)ларини эшитишар эди⁴.

Гоҳо «Вас-самааи затил-буруж» ва «Вас-самааи ват-торик» каби сураларни ўқир эдилар⁵.

Гоҳо «Вал-лайли иза яғша» каби сураларни ўқир эдилар⁶.

3) АСР НАМОЗИ:

Аввалги икки ракъатда «Фотиҳа» ва биттадан сура ўқир, биринчисида иккинчисидан кўра узунроқ ўқир эдилар.⁷ У зот бу ишлари билан одамларнинг биринчи ракъатга етиб олишларини истардилар, деб гумон қилишарди.⁸

Икки ракъатнинг ҳар бирида ўн беш оят миқдорида – пешиннинг аввалги икки ракъатида ўқиганларининг ярмича миқдорида ўқир эдилар.

Кейинги икки ракъатни аввалги икки ракъатнинг ярмига тенг миқдорда қисқартирас эдилар⁹.

Ва уларда «Фотиҳа»ни ўқир эдилар¹⁰.

Баъзан уларга оятни эшиттирас эдилар¹¹.

«Пешин намози»да айтиб ўтганимиз сураларни ҳам ўқир эдилар.

4) ШОМ НАМОЗИ

Ушбу намозда гоҳо «Муфассал»нинг қисқа сураларини ўқир¹², асҳоблар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиб, салом берганларидан сўнг улардан бировлари найза (отса у)нинг тушган ўрнини кўрадиган ҳолда қайтар эди¹³.

Сафарда иккинчи ракъатда «Ват-тийни ваз-зайтун»ни ўқиган эдилар¹⁴.

Баъзи пайтларда «Муфассал»нинг узун ва ўрта сураларини ўқир, гоҳо «Аллазийна кафару-у ва содду-у ан сабийлиллаҳ»¹ни², гоҳо «Ват-тур»ни, охирги ўқиган намозларида эса «Вал-мурсалот»ни ўқиганлар³.

¹ Аҳмад ва Муслим ривоятлари. Ушбу ҳадисда охирги икки ракъатда «Фотиҳа»дан кейин бирор нарса зиёда қилиш суннат эканига далил бор. Саҳобалардан бир жамоат, жумладан Абу Бакр розияллоҳу анҳу шу фикрда бўлганлар. Мутааххир уламоларимиздан Абул Ҳасанот ал-Лакнавий буни қўллаб, «Ат-таълийкул-мумажжад ала Муваттои Мухаммад» китобида айтади: «Баъзи асҳобларимиз кейинги икки ракъатда бирор сура ўқишига саждаи саҳвни вожиб санаб ғалати иш қилганлар. «Муня» шорихлари Иброҳим ал-Ҳалабий ва Ибн Амир Ҳож ва бошқалар бунга жуда чиройли раддия берганлар. Шубҳасиз, бу сўзни айтган кишиларга ҳадис етиб бормаган, агар етганида бундай фатво беришмаган бўларди».

² Бухорий, Муслим ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Ибн Хузайма, Аз-Зиёул-Макдисий ривоятлари.

⁵ Бухорий «Жузъул-қироа»да, Термизий ривоятлари.

⁶ Муслим, Таёлисий ривоятлари.

⁷ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари.

⁹ Аҳмад, Муслим ривоятлари.

¹⁰ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹² Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹³ Насойӣ, Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

¹⁴ Таёлисий, Аҳмад ривоятлари.

Гоҳо икки узун суранинг бири бўлмиш «Аъроф» сурасини икки ракъатда ўқиганлар⁴.
Баъзан «Анфол» сурасини икки ракъатда ўқиганлар⁵.

ШОМНИНГ СУННАТИДАГИ ҚИРОАТЛАРИ

Шомдан кейинги суннатда эса «Қул я айюҳал кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар⁶.

5) ХУФТОН НАМОЗИ

Аввалги икки ракъатда «Муфассал»нинг ўрталаридан ўқир, гоҳида «Ваш-шамси ва зуҳаҳа» ва шу каби сураларни ўқир эдилар⁷.

Гоҳо «Изас-самааун-шаққот»ни ўқиб, сажда қиласидилар⁸.

Бир марта сафарда биринчи ракъатда «Ват-тийни ваз-зайтун»ни ўқиган эдилар⁹.

Ушбу намозда қироатни узоқ қилишдан қайтарганлар:

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу асҳобларига хуфтон намозини ўқиб, чўзиб юборганида ансорлардан бир киши намоздан бурилиб, ўзи алоҳида ўқиди. Муозга бу ҳақда айтилганда: «У муноғиқ экан» деди. Ҳалиги одамга бунинг хабари етгач, у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб, Муознинг гапини айтиб шикоят қилди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга:

أَتَرِيدُ أَنْ تَكُونَ فَقَاتَنَا يَا مُعَاذُ؟ إِذَا أَمْمَتَ النَّاسَ فَأَفْرُجْ بِـ (وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا) وَسَيِّدُ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى) وَأَقْرَأَ
بِاسْمِ رَبِّكَ وَ(وَاللَّيلِ إِذَا يَعْشَى) فَإِنَّهُ يُصَلِّي وَرَاءَكَ الْكَبِيرُ وَالضَّعِيفُ وَذُو الْحَاجَةِ (البخاري و مسلم و النساءي)

«Сен бездирувчи бўлишини истайсанми, эй Муоз?! Агар одамларга имом бўлсанг, «Ваш-шамси ва зуҳаҳа», «Саббихисма роббикал аъла», «Икроъ бисми роббик», «Валлайли иза ягши»ларни ўқигин. Чунки, сенинг ортингда ёши улуғ ҳам, заиф ҳам, ҳожжатманд ҳам намоз ўқийди», дедилар.¹⁰

6) ТУНГИ НАМОЗ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги (таҳажҷуд) намозларида баъзан қисқа, баъзан узун қироат қиласи, баъзидан эса ўта узоқ қироат қиласи, эдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир кечада Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим. Қиёмда шунча узоқ турдиларки, ҳатто бир ёмон ишга кўл уришимга оз қолди.» «Нима ишга?» деб сўралганда: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни шу ҳолда қўйиб, ўтириб олсамми, деб қолдим» дедилар.

Хузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳу айтадилар: «Бир кечада Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим. «Бақара»ни бошладилар. Юз оятда рукуъ қиласидилар,

¹ «Мухаммад» сураси, 34-оят.

² Ибн Хузайма, Табароний, Мақдисий ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Бухорий, Абу Довуд, Ибн Хузайма, Аҳмад ривоятлари.

⁵ Табароний ривояти.

⁶ Аҳмад, Мақдисий, Насойи, Ибн Наср, Табароний ривоятлари.

⁷ Аҳмад ва Термизий ривоятлари.

⁸ Бухорий, Муслим, Насойи ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим, Насойи ривоятлари.

¹⁰ Бухорий, Муслим, Насойи ривоятлари.

деб ўйладим, ундан ўтиб кетдилар. Ҳаммасини икки ракъатда ўқисалар керак, деб ўйладим. Яна давом этдилар. Бир ракъатда ўқир эканлар, деб ўйладим. Сўнг «Нисо»ни бошлаб, ҳаммасини ўқидилар, сўнг «Оли Имрон»ни бошлаб, уни ҳам ўқидилар. Шошилмай ўқир, тасбех бор оятдан ўтсалар тасбех айтар, сўраш оятидан ўтсалар сўрар, паноҳ тилаш оятидан ўтсалар паноҳ тилар эдилар. Сўнг рукув қилдилар...¹»

Бир кеча бемор ҳолларида етти узун сурани ўқидилар².

Гоҳо ҳар бир ракъатда улардан бир сурани ўқир эдилар³.

Куръоннинг ҳаммасини бир кечада ўқиганлари маълум эмас⁴. Балки, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳуниңг бундай қилишига рози бўлмадилар. Ва унга: «*Қуръонни ҳар ойда ўқиб чиққин*» дедилар. «Менинг қувватим етарли» деганида: «*Ҳар йигирма кечада ўқигин*» дедилар. Яна: «Менинг қувватим етарли» деганида: «*Ҳар етти кунда ўқи ва бундан оширганин*» дедилар⁵.

Сўнг унга беш кунда ўқишига рухсат бердилар⁶.

Сўнг эса уч кунда ўқишига рухсат бердилар⁷.

Бундан камида ўқишдан қайтардилар⁸. Ва буни шундай изохладилар:

مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ فِي أَقْلَلِ مِنْ ثَلَاثٍ لَمْ يَفْقَهْهُ (أَحْمَدَ بِسْنَدِ صَحِيحٍ)

وَفِي لَفْظٍ: لَا يَفْقَهُ مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ فِي أَقْلَلِ مِنْ ثَلَاثٍ (الدارمي والترمذى)

«*Ким Куръонни уч кундан камида ўқиса, уни тушунмабди*⁹», бир лафзда: «*Куръонни уч кундан камида ўқиган одам уни тушуна олмайди.*¹⁰»

Сўзларида давом этиб дедилар:

إِنَّ لَكُلَّ عَابِدٍ شَرَهٌ وَلَكُلَّ شَرَهٌ فَتْرَهٌ فَإِمَّا إِلَى سُنَّةٍ وَإِمَّا إِلَى بِدْعَةٍ فَمَنْ كَانَ فَتَرَهُ إِلَى سُنَّةٍ فَقَدْ اهْتَدَى وَمَنْ كَانَ فَتَرَهُ إِلَى غَيْرِ ذَلِكَ فَقَدْ هَلَكَ (أَحْمَدَ وَابْنَ حَبَّانَ فِي صَحِيحِهِ)

«*Ҳар бир обиднинг фаол пайти бўлади, шунингдек ҳар бир фаолликнинг сусайиши даври ҳам бўлади. Сусайишилик эса ё суннатга ё эса бидъатга (мувофиқ) бўлади. Кимнинг сусайиши суннатга (мувофиқ) бўлса (яъни сусайганда суннатдан чиқиб кетмаса) ҳаққа йўлланган бўлади, кимнинг сусайиши бундан бошқага бўлса ҳалок бўлади.*¹¹

Шунинг учун ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Куръонни уч кундан камида ўқиб тутатмас эдилар¹².

وَكَانَ يَقُولُ: مَنْ صَلَّى فِي لَيْلَةٍ بِمَا تَشَاءَ آتَهُ فَإِنَّهُ يُكْتَبُ مِنَ الْقَانِتِينَ الْمُخْلَصِينَ (الدارمي والحاكم وصححه)

Айтар эдилар: «*Ким бир кечада 200 оят билан намоз ўқиса, ҳақиқий ихлос или тоат-ибодат қилувчилардан деб ёзилади*¹.»

¹ Мұслим, Насойи ривоятлари.

² Абу Яъло, Ҳоким ривоятлари. Етти узун сура – Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Тавба сураларидир.

³ Абу Довуд, Насойи ривоятлари.

⁴ Мұслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Бухорий, Мұслим ривоятлари.

⁶ Насойи, Термизий ривоятлари.

⁷ Бухорий, Аҳмад ривояти.

⁸ Доримий, Саид ибн Мансур ривоятлари.

⁹ Аҳмад ривояти.

¹⁰ Доримий, Термизий ривоятлари.

¹¹ Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоятлари.

¹² Ибн Саъд ривояти.

Хар кеча «Бани исроил» ва «Зумар» сураларини қироат қиласар эдилар².

وَكَانَ يَقُولُ مَنْ صَلَّى فِي لَيْلَةٍ بِمِائَةِ آيَةٍ لَمْ يُكْتَبْ مِنَ الْغَافِلِينَ (الدارمي والحاكم وصححه ووافقه الذهبي)

Ва айтганлар: «*Ким бир кечада 100 оят билан намоз ўқиса гофиллардан деб ёзилмайды.*³»

Гоҳо ҳар бир ракъатда 50 оят ё ундан ошиқроқ миқдорда қироат қиласар эдилар⁴. Баъзида эса «Я айюҳал-муззаммил» миқдорида қироат қиласар эдилар⁵.

Камдан-кам ҳолларни истисно этгандага «туннинг ҳаммасини намоз билан ўтказмас эдилар⁶.» Хаббоб ибн ал-Арат розияллоху анху бир кеча Росулуллоҳни тун бўйи кузатдилар, (бир лафзда: тун бўйи намоз ўқиб чиқсан кечаларида,) ҳатто тонг отди. Намозларидан салом бергач, Хаббоб: «Ё Росулуллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, бу кеча шундай намоз ўқидингизки, ундей намоз ўқиганингизни ҳеч кўрмаган эдим» деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«أَجَلٌ إِنَّهَا صَلَاةٌ رَغْبٌ وَرَهَبٌ سَأَلْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ فِيهَا ثَلَاثَ حَصَالَ فَأَعْطَانِي اُنْتَنِينَ وَمَنَعَنِي وَاحِدَةً سَأَلْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ أَنْ لَا يُهْلِكَنَا بِمَا أَهْلَكَ بِهِ الْأَمْمَ قَبْنَا فَأَعْطَانِيهَا وَسَأَلْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ أَنْ لَا يُظْهِرَ عَلَيْنَا عَذَوًا مِنْ عَيْرِنَا فَأَعْطَانِيهَا وَسَأَلْتُ رَبِّي أَنْ لَا يَلْبِسَنَا شَيْئًا فَمَنَعَنِيَ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْتَّرمِذِيُّ»

«Ха, бу рагбат ва раҳбат (кўркув) намозидир, мен Раббим азза ва жалладан учта хислатни сўрадим, менга иккитасини ато этди ва биттасини ман қилди: Раббимдан бизни аввалги умматларни ҳалок қилган нарса билан ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, сўровимни берди. Раббим азза ва жалладан бизга ташқаридан бирор душманни голиб қилмаслигини сўраган эдим, сўровимни берди. Раббимдан бизларни турли-туман фирқаларга бўлиб ташламаслигини сўраган эдим, буни ман қилди (бермади)»⁷.

Бир кеча намозларида то тонг отгунча бир оятни такрорлаб чиқдилар, у:

﴿إِنْ تُعَذِّبْهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ وَإِنْ تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«Агар уларни азобласанг, улар сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг Азиз ва Ҳакимдирсан⁸» ояти эди, шу билан рукуъ қиласар, шу билан сажда қиласар, шу билан дуо қиласар эдилар. Тонг отгач, Абу Зар розияллоху анху: «Ё Росулуллоҳ, тонггача шу оятни тўхтовсиз ўқидингиз, шу билан рукуъ, сажда ва дуо қилиб чиқдингиз, ваҳоланки Аллоҳ сизга Қуръоннинг ҳаммасини билдирган эди» деди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ Доримий, Ҳоким ривоятлари.

² Ахмад, Ибн Наср ривоятлари.

³ Доримий, Ҳоким ривоятлари.

⁴ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Ахмад, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Муслим, Абу Довуд ривоятлари. Шу каби ҳадислардан тунларни давомий равишда ёки кўпинча намоз билан бедор ўтказиш макрух экани маълум бўлади. Чунки, бу суннатга зиддир. Агар туннинг ҳаммасини бедор ўтказиш афзал бўлса эди, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни асло кўлдан чиқармас эдилар. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ 40 йил мобайнида хуфтоннинг таҳорати билан бамдодни ўқиган эканликлари ҳақидаги ривоятлар у зот ҳақларида асосиз гаплардандир. Аллома Ферузободий «Ар-родду алал-муътариз» китобларида айтадилар: «Бу гап имомга нисбатланиши лойик бўлмаган очик ёлғонлар жумласидандир. Зоро бу ишда деярли фазилат йўқ, бу каби улуғ имомга афзалроқ ишни қилиш муносаб бўлган бўлар эди. Ҳар бир намозга таҳоратни янгилаш афзалроқ ва комилроқ иш эканида шубҳа йўқ. Бу у кишининг 40 йил мобайнида тунларни бедор ўтказганлари ҳақидаги хабар тўғри бўлган тақдирдаги гап. Аслида эса бу маҳол бир иш ва баъзи жоҳил ва мутаассиб кимсаларнинг Абу Ҳанифа ва бошқа улуғ зотлар шаънларида тўқиган хурофот ва ёлғон гапларидандир.»

⁷ Насойи, Ахмад, Табароний, Термизий ривоятлари.

⁸ «Моида» сураси, 118-оят.

«إِنِّي سَأَلْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ الشَّفَاعَةَ لِأُمَّتِي فَأَعْطَانِيهَا وَهِيَ نَائِلَةٌ إِنْ شَاءَ اللَّهُ لِمَنْ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا» (النسائي)
وابن خزيمة وصححه الحاكم)

«Мен Раббим азза ва жалладан умматим учун шафоат тиладим, уни менга берди. У Аллоҳга ширк келтирмаган кишиларга, инишоаллоҳ, етгусидир» дедилар¹.

Бир киши: «Е Росулуллох, менинг бир қўшним бор, тунги намозида фақат «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни такрор-такрор ўқийверади, унга ҳеч нарсани зиёда қилмайди» деб, қўшнисининг ишини оз санагандек гапирган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنَّهَا لَتَعْدِلُ ثُلُثَ الْقُرْآنِ» (أحمد والبخاري)

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, у Куръоннинг учдан бирига тенгдир» дедилар².

7) ВИТР НАМОЗИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи ракъатда «Саббиҳисма роббикал аъла»ни, иккинчи ракъатда «Қул я айюҳал кафирун»ни, учинчи ракъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар³.

Баъзан унга «Қул аъувзу бироббили-фалак» ва «Қул аъувзу бироббин-нас»ни қўшиб қўярдилар⁴.

Бир марта учинчи ракъатда «Нисо»дан 100 оят ўқиганлар⁵.

Витрдан кейинги икки ракъатда «Иза зулзилатил арзу» ва «Қул я айюҳал кафирун»ни ўқир эдилар⁶.

8) ЖУМЬЯ НАМОЗИ

Баъзан биринчи ракъатда «Жумъя» сурасини, иккинчи ракъатда «Иза жаъакал-мунафиқун»ни ўқир⁷, гоҳо унинг ўрнига «Ҳал атака ҳадисул-ғошия»ни ўқир эдилар⁸.

Баъзан биринчи ракъатда «Саббиҳисма роббикал-аъла»ни, иккинчи ракъатда «Ҳал атака»ни ўқир эдилар⁹.

9) ИЙД НАМОЗЛАРИ

Баъзан биринчи ракъатда «Саббиҳисма роббикал-аъла»ни, иккинчи ракъатда «Ҳал атака»ни ўқир эдилар¹⁰.

Баъзан уларда «Қоф» ва «Иқтаробатис-саъату»ни ўқир эдилар.¹¹

10) ЖАНОЗА НАМОЗИ

¹ Насой, Ибн Хузайма, Аҳмад, Ибн Наср, Ҳоким ривоятлари.

² Аҳмад, Бухорий ривоятлари.

³ Насой, Ҳоким ривоятлари.

⁴ Термизий, Абул Аббос ал-Асом, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Насой, Аҳмад ривоятлари.

⁶ Аҳмад, Ибн Наср ривоятлари.

⁷ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁸ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

⁹ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

¹⁰ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

¹¹ Муслим, Абу Довуд ривоятлари.

Бундаги суннат «Фотиҳа» [ва бир сура] ўқишидир¹.

Ушбу намозда биринчи такбирдан сўнг бироз жим бўлиб қолардилар².

ДОНА-ДОНА ҚИЛИБ, ЧИРОЙЛИ ОВОЗ БИЛАН ҚИРОАТ ҚИЛИШ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Куръонни Аллоҳ таоло буюрганидек, шошилмасдан, дона-дона қилиб қироат қилар эдилар. У зотнинг қироатлари ҳарфма-ҳарф тушунарли эди³. Бирор сурани тиловат қилсалар ундан узунроқ сурадан кўра ҳам узунроқ бўлиб кетар эди⁴.

وَكَانَ يَقُولُ: «يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ اقْرُأْ وَارْتَقِ وَرَكِّلْ كَمَا كُنْتَ تُرَكِلُ فِي الدُّنْيَا فَإِنْ مَنْزِلَكَ عِنْدَ آخِرِ آئِهِ تَقْرُؤُهَا» (أبو داود والترمذی وصححه).

Айтган эдилар: «*Куръон соҳибига: Ўқи ва юксал, дунёда тиловат қилганинг каби тиловат қил, сенинг манзилатинг ўзинг ўқиган охирги оят олдидаидир, дейилгай.*»⁵

Чўзиш ҳарфлари келганида қироатларини чўзар, «Бисмилла-а-хи»да чўзар, «Арроҳма-ани»да чўзар, «Арроҳи-и-ми»да чўзар⁶, «Нази-и-д»⁷ ва шу кабиларда чўзар эдилар.

Юкорида айтилганидек, ояларнинг охирларида тўхтар эдилар.

Куръонни гўзал овоз билан ўқишга буюриб айтганлар:

«رَبِّنَا الْقُرْآنَ بِأَصْوَاتِكُمْ [فَإِنَّ الصَّوْتَ الْحَسَنَ يَزِيدُ الْقُرْآنَ حُسْنًا]» (البخاري).

«*Куръонни овозларингиз билан зийнатлангиз! [Чунки чиройли овоз Куръонни яна-да гўзал қиласди.]*»⁸

ويقول: «إِنَّ مِنْ أَحْسَنِ النَّاسِ صَوْتاً بِالْقُرْآنِ الَّذِي إِذَا سَمِعْتُمُوهُ يَقْرُأُ حَسِيبُتُمُوهُ يَخْشَى اللَّهُ» (صحيح).

Яна айтганлар: «*Куръонни чиройли овозда ўқийдиган киши шундай кишики, қироат қилаётганини эшиитсаларингиз, уни Аллоҳдан кўрқади, деб ўйлайсизлар.*»⁹

Куръонни майин ва ғамгин овоз билан қироат қилишга буюриб айтганлар:

تَعْلَمُوا كِتَابَ اللَّهِ تَعَالَى وَتَعَاهُدُوهُ وَاقْتُنُوهُ وَتَعْنَوْا بِهِ فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَهُوَ أَشَدُ تَفْلِيْثًا مِنْ الْمَخَاضِ فِي الْعُقْلِ (الدارمي وأحمد بسنده صحيح)

«*Аллоҳнинг Китобини (ёдлаб, фахмлаб) таълим олингиз ва бот-бот ўқингиз, уни майин ва ғамгин овоз билан тиловат қилингиз. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, у арқонидан бўшалиб кетган ҳомиладор туядан кўра ҳам қочувчироқдир.*»¹⁰

ويقول: «لَيْسَ مِنَ الْمُرْتَفَعِ بِالْقُرْآنِ» (أبو داود وصححه الحاكم)

Яна айтганлар: «*Куръонни майин ва ғамгин овоз билан ўқимаган киши биздан эмас.*»¹¹

¹ Бухорий, Абу Довуд. Насой, Ибнул Жоруд ривоятлари.

² Насой, Таҳовий ривоятлари.

³ Ибн Муборак, Абу Довуд, Аҳмад ривоятлари.

⁴ Муслим, Молик ривоятлари.

⁵ Абу Довуд, Термизий ривоятлари.

⁶ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁷ Бухорий «Афъалул-ибад»да ривоят қилган.

⁸ Бухорий, Абу Довуд, Ҳоким, Доримий, Розий ривоятлари.

⁹ Ибн Муборак «Зухд»да, Доримий, Ибн Наср, Табароний, Абу Нуъайм.

¹⁰ Доримий, Аҳмад ривоятлари.

«مَا أَذِنَ اللَّهُ لِشَيْءٍ مَا أَذِنَ لِنِبِيًّا [حَسَنَ الصَّوْتِ] يَعْنَى بِالْقُرْآنِ [يَجْهَرُ بِهِ]» (البخاري ومسلم).

«Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсаны ширави овоз билан, овозини чиқарыб Куръонни майин тиловат қилаётган пайгамбарни тинглаганидек тингламагандир.»¹

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхуга хитобан айтдилар:

«لَوْ رَأَيْتَنِي وَأَنَا أَسْتَمِعُ لِقِرَاءَتِكَ الْبَارِحةَ لَقَدْ أُوتِيتَ مِنْ مَزَامِيرِ آلِ دَاؤْدَ» (البخاري ومسلم).

«Үтган кеча сизнинг қироатингизга қулоқ солиб турганимдаги ҳолатимни кўрсангиз эди! Дарҳақиқат, сизга Довуд оиласининг гўзал овозларидан бир овоз берилган.» [Абу Мусо дедилар: «Сизнинг қулоқ согланингизни билганимда, яна-да чиройлироқ қилган бўлардим.³»]

ИМОМГА ЛУҚМА БЕРИШ

Имом қироатда адашиб қолса, унга луқма бериш суннатдир.

وَ صَلَّى صَلَادَةً فَقَرَأَ فِيهَا فَلْبِسَ عَلَيْهِ فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ لِأُنْيِيْ: أَصَلَّيْتَ مَعَنَا؟ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: فَمَا مَنَعَكَ إِنْ تَفْتَحَ عَلَيَّ؟ (أبو داود وابن حبان والطبراني)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир намозларида қироат қила туриб, адашиб қолдилар. Намозларини тутатгандаридан кейин, Убай розияллоҳу анхуга: «Биз билан намоз ўқидингизми?» дедилар. «Ҳа» деган эди, «Унда [менга луқма беришидан] сизни нима ман қилди?!» дедилар⁴.

НАМОЗДА ВАСВАСАНИ ДАФ ҚИЛИШ УЧУН АЛЛОХДАН ПАНОҲ ТИЛАШ ВА ТУФЛАШ

أَنَّ عُثْمَانَ بْنَ أَبِي الْعَاصِ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ الشَّيْطَانَ قَدْ حَالَ بَيْنِي وَبَيْنَ صَلَاتِي وَفِرَاعَتِي يَلْبِسُهَا عَلَيَّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ذَاكَ شَيْطَانٌ يُقَالُ لَهُ خَنْزُبٌ فَإِذَا أَحْسَسْتُهُ فَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنْهُ وَأَئْغِلْ عَلَى يَسَارِكَ ثَلَاثًا» قَالَ فَعَلَتْ ذَلِكَ فَأَذْهَبَهُ اللَّهُ عَنِّي. (مسلم وأحمد)

Усмон ибн Абиль-Ос розияллоҳу анху: «Ё Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шайтон мен билан намоз ва қироатим ўртасига гов бўлиб, уни чалкаштириб юборяпти», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бу «Ханзаб» исмли шайтондор. Агар уни сезиб қолсангиз, Аллоҳдан паноҳ тиланг ва чап тарафингизга уч маротаба туфланг!». Усмон айтади: «Шундай қилган эдим, Аллоҳ мендан уни кетказди».⁵

РУКУЪ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қироат қилиб бўлгач бир оз сукут қилар⁶, сўнг «Такбири таҳрима»да қилганларидек қўлларини кўтариб¹, такбир айтиб², рукуъга борар эдилар³.

¹ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

² Бухорий, Мұслим, Таҳовий ривоятлари.

³ Абдураззок «Амолий»да, Бухорий, Мұслим, Ҳоким ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Табароний, Ибн Асокир, Зиёд ривоятлари.

⁵ Мұслим, Аҳмад ривоятлари.

⁶ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюриб, айтган эдилар:

إِنَّهَا لَمْ تَسْمِ صَلَاتَةً أَحَدَكُمْ حَتَّى يُسْبِغَ الْوُضُوءَ كَمَا أَمَرَهُ اللَّهُ ... لَمْ يُكَبِّرَ اللَّهُ وَيَخْمَدَهُ وَيَمْحَدَهُ وَيَقْرَأَ مَا تَيَسَّرَ
مِنَ الْقُرْآنِ مِمَّا عَلِمَهُ اللَّهُ وَأَذْنَ لَهُ فِيهِ لَمْ يُكَبِّرَ وَلَا يَكُعَّ...» (أبو داود والنسيائي وصححة الحاكم).⁴

«Хеч бир кишининг намози то у таҳоратини Аллоҳ буюрганидек мукаммал қилмагунича... сўнг такбир ва ҳамду-сано айтмагунича ва Аллоҳ унга билдирган Куръондан ўзига муяссар бўлганича миқдорда қироат қилмагунича, сўнг такбир айтиб, рукуъ қилмагунича... мукаммал бўлмайди.»⁴

РУКУЪНИНГ КАЙФИЯТИ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъда кафтларини тиззалариға қўяр⁵ ва бошқаларни ҳам шунга буюрап эдилар⁶.

Қўлларини тиззалариға [худди чангллагандек] жойлаштирап эдилар.⁷

Бармоқлари орасини очар эдилар⁸. Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюриб, айтган эдилар:

«إِذَا رَكَعْتَ فَضَعْ رَاحَتَيْكَ عَلَى رُكْبَيْكَ ثُمَّ فَرَّجْ بَيْنَ أَصَابِعِكَ ثُمَّ امْكُثْ حَتَّى يَأْخُذَ كُلُّ عُضُوٍ مَأْخَذَهِ» (ابن خزيمة وابن حبان في صحيحهما).

«Рукуъ қилсанг, кафтларингни тиззаларингга қўй, сўнг бармоқларинг орасини оч, сўнг ҳар бир аъзо ўз ўрнига келгунича шу ҳолда тур.»⁹

Тирсакларини икки ёнларидан узоклаштириб турар эдилар¹⁰.

Рукуъ қилсалар, орқаларини бир текис ва баробар қилар эдилар. Ҳатто, орқаларига сув қуйилса эди, оқиб кетмасдан турган бўларди.¹¹

Бошларини қуи солмас ва қўтариб ҳам юбормас¹², балки ўртача ҳолда тутар эдилар¹³.

РУКУЪДА ХОТИРЖАМЛИКНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъда хотиржам турадилар, юқорида айтилганидек, намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюрганлар.

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари. Ушбу қўл қўтаришлари у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан мутавотирдир. Рукуъдан турган пайтдагиси ҳам шундай. Бу уч имомнинг ва бошқа кўплаб фақиҳ ва мухаддис уламоларнинг мазҳабларидир. Айрим ҳанафий уламолар, жумладан, Исом ибн Юсуф, Абу Исмат ал-Балхий (Ином Абу Юсуф роҳимахуллоҳнинг шогирдлари) ҳам шуни ихтиёр этганлар.

² Бухорий, Муслим ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Насойи, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁷ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁸ Ҳоким ривояти, саҳиҳ.

⁹ Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоятлари.

¹⁰ Термизий, Ибн Хузайма ривоятлари.

¹¹ Табароний, Ибн Можа ривоятлари.

¹² Абу Довуд, Бухорий ривоятлари.

¹³ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

وَكَانَ يَقُولُ: «أَتَمُوا الرُّكُوعَ وَالسُّجُودَ فَوَالذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنِّي لِأَرَاكُمْ مِنْ بَعْدِ ظَهْرِي إِذَا مَا رَكَعْتُمْ وَإِذَا مَا سَجَدْتُمْ» (البخاري ومسلم).

Ва айтар эдилар: «Рукуъ ва сужудни мукаммал қилингиз. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен сизларни рукуъ қилган пайтингизда ҳам, сажда қилган пайтингизда ҳам ортимдан аниқ қўриб тураман.»¹

Бир кишини намозда рукуъни мукаммал қилмаётганини ва қуш чўқигани каби сажда қилаётганини қўриб, дедилар:

«لَوْ مَاتَ هَذَا عَلَى حَالٍ هَذِهِ مَاتَ عَلَى غَيْرِ مَلَةٍ مُحَمَّدٌ [يَنْقُرُ صَلَاتُهُ كَمَا يَنْقُرُ الْغُرَابُ الدَّمَ] مَثْلُ الذِّي لَا يُتْمِمُ رُكُوعَهُ وَيَنْقُرُ فِي سُجُودِهِ مَثْلُ الْجَائِعِ الَّذِي يَأْكُلُ التَّمْرَةَ وَالثَّمَرَتَيْنِ لَا يُعْنِيَانِ عَنْهُ شَيْئًا» (أبو يعلى في مسنده والبيهقي والطبراني وصححه ابن خزيمة).

«Бу одам шу ҳолида ўлиб кетса, Мухаммаднинг динидан бошқа динда ўлади, намозида қарга қон чўқиганидек чўқияпти, рукусини тўла қилмайдиган ва сажедасини қуши чўқиганидай қиладиган кишининг мисоли бир-икки дона хурмо еган, бироқ бу унинг очлигини кетказмаган қорни оч кишига ўхшайди».²

وقالَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: نَهَانِي خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أَنْقُرَ فِي صَلَاتِي نَقْرَ الدِّيْكِ وَأَنْ أَنْتَفِتَ الْتِفَاتَ الشَّعْلَبِ وَأَنْ أَقْعِيَ كِإِقْعَاءَ الْقِرْدِ (حديث حسن).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мени халилим (Росулуллоҳ) соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозимда ҳўрзининг чўқишидек чўқишидан, тулкининг қарашидек қарашидан ва маймуннинг (бир ривоятда: итнинг) чўккаллаб ўтиришидек чўккаллаб ўтиришидан қайтардилар.»³

وَكَانَ يَقُولُ: «أَسْوُ النَّاسِ سَرِقَةً الَّذِي يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ.» قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ؟ قَالَ: «لَا يُتْمِمُ رُكُوعَهَا وَسُجُودَهَا» (ابن أبي شيبة والطبراني وصححه الحاکم)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг ёмон ўгри намозидан ўғирлайдиган кишидир» дедилар. У зотдан: «Қандай қилиб намозидан ўғирлайди», деб сўрашганда: «Рукуъ ва сажедасини тўла қилмайди» деб жавоб бердилар.⁴

Намоз ўқир эканлар, кўзларининг қири билан рукуъ ва саждада белини тўғриламаётган бир кишига назар ташладилар. Намозларидан бурилгач:

«يَا مَعْشَرَ الْمُسْلِمِينَ إِنَّهُ لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا يُقِيمُ صُلْبَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ» (ابن أبي شيبة وابن ماجة وأحمد)
بسند صحيح

«Эй мусулмонлар жамоати, рукуъ ва сажедада(н кейин) белини тўғриламайдиган одамнинг намози намоз эмас» дедилар.⁵

РУКУЪДАГИ ЗИКРЛАР

¹ Бухорий, Мұслим ривоятлари.

² Абу Яльо, Ожирий, Байҳақий, Зиё, Ибн Асокир, Ибн Хузайма, Табароний ривоятлари.

³ Таёлсий, Ахмад, Ибн Абу Шайба ривоятлари.

⁴ Ибн Абу Шайба, Табароний, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Ибн Абу Шайба, Ахмад, Ибн Можа ривоятлари.

Ушбу руқнда турли-туман зикр ва дуоларни қилар, гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўқир эдилар:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ (ثَلَاثَ مَرَاتٍ)

«Субҳана роббиял ази-и-м» «*Улуг Роббимни* (айбу нуқсонлардан) поклайман!» деб уч марта айтар¹, баъзида бундан кўпроқ ҳам такрорлар эдилар.

Бир бор тунги намозларида ушбу тасбехни жуда кўп такрорладилар, ҳатто рукуълари қиёмларига яқин бўлди. Қиёмда учта узун сурани - «Бақара», «Оли Имрон», «Нисо»ни ўқиган, ораларида дуо ва истиғфорлар ҳам ўтган эди. Бу хакда тунги намозлари бобида айтиб ўтилди.

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ وَبِحَمْدِهِ (ثَلَاثَةِ)

«Хамд айтишилик билан Улуг Роббимни (айбу нуқсонлардан) поклайман» деб уч марта айтар эдилар.²

سُبُّوْحُ قُدُّوسُ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ

«(Аллоҳ) ҳар қандай айбу нуқсондан Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ҳамда Рух-Жаброилнинг Парвардигоридир.»³

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي

«Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсондан) покдирсан. Эй Парвардигоримиз! Сенинг ҳамдинг билан тасбех айтаман. Эй Аллоҳ! Мени мағфират этгин.» Куръонда буюрилганларида мувофиқ, ушбу зикрни рукуъ ва саждаларида кўп айтар эдилар⁴.

اللَّهُمَّ لَكَ رَكَعْتُ، وَبِكَ آمَّتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، خَشَعَ لَكَ سَمْعِي، وَبَصَرِي، وَمُخْيِ، وَعَصَبِي، وَمَا اسْتَقْلَلْتُ بِهِ قَدَمِي

«Эй Аллоҳим, Сенга рукуъ қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга бўйсундим. Кулогим, қўзим, миям, суягим, асабларим ҳамда оёгим устидаги (бутун жисмим) Сенга хушуъ қилди».⁵

اللَّهُمَّ لَكَ رَكَعْتُ، وَبِكَ آمَّتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلتُ، أَنْتَ رَبِّي، خَشَعَ سَمْعِي، وَبَصَرِي، وَدَمِي، وَلَحْمي، وَعَظَمِي، وَعَصَبِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Эй Аллоҳим, Сенга рукуъ қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга бўйсундим ва Сенга таваккул қилдим. Сен менинг Роббимсан. Кулогим, қўзим, қоним, гўшитим, суягим, асабларим бутун оламнинг Робби бўлган Аллоҳга хушуъ қилди.»⁶

سُبْحَانَ ذِي الْجَبَرُوتِ، وَالْمَلَكُوتِ، وَالْكَبِيرِيَاءِ، وَالْعَظَمَةِ

«Куч-кудрат, салтанат, киборлик ва улуғлик соҳиби (барча айбу нуқсондан) покдир.»⁷
Буни тунги намозларида айтганлар.

¹ Ахмад, Абу Довуд, Ибн Можа, Доракутний, Таҳовий, Баззор.

² Ахмад, Абу Довуд, Доракутний, Табароний, Байҳақий.

³ Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

⁴ Бухорий ва Муслим ривояти. Яъни, бу билан «Наср» сурасидаги: «Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай “шерик”лардан) покланг ва Ундан мағфират сўранг!» оятига амал қилар эдилар.

⁵ Муслим, Абу Авона, Таховий, Доракутний ривоятлари.

⁶ Насойи ривояти.

⁷ Абу Довуд, Насойи ва Ахмад ривоятлари.

РУКУЪНИ УЗОҚ ҚИЛИШ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъларини, рукуъдан қад ростлаб туришларини, саждаларини ва икки сажда ўртасидаги ўтиришларини қарийб бир-бирига тенг қиласынан айтады.¹

РУКУЪДА ҚУРЬОН ЎҚИШДАН ҚАЙТАРГАНЛИКЛАРИ

Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишидан қайтарар әдилар.²

وَكَانَ يَقُولُ: «أَلَا وَإِنِّي نُهِيَتُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ رَأْكِعًا أَوْ سَاجِدًا فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعَظِيمُوا فِيهِ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهَدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِنُ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ» (مسلم وأبو عوانة).

Ва айтган әдилар: «Огох бўлингиз, мен рукуъ ва сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишидан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жисидди-жсаҳд қилингиз, ижобат қилинишига лойиқ бўлурсиз.»³

РУКУЪДАН ТУРИШЛАРИ ВА УНДА АЙТГАН ЗИКРЛАРИ

Сўнг: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ» «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» (Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчини ижобат қилди) деб, рукуъдан кўтариладар әдилар.⁴

Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюриб, айтганлар:

«لَا تَتَمَضَّ صَلَاةً لِأَحَدٍ مِنَ النَّاسِ حَتَّىٰ ... يَرْكَعَ ... ثُمَّ يَقُولُ: سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ حَتَّىٰ يَسْتَوِيَ قَائِمًا» (أبو داود والحاكم وصححه).

«Ҳеч бир кишининг намози то у ... рукуъ қилмагунича... сўнг «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деб қаддини ростламагунича ... мукаммал бўлмайди.»⁵

Сўнг қад ростлаган ҳолларида: «رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ» «Роббана [ва] лакал ҳамд» (Эй Парвардигоримиз, Сенга ҳамду-сано бўлсин) дер әдилар.⁶

Ҳар бир намоз ўқувчини, - хоҳ иқтидо қилиб, хоҳ бошқа ҳолда ўқиётган бўлсин, - шунга буюрганлар:

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар.»⁷

وَكَانَ يَقُولُ: «إِنَّمَا جَعَلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمَ بِهِ ... وَإِذَا قَالَ: سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ فَقُولُوا: ([اللَّهُمَّ] رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ) يَسْمَعَ اللَّهُ لَكُمْ فَإِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى قَالَ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ» (مسلم وأبو عوانة وأحمد وأبو داود)

¹ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

² Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

³ Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

⁴ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁵ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁶ Бухорий, Аҳмад ривоятлари.

⁷ Бухорий ва Аҳмад ривояти.

Ва айтган эдилар: «*Имом унга эргашилиши учунгина имом қилингандир...* Агар у: «*Самиъаллоху лиман ҳамидаҳ*» деса, «[Аллохумма] роббана ва лакал ҳамд» денглар, Аллоҳ сизларни эшиштади. Зоро, Аллоҳ таборака ва таоло пайгамбарининг тили билан: «*Самиъаллоху лиман ҳамидаҳ*» (Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчидан ижобат қилди) деди.»¹

Ушбу буйруқлари сабабини бошқа бир ҳадисда шундай изохлаганлар:

«فِإِنَّهُ مَنْ وَاقَ قَوْلُهُ قَوْلَ الْمَلَائِكَةِ غُفرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (البخاري ومسلم وصححه الترمذى)

«*Зоро, кимнинг айтишиши малоикаларнинг айтишиларига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади.*»²

Рукуъдан турган пайтларида қўулларини кўттарар ва тик турган ҳолларида: «Роббана ва лакал ҳамд»³ дер, гоҳида: «Роббана лакал ҳамд»⁴, гоҳида эса булар олдига «Аллохумма»ни кўшиб⁵ айтар эдилар.

وَكَانَ يَأْمُرُ بِذَلِكَ فَيَقُولُ: «إِذَا قَالَ الْإِمَامُ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَقُولُوا اللَّهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ فِإِنَّهُ مَنْ وَاقَ قَوْلُهُ قَوْلَ الْمَلَائِكَةِ غُفرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (البخاري ومسلم)

Шундай қилишга буюриб: «*Агар имом: «Самиъаллоху лиман ҳамидаҳ» деса, «Аллохумма роббана лакал ҳамд» денглар. Зоро, кимнинг сўзи малоикаларнинг сўзларига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади,*» деганлар.⁶

Баъзан юқоридагиларга шундай деб кўшиб кўяр эдилар:

«مَلْ السَّمَاوَاتِ وَمَلْ الْأَرْضِ وَمَا يَبْنُهُمَا، وَمَلْ مَا شَتَّتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ، أَهْلَ النَّشَاءِ وَالْمَجْدِ، أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ، وَكُلُّنَا لَكَ عَبْدٌ، اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلَا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ، وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدْ مِنْكَ الْجَدُّ»

«*Осмонлару ер ва улар ўртасидаги нарсалар миқдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса миқдорича (ҳамд бўлсин). Мактov ва улуғлик аҳли-эгаси(сан). Қул айтишига энг лойик сўз: Барчамиз Сенга қўлмиз. Эй Аллоҳ! Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқдир! Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуглиги Сенинг олдингда фойда бермас.*»⁷

Баъзан тунги намозларида: «*لِرَبِّيِ الْحَمْدُ لِرَبِّيِ الْحَمْدُ*» «*Лироббиял-ҳамд, лироббиял-ҳамд*» (Парвардигоримга ҳамду сано бўлсин, Парвардигоримга ҳамду сано бўлсин) деб такрор-такрор айтар, ҳатто (рукуъдан кейинги бу) қиёмлари рукуъларига тенг бўлар, рукуълари эса унда «Бакара» сурасини қироат қилган аввалги қиёмларига яқин бўлган эди.⁸

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтариб, «Самиъаллоху лиман ҳамидаҳ» деганларида ортларида намоз ўқиётган бир киши:

«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ»

«Эй Парвардигоримиз! Сенга кўп, пок-риёсиз, муборак-хайрлилиги мўл ҳамд(лар) бўлсин» деди. Намозларидан бурилгач: «Хозирги сўзларни ким айтди?» деб сўрадилар. Ҳалиги одам: «Мен, ё Росулаллоҳ» деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўттиздан

¹ Муслим, Абу Авона, Аҳмад, Абу Довуд ривоятлари.

² Бухорий, Муслим, Термизий ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁵ Бухорий, Аҳмад ривоятлари.

⁶ Бухорий, Муслим, Термизий ривоятлари.

⁷ Муслим ривояти.

⁸ Абу Довуд, Насоий ривоятлари.

ошиқ фариштани уибү сүзларни биринчи бўлиб ёзиши учун ошиққанларини кўрдим»
дедилар.¹

РУКУЪДАН СЎНГ ХОТИРЖАМ ТУРИШЛАРИ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу туришларини қарийб рукуъларига яқин қиласардилар, баъзан анча турардилар, узоқ туриб қолганларидан айримлар «(саждага бориш) эсларидан чиқиб қолди» деб ўйлаб қоларди.²

Унда хотиржам туришга буюар, намозини нуқсонли қилган кишига айтган эдилар:

«ثُمَّ ارْفَعْ رَأْسَكَ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا [فَيَأْخُذَ كُلُّ عَظِيمٍ مَا خَذَهُ] (وفي رواية: وَإِذَا رَفَعْتَ فَاقْمُ صُبْكَ وَارْفَعْ رَأْسَكَ حَتَّى تَرْجِعَ الْعِظَامُ إِلَى مَفَاصِلِهَا) (رواه البخاري ومسلم)

«...Сўнг бошингни кўтар, қаддинг тик бўлсин, йхар бир суяк ўз ўрнига келсин.] (Бир ривоятда: кўтарилганингда белингни тик қил ва бошингни кўтар, ҳатто суяклар ўз бўғимларига қайтсин.)»³

Вакан иқвол: «لا يَنْظُرُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِلَى صَلَةِ عَبْدٍ لَا يُقِيمُ فِيهَا صُلْبُهُ بَيْنَ رُكُوعِهَا وَسُجُودِهَا» (أحمد والطبراني
في الكبير بسنده صحيح)

Айтар эдилар: «Аллоҳ азза ва жалла рукуъси(дан кейин) ва саждалари ўртасида
белини тик қилмайдиган банданинг намозига қараоб ҳам қўймайди.»⁴

САЖДА

Шундан сўнг Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир айтиб, саждага йиқилар
эдилар⁵. Намозини нуқсонли қилган кишига шундай буюрган эдилар:

«لَا تَتَمَضَّ صَلَاةً لِأَحَدٍ مِنَ النَّاسِ حَتَّى ... يَقُولَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ حَتَّى يَسْتُوِيَ قَائِمًا ثُمَّ يَقُولَ اللَّهُ أَكْبَرُ ثُمَّ يَسْجُدَ حَتَّى تَطْمِئِنَ مَفَاصِلُهُ» (أبو داود والحاكم وصححه ووافقه الذهبي)

«Ҳеч бир кишининг намози то у ... «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деб қаддини
ростламагунича, сўнг такбир айтмагунича, сўнг саждага бормагунича ва (саждада)
бўғимлар хотиржам бўлмагунича... мукаммал бўлмайди.»⁶

Сажда қилмоқчи бўлсалар такбир айтар [ва қўлларини икки ёнларидан узоқлатар,] сўнг
сажда қилар эдилар⁷.

Баъзан сажда қилишдан аввал қўлларини кўтарар эдилар.⁸

Қўлларини тиззаларидан олдин ерга қўяр эдилар.⁹

Ва шундай қилишга буюриб, айтганлар:

¹ Бухорий ривояти.

² Бухорий, Муслим, Ахмад ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим, Дорими, Ҳоким, Шофеъий, Ахмад ривоятлари.

⁴ Ахмад, Табароний ривоятлари.

⁵ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁶ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁷ Абу Яъло, Ибн Хузайма ривоятлари.

⁸ Насойй, Доракутний ривоятлари.

⁹ Ибн Хузайма, Доракутний, Ҳоким ривоятлари.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا سَجَدَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَرُكُ الْبَعِيرُ وَلَيَضْعَ
يَدَيْهِ قَبْلَ رُكْبَتِيهِ» (أبو داود)

«Агар биро вингиз сажеда қилса туя چүкканидек чүкмасин, қўлларини тиззалиридан аввал қўйсин.»¹

وَكَانَ يَقُولُ: «إِنَّ الْيَدَيْنِ تَسْجُدُنَ كَمَا يَسْجُدُ الْوَجْهُ إِذَا وَضَعَ أَحَدُكُمْ وَجْهَهُ فَلَيَضْعَ يَدَيْهِ وَإِذَا رَفَعَ فَلَيَرْفَعَهُمَا»
(ابن خزيمة وأحمد والسراج والحاكم)

Ва айтганлар: «Қўллар ҳам худди юз сажеда қилганидек сажеда қиласди. Биро вингиз юзини (ерга) қўйса қўлларини ҳам қўйсин, (юзини ердан) кўтарса уларни ҳам кўтарсин.»²

Кафтларига суянар [ва уларни очар,]³ бармоқларини йифар⁴ ва уларни қибла тарафга қаратар эдилар⁵.

Кафтларини елкалари баробарига⁶, баъзан қулоқлари баробарига қўяр эдилар⁷.

Бурун ва пешоналарини ерга теккизар эдилар⁸.

وَكَانَ يَقُولُ: «لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا يُصِيبُ أَنْفُهُ مِنَ الْأَرْضِ مَا يُصِيبُ الْجَبَنِ» (الدارقطني والطبراني)

Ва айтар эдилар: «Пешонасини ерга теккизиб, бурнини теккизмаган одамнинг намози намоз эмас.»⁹

Тиззалирини ва оёқ учларини ерга теккизар эдилар¹⁰, оёқ учларини қиблага қаратар эдилар¹¹, товоңларини бир текис қилар¹² ва оёқларини тик тутар эдилар¹³.

Ушбу етти аъзо устига – икки кафт, икки тизза, икки оёқ учлари, пешона билан бурунга сажда қиласди.

Қуйидаги ҳадисларида сўнгги икки аъзони саждада бир аъзо сифатида эътибор қилгандар:

– قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أُمِرْتُ أَنْ أَسْجُدَ (وَفِي رَوَايَةِ: أُمِرْنَا أَنْ نَسْجُدَ) عَلَى سَبْعَةِ أَعْظَمٍ عَلَى الْجَبَهَةِ
وَأَشَارَ بِيَدِهِ عَلَى أَنْفِهِ – وَالْيَدَيْنِ وَالرُّكْبَتَيْنِ وَأَطْرَافِ الْقَدَمَيْنِ وَلَا نَكْفِتَ الشَّيَابَ وَالشَّعَرَ» (البخاري ومسلم)

«Етти суяк (аъзо) устига: пешонага, – ва бурунларига ҳам ишора қилдилар – икки кафтга, икки тиззага, икки оёқнинг учларига сажеда қилишига ҳамда кийим ва сочларни ийгишиштирмасликка буюрилдим (бир лафзда: буюрилдик)».¹⁴

¹ Абу Довуд, Таммол «Фавоид»да, Насойи ривоятлари.

² Ибн Хузайма, Аҳмад, Сирож, Ҳоким ривоятлари.

³ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁴ Ибн Хузайма, Байҳакий, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Байҳакий ривояти.

⁶ Абу Довуд, Термизий ривоятлари.

⁷ Абу Довуд, Насойи ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Термизий ривоятлари.

⁹ Доракутний, Табароний, Абу Нуъайм ривоятлари.

¹⁰ Байҳакий ривояти.

¹¹ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

¹² Таховий, Ибн Хузайма ривоятлари.

¹³ Байҳакий ривояти.

¹⁴ Бухорий, Муслим ривоятлари.

وكان يقول: «إِذَا سَجَدَ الْعَبْدُ سَجَدَ مَعَهُ سَبْعَةُ آرَابٍ وَجْهُهُ وَكَفَاهُ وَرُكْبَتَاهُ وَقَدْمَاهُ» (مسلم وأبو عوانة وابن حبان)¹

Айтар эдилар: «*Банда сажда қылса, у билан бирга етти аъзо сажда қиласи: юзи, икки кафти, икки тиззаси ва икки қадами.*»¹

Сочи орқасига турмакланган ҳолда намоз ўқиган киши хақида айтдилар:

«إِنَّمَا مَثَلُ هَذَا مَثَلُ الَّذِي يُصَلِّي وَهُوَ مَكْتُوفٌ» (مسلم وأبو عوانة)

«*Дарҳақиқат, бу одам бамисоли қўллари боғлиқ ҳолда намоз ўқиётган одам кабидир.*»²

وقال أيضا: «ذَلِكَ كَفْلُ الشَّيْطَانِ يَعْنِي مَقْعَدُ الشَّيْطَانِ يَعْنِي مَغْرَزَ ضَفْرِهِ» (أبو داود والترمذى وحسنه)

Яна айтдилар: «*Бу – яъни унинг соч турмаги – шайтоннинг ўтирадиган жойидир.*»³

Билакларини ерга тўшамас⁴, балки уларни ердан кўтариб турар ва биқинларидан узоқлатар, ҳатто қўлтиқларининг оқлиги орқаларидан қўринар эди,⁵ ва ҳатто бирор қўзичоқ қўллари остидан ўтмоқчи бўлса ўта олар эди.⁶

Бунга қаттиқ эътибор бериб қилганларидан ҳатто саҳобалардан баъзилари: «Биз Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида қўлларини биқинларидан узок қилишларидан (қийналишларини кўриб) у зотга раҳмимиз келар эди» деган эдилар.⁷

Шундай қилишга буориб, айтган эдилар:

«إِذَا سَجَدْتَ فَضَعْ كَفَيْكَ وَارْفِعْ مِرْفَقَيْكَ» (مسلم وأبو عوانة)

«*Сажда қилсанг кафтларингни (ерга) қўй ва тирсакларингни кўтар.*»⁸

ويقول: «اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَسْطِعْ أَحَدُكُمْ ذِرَاعِيهِ اِبْسَاطَ الْكَلْبِ» (البخاري ومسلم)

«*Саждада мўътадил бўлинглар, бирортангиз билакларини итнинг ёзишидек ёзмасин.*»⁹

وفي لفظ آخر وحديث آخر: «وَلَا يَفْتَرِشْ أَحَدُكُمْ ذِرَاعِيهِ اِفْتَرَاشَ الْكَلْبِ» (أحمد والترمذى وصححه)

Бошқа бир ҳадисда ва бошқа лафзда: «*Бирортангиз билакларини итнинг тўшашидек тўшаб олмасин.*»¹⁰

وكان يقول: «لَا تَبْسُطْ ذِرَاعِيْكَ [بسط السبع] وَادْعُمْ عَلَى رَاحَتِيْكَ وَتَجَافَ عَنْ ضَبْعِيْكَ فَإِنَّكَ إِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ سَجَدَ كُلُّ عُضُوٍّ مِنْكَ مَعَكَ» (ابن خزيمة والمقدسي والحاكم وصححه)

¹ Муслим, Абу Авона, Ибн Хиббон ривоятлари.

² Муслим, Абу Авона, Ибн Хиббон ривоятлари.

³ Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма

⁴ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁶ Муслим, Абу Авона, Ибн Хиббон ривоятлари.

⁷ Абу Довуд, Ибн Можа ривоятлари.

⁸ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ахмад ривоятлари.

¹⁰ Ахмад, Термизий ривоятлари.

«Билакларингни [йиртқич ҳайвонлар каби] тўшама, кафтларингга суюн ва билакларингдан узоқлаши. Агар шундай қилсанг, ҳар бир аъзоинг сен билан бирга сажда қиласди.»¹

САЖДАДА ХОТИРЖАМ ТУРИШ ВОЖИБЛИГИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва саждани мукаммал қилишга буюрганлар ва бундай қилмайдиган кишининг мисолини битта-иккита хурмо еган, бироқ бу унинг очлигини кетказмаган одамга ўхшатганлар, бундай киши ҳақида: «Энг ёмон ўғри» деб таъриф берганлар.

Юқорида ўтганидек, рукуъ ва саждалирида белини ростламайдиган одамнинг намози дуруст бўлмаслигини айтганлар ва намозини нуқсонли қилган кишига саждада хотиржам туриш лозимлигини уқтирганлар.

САЖДАДАГИ ЗИКРЛАР

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу руқнда ўқиган дуо ва зикрлари ҳар турли бўлиб, гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўқир эдилар:

سُبْحَانَ رَبِّ الْأَعْلَىٰ (ثَلَاثَ مَرَاتٍ)

1- «Субҳана роббиял аъла» «Энг олий Зот бўлмиши Парвардигорим (барча айбу нуқсондан) покдир» деб уч марта айтар², баъзида бундан кўпроқ ҳам (тоқ ҳолда) такрорлар эдилар.³

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي

2- «Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсондан) покдирсан. Эй Парвардигоримиз! Сенинг ҳамдинг билан тасбех айтаман. Эй Аллоҳ! Мени мағифират этгин.» Куръонда буюрилганларига мувофиқ, ушбу зикрни рукуъ ва саждалирида кўп айтар эдилар⁴.

سُبُّوْحُ، قُدُّوسُ، رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ

3- «(Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Рух (Жаброил)нинг Парвардигоридир.»⁵

اللَّهُمَّ لَكَ سَجَدْتُ، وَبِكَ آمَنتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَصَوَّرَهُ وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ، تَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ

4- «Эй Аллоҳ! Сенга сажда этдим, иймон келтирдим, бўйсиндим. Юзим уни яратган, суврат ато этган ва кўз-қулогини очган-ёрган Зотга сажда этди. Энг яхши яратувчи Аллоҳ баракотли-буюкдир.»⁶

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي كُلُّهُ، دِقَهُ وَجْلَهُ، وَأَوَّلَهُ وَآخِرَهُ، وَعَلَانِيَتَهُ وَسِرَّهُ

¹ Ибн Хузайма, Мақдисий, Ҳоким ривоятлари.

² Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа, Доракутний, Таҳовий, Баззор, Табароний ривоятлари.

³ Рукуъ бобига каранг.

⁴ Бухорий ва Муслим ривояти. Яъни, бу билан «Наср» сурасидаги: «Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай “шерик”лардан) покланг ва Ундан мағифират сўранг!» оятига амал қиласди.

⁵ Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

⁶ Муслим ривояти.

5- «Эй Аллоҳ! Менинг барча гуноҳларимни, каттаю кичик, аввалу охир ва сиру ошкорини магфират этгин.»¹

Қуйидаги зикру тасбехларни асосан тунги намозларида айттар әдилар:

سُبْحَانَ رَبِّ الْجَمَ�لِيَّةِ، وَالْمَلَكُوتِ، وَالْكَبْرِيَاءِ، وَالْعَظَمَةِ

6- «Куч-құдрат, салтанат, киборлик ва улуглик соҳиби (Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир!»²

اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا، وَفِي لِسَانِي نُورًا، وَفِي بَصَرِي نُورًا، وَمَنْ فَوْقِي نُورًا، وَمَنْ تَحْتِي نُورًا، وَعَنْ يَمِينِي نُورًا، وَعَنْ شِمَائِلِي نُورًا، وَمِنْ أَمَامِي نُورًا، وَمِنْ خَلْفِي نُورًا، وَاجْعَلْ فِي نَفْسِي نُورًا، وَأَعْظِمْ لِي نُورًا.

7- «Эй Аллоҳ! Менинг қалбимда, тилимда, эшитишим-қулогимда, күзимда, тепамдан, пастимдан, ўнгимдан, чапимдан, олдимдан ва ортимдан нур қилгин. Бутун жисимимда нур этгин. Менда нурни күп қилгин.»³

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ

8- «Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд айтиши билан Сени (ҳар қандай айбу-нуқсондан) поклайман, Сендан бошқа илоҳ йўқдир!»⁴

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ

9- «Эй Аллоҳ! Менинг маҳфий ва ошкор қилган гуноҳларимни Ўзинг кечир!»⁵

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخْطِكَ، وَبِمَعافَاتِكَ مِنْ عُقوَبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أُحْصِي شَاءَ عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَنْتَ عَلَى نَفْسِكَ

10- «Эй Аллоҳ! Мен газабингдан розилигинг билан, азоб-уқубатингдан авфу кечиришинг билан паноҳланаман. Менга Ўзингдан (газабингдан) паноҳ бершишингни тилайман. Сенга бўлган ҳамду санонинг ҳисобига етолмайман. Сен Ўзингга сано айтганинг кабидирсан.»⁶

САЖДАДА ҚУРЬОН ЎҚИШДАН ҚАЙТАРГАНЛИКЛАРИ

Рукуъ ва сужудда Қуръон ўқишдан қайтарар әдилар.⁷

وَكَانَ يَقُولُ: أَلَا وَإِنِّي نُهِيَتُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ رَأْكِعًا أَوْ سَاجِدًا فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعَظِمُوا فِيهِ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهَدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِنُ أَنْ يُسْتَحَابَ لَكُمْ (مسلم و أبو عوانة)

Айтган әдилар: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ва сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишидан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуглангиз, саждада эса дуога жиодди-жсаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўлурсиз.»⁸

¹ Муслим, Абу Авона ривояти.

² Абу Довуд, Насойи ривояти.

³ Муслим, Абу Авона ривояти.

⁴ Муслим, Абу Авона, Насойи, Ибн Назр ривояти.

⁵ Ибн Абу Шайба, Насойи, Ҳоким ривоятлари.

⁶ Муслим ривояти.

⁷ Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

⁸ Муслим ва Абу Авона ривоятлари.

وَكَانَ يَقُولُ: أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ مِنْ رَبِّهِ وَهُوَ سَاجِدٌ فَأَكْثَرُوا الدُّعَاءَ [فِيهِ] (مسلم وأبو عوانة والبيهقي)

«Банданинг Раббига энг яқин бўлган ҳолати саждада бўлган ҳолатидир. Бас, саждада дуони кўпайтиринглар!»¹

САЖДАНИ УЗОҚРОҚ ҚИЛИШ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждаларини узунликда рукуъларига яқин қилар эдилар. Баъзан оризий (тасодифий) сабабларга кўра саждада узоқ туриб қолган пайтлари ҳам бўлган. Саҳобалардан бирлари шундай ҳикоя қиласди:

«Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ё аср намозларидан бирида Ҳасан ёки Ҳусайнни кўтарган ҳолда олдимизга чиқиб келдилар-да, олдинга ўтиб, болани ерга кўйдилар ва такбир айтиб намозга киришдилар. Саждаларидан бирида узоқ туриб қолдилар. Мен одамлар орасидан секин бошимни кўтариб қараган эдим, бола Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг устларига чиқиб олган экан, яна саждага қайтдим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини тамомлагач, одамлар: «Ё Росулуллоҳ, намозингиз ичиди бир саждани жуда узоқ қилдингиз, хатто биз бирор ҳодиса юз бердимикин ё сизга ваҳий тушаяптими, деб ўйлаб қолдик» дейишиди. *«Бу айтганингиздан ҳеч бири бўлгани йўқ, фақат ўғлим устимга миниб олган эди, ўзи тушмагунича уни шошилтиргим келмади»* дедилар.»²

Бошқа бир ҳадисда: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётган эдилар, сажда қилганларида Ҳасан ва Ҳусайн сакраб устларига чиқиб олишди. Уларни тўсмоқчи бўлишганда кўяверинглар, деб ишора қилдилар. Намозларидан сўнг уларни бағриларига босдилар ва:

«مَنْ أَحَبَّنِي فَلَيُحِبَّ هَذِئِينَ» (ابن خزيمة في صحيحه)

«Ким мени яхши кўрса, бу иккисини яхши кўрсин» дедилар.»³

САЖДАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Вакан chlil الله عليه وسلم يقول: «ما منْ أَمْتَيْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا وَأَنَا أَعْرِفُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، قَالُوا وَكَيْفَ تَعْرِفُهُمْ يَا رَسُولَ اللهِ فِي كَثْرَةِ الْخَلَائِقِ؟ قَالَ: «أَرَأَيْتَ لَوْ دَخَلْتَ صَبَرَةً فِيْهَا خَيْلٌ دُهْمٌ بُهْمٌ وَفِيهَا فَرَسٌ أَغْرُ مُحَجَّلٌ أَمَا كُنْتَ تَعْرِفُهُ مِنْهَا؟» قَالَ: بَلَى، قَالَ: «فَإِنَّ أَمْتَيْ يَوْمَئِذٍ غُرْ مِنْ السُّجُودِ مُحَجَّلُونَ مِنْ الْوُضُوءِ» (أحمد بسنده صحيح)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматим ичидан одам йўқки, мен уни қиёмат куни таниб олмасам» дедилар. (Саҳобалардан бирлари:) «Кўп халойиқлар ичидан уни қандай таниб оласиз, ё Росулуллоҳ?» деб сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Айтингчи, агар қоп-қора отлар уюри ичига кирсангиз, улар орасида (пешонаси ва туёқлари оқ) қашқа бир от бўлса, уни бошқалари ичидан таний оласизми?» дедилар. «Ха» деди. «Менинг умматим ҳам у куни сажда асаридан пешоналари нурли, таҳорат асаридан (юзлари ва қўл-оёқлари) оппоқ-мунааввар бўлурлар» дедилар.⁴

¹ Мұслим, Абу Авона, Байҳақий ривоятлари.

² Насойи, Ибн Асокир, Ҳоким ривоятлари.

³ Ибн Хузайма, Байҳақий ривоятлари.

⁴ Ахмад ва қисман Термизий ривоятлари.

ويقول: «إِذَا أَرَادَ اللَّهُ رَحْمَةً مَنْ أَرَادَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ أَمْرَ اللَّهُ الْمَلَائِكَةَ أَنْ يُخْرِجُوا مَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللَّهَ فَيُخْرِجُوهُمْ وَيَعْرِفُوهُمْ بِأَنَّهُمْ بِالسُّجُودِ، وَحَرَمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ أَنْ تَأْكُلَ أَثْرَ السُّجُودِ فَيُخْرِجُونَ مِنْ النَّارِ فَكُلُّ أَبْنَ آدَمَ تَأْكُلُهُ النَّارُ إِلَّا أَثْرَ السُّجُودِ».» (البخاري ومسلم)¹

Бошқа бир ҳадисда: «Агар Аллоҳ дўзах аҳлидан бўлишини ирода қилган одамларга раҳмат қилишини истаса, фариштадарга Аллоҳга ибодат қилувчи бўлган кишиларни чиқаришини буюради, уларни чиқарадилар ва сажда изларидан таниб оладилар. Аллоҳ дўзах ўтига сажда асарини ейшини ҳаром қилгандир. Бас, улар ўтдан чиқадилар, ҳар бир одам боласининг сажда изидан бошқа жойларини ўт еган бўлади.»¹

ЕРГА ВА БЎЙРАГА САЖДА ҚИЛИШ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпинча ерга сажда қилар эдилар.²

Саҳобалар жазирама иссиқда у зот билан бирга намоз ўқишар, бирорталари (иссиқнинг зўридан) пешонасини ерга кўёлмаса, кийимини ёзиб, унга сажда қилар эди.³

وَكَانَ يَقُولُ: «وَجَعَلْتُ الْأَرْضَ كُلُّهَا لِيٰ وَلَا مَتَّيٰ مَسْجِدًا وَطَهُورًا فَإِنَّمَا أَدْرَكَتْ رَجُلًا مِنْ أُمَّتِي الصَّلَاةُ فَعِنْهُ مَسْجِدٌ وَعِنْهُ طَهُورٌ...» (أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ)

Айтган эдилар: «Ернинг ҳаммаси менга ва умматимга намозгоҳ ва (таяммум учун) тоза-пок қилинди. Умматимдан бирор кишига намоз қай ўринда етса, ўша жойда унинг намозгоҳи бор, ўша жойда унинг поклиги-таҳоратлиги бор...»⁴

Айрим пайтлар лой ва сувга ҳам сажда қилганлар. Рамазоннинг йигирма биринчи кечаси тонгига шундай бўлган, ёмғир ёғиб, масжид шифтидан оққан, шифт хурмо шохларидан қилинган эди, шунда сув ва лойга сажда қилган эдилар. Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтадилар: «Кўзларим Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни пешона ва бурунларида сув ва лой изи бўлган ҳолда кўрган.»⁵

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гоҳо хумра⁶да, гоҳо ҳасийр⁷да намоз ўқирдилар, бир марта кўп тўшалганидан қорайиб кетган бўйрада намоз ўқидилар.⁸

САЖДАДАН БОШ КЎТАРИШ

Сўнг такбир айтиб, бошларини саждадан кўтарар эдилар.⁹

Намозини нуқсонли қилган кишига буюрганлар:

«لَا يَتَمَّ صَلَاةً لَأَحَدٍ مِنَ النَّاسِ حَتَّىٰ ... يَسْجُدَ حَتَّىٰ تَطْمَئِنَ مَفَاصِلُهُ ثُمَّ يَقُولَ: (اللَّهُ أَكْبَرُ) وَيَرْفَعَ رَأْسَهُ حَتَّىٰ يَسْتَوِيَ قَاعِدًا» (أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدْ)

¹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

² Чунки, у зотнинг масжидларига бўйра ё палос тўшалган эмасди.

³ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁴ Ахмад, Сирож, Байҳакий ривоятлари.

⁵ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁶ Хумра – хурмонинг баргларидан тўқилган, юз ва қўлларга етарли даражада кичик тўшама.

⁷ Ҳасийр – хурмонинг баргларидан тўқилган катта тўшама, бўйра.

⁸ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

«Ҳеч бир одамнинг намози то у ... сажда қилиб, саждада бўғимлари хотиржам турмагунича, сўнг «Аллоҳу акбар» демагунича ва бошини кўтариб росмана ўтиргунича... мукаммал бўлмайди.»¹

Баъзан ушбу такбир билан кўлларини кўтарар эдилар.²

Сўнг чап оёкларини тўшаб, устига ўтирас эдилар.³ Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюриб, айтганлар:

«... إِنَّمَا رَفَعْتَ فَاقْعُدْ عَلَى فَحْذِكَ الْيُسْرَى» (أَخْمَدُ وَأَبْوْ دَاؤِدْ)

«Саждадан бош қўтарсанг, чап сонингга ўтирас.»⁴

Ўнг оёклари қадамини тиклар⁵ ва бармоқларини қиблага қаратар эдилар.⁶

ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА ХОТИРЖАМЛИКНИНГ ЛОЗИМЛИГИ

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда ўртасида хотиржам ўтирас, ҳатто ҳар бир суяқ ўз ўрнига қайтар эди.⁷

Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюргач:

«لَا تَنْهِي صَلَةً أَحَدٍ كُمْ حَتَّى يَفْعَلَ ذَلِكَ» (أَبْوْ دَاؤِدْ وَالْحَاكِمْ وَصَحَّحَهُ)

«Ҳеч бирингизнинг намозингиз то мана шундай қилмагунича мукаммал бўлмайди»⁸ деганлар.

Гоҳо бу узокроқ, ҳатто саждаларига яқин муддат бўлар⁹, гоҳида эса туриб кетар, (ўтиришни) унудилар шекилли, деб қолинарди.¹⁰

ИККИ САЖДА ЎРТАСИДАГИ ЗИКРЛАР

Ушбу ўтиришларида қуйидаги зикрларни айтар эдилар:

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، رَبِّ اغْفِرْ لِي»

1- «Парвардигоро, мени мағфират қилгин. Парвардигоро, мени мағфират қилгин.»¹¹

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَاجْبِرْنِي، وَعَافِنِي وَارْزُقْنِي، وَارْفَعْنِي»

2- «Парвардигоро, мени мағфират қилгин. Менга раҳм этгин. Мени ҳидоят қилгин, ўнглагин ва оғият (соғлик) ато этгин. Менга ризқ бергин ва мени юксалтиргин.»¹²

Буларни тунги намозларида айтар эдилар.

Сўнг такбир айтар ва иккинчи саждага борар эдилар.¹³ Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюрганлар ва икки сажда ўртасида хотиржам туришга буюрганларидан

¹ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

² Ахмад, Абу Довуд ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Абу Авона ривоятлари.

⁴ Ахмад, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Бухорий, Байҳакий ривоятлари.

⁶ Насойи ривояти.

⁷ Абу Довуд, Байҳакий ривоятлари.

⁸ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

⁹ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹⁰ Бухорий, Муслим ривоятлари.

¹¹ Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.

¹² Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти.

¹³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

сүнг: «*Кейин «Аллоху акбар» дейсан, сүнг сажда қиласан ...сүнг шуни ҳар бир намозингда қиласан*» деганлар.¹

Баъзан ушбу такбир билан бирга кўлларини кўтарар эдилар.²

Ушбу саждаларини ҳам худди биринчи саждаларидек қилар, сүнг такбир айтиб бошларини кўтарар эдилар.³

Баъзан кўлларини ҳам кўтарар эдилар.⁴

Сўнг чап оёклари устига ўтирас, ҳатто ҳар бир суюк-аъзо ўз ўрнига қайтар эди.⁵

Сўнг икки кўлларига суяниб, иккинчи ракъатга туриб кетар эдилар.⁶

Намозлари ичидаги туриб кетаётганда хамир қорғандек икки кўлларига суянар эдилар.⁷

Иккинчи ракъатга турсалар, «Алҳамду лиллаҳ» билан бошлар ва сукут қилиб турмасдилар.⁸

Ушбу ракъатда ҳам биринчи ракъатда қилғанларидек қилар, бироқ буни аввалгидан кўра қисқароқ қилар эдилар.

ҲАР БИР РАКЪАТДА «ФОТИҲА» ЎҚИШ ЛОЗИМЛИГИ

Намозини нуқсонли қилган кишига биринчи ракъатда «Фотиҳа» сурасини ўқишни буюргач:

«ثُمَّ افْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلُّهَا» (وفي رواية: في كُلِّ رَكْعَةٍ) (أبو داود وأحمد)

«Сўнг ҳар бир ракъатда шундай қилгин» деганлар.⁹

وقال: «في كُلِّ رَكْعَةٍ قِرَاءَةً» (ابن ماجة وابن حبان في صحيحه)

Яна айтганлар: «Ҳар бир ракъатда қироат (қилиши лозим.)»¹⁰

БИРИНЧИ ТАШАҲХУД

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи ракъатдан сўнг ташаҳхудга ўтирас эдилар. Бамдодга ўшаган икки ракъатли намозда худди икки сажда ўртасида ўтирганларидек «чап оёкларини тўшаб, устига ўтирас эдилар.»¹¹

Уч ва тўрт ракъатли намозларнинг «биринчи ташаҳхудида ҳам шундай ўтирас эдилар».¹²

Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюриб, айтганлар:

«إِذَا جَلَسْتَ فِي وَسْطِ الصَّلَاةِ فَاطْمِئِنْ وَافْتَرِشْ فَخَذِذَكَ الْيُسْرَى ثُمَّ تَشَهَّدْ» (أبو داود والبيهقي بسنده جيد)

¹ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

² Абу Авона, Абу Довуд ривоятлари.

³ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁴ Абу Авона, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Бухорий, Шофеий ривоятлари.

⁷ Абу Исҳоқ, Байҳақий ривоятлари. Ушбу хусусдаги: «Камон ўқидек туриб кетар, кўлларига суяномас эдилар» хадиси мавзуудир ва шу маънодаги бошқа сўзлар ҳам саҳиҳ бўлмаган заиф сўзлардир. (Албоний.)

⁸ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁹ Аҳмад ривояти.

¹⁰ Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Аҳмад ривоятлари.

¹¹ Насойи ривояти.

¹² Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

«Намоз ўртасида ўтирсанг хотиржам бўл-шошилма ва чап сонинг устига ўтири, сўнг ташаҳхуд ўқи.»¹

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мени халилим (Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам намозимда) итнинг чўккаллаб ўтиришидек чўккаллаб ўтиришдан қайтардилар.»²

Бошқа бир ҳадисда: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам «уқбатуш-шайтон» (шайтонтовон – яъни болдири ва сонларни тиклаган ҳолда қўлларни ерга тираб ўтириш)дан қайтарар эдилар.»³

Ташаҳхудда ўтирсалар ўнг қўлларини ўнг сонлари (бир ривоятда: тиззалири) устига, чап қўлларини чап сонлари (бир ривоятда: тиззалири) устига қўяр эдилар.⁴

Ўнг тирсакларининг четини ўнг сонлари устига қўяр эдилар.⁵

وَنَهَى رَحْلًا وَهُوَ جَالِسٌ مُعْتَمِدٌ عَلَى يَدِهِ الْيُسْرَى فِي الصَّلَاةِ قَالَ: إِنَّهَا صَلَاةُ الْيَهُودِ (البيهقي والحاكم)
وفي لفظ: «لا تَجْلِسْ هَكَذَا إِنَّمَا هَذِهِ جِلْسَةُ الَّذِينَ يُعَذَّبُونَ» (أحمد وأبو داود) وفي حديث آخر: «هِيَ قَعْدَةُ
الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ» (عبد الرزاق وصححه عبد الحق في أحكامه)

Намозда чап қўлига суюниб ўтирган одамни бундай қилишдан қайтариб: «Яхудларнинг намози шундай бўлаоди» деганлар,⁶ бир лафзда: «Бундай ўтирмагин, зеро бу азоблананаётган кимсаларнинг ўтиришиидир»,⁷ бошқа бир ҳадисда: «бу газабга дучор бўлган кимсаларнинг ўтиришиидир.»⁸

ТАШАҲХУДДА КЎРСАТКИЧ БАРМОҚ БИЛАН ИШОРА ҚИЛИШ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам чап кафтларини чап тиззалирига ёзиб қўяр, ўнг кафтларини йиғиб, кўрсаткич бармоқ билан қиблага ишора қилар ва кўзларини ундан узмас эдилар.⁹

Бармоқ билан ишора қилсалар, бош бармоқни ўрта бармоқка қўяр¹⁰, гоҳида эса бу икки бармоқни ҳалқа қилар эдилар.¹¹

Бармоқни кўтарганда дуо билан ҳаракатлантирада эдилар¹².

ويقول: «لَهِيَ أَشَدُ عَلَى الشَّيْطَانِ مِنَ الْحَدِيدِ». يعني: السَّبَابَةُ (أَحْمَدُ وَالْبَزارُ وَأَبُو حَافَرَ)

«У (яъни саббоба) шайтонга темирдан ҳам қаттиқдир» деган эдилар.¹³

Пайғамбар соллаллоҳу алайхи ва салламнинг саҳобалари дуода бармоқ билан ишора қилиш хусусида бир-бирларига қаттиқ танбеҳ берардилар».¹⁴

¹ Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари.

² Таёлисий, Аҳмад, Ибн Абу Шайба ривоятлари.

³ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁴ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁵ Абу Довуд, Насойи ривоятлари.

⁶ Байҳақий, Ҳоким ривоятлари.

⁷ Аҳмад, Абу Довуд ривоятлари.

⁸ Абдурраззоқ ривояти.

⁹ Муслим, Абу Авона, Ибн Хузайма ривоятлари.

¹⁰ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

¹¹ Абу Довуд, Насойи, Ибн Жоруд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоятлари.

¹² Абу Довуд, Насойи, Ибн Жоруд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоятлари.

¹³ Аҳмад, Баззор, Абу Жаъфар, Бухтурий, Абдулғаний ал-Мақдисий, Руёний, Байҳақий ривоятлари.

¹⁴ Ибн Абу Шайба ривояти.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар икки ташаҳҳудда шундай қилар эдилар.¹

Бир кишини икки бармоғи билан дуо қилаётганини кўриб: «*Битта* (бармоқ билан) қил, *битта* (бармоқ билан) қил» деб кўрсаткич бармоққа ишора қилдилар.²

БИРИНЧИ ТАШАҲҲУДНИНГ ВОЖИБЛИГИ ВА УНДА ДУО ҚИЛИШНИНГ МАШРУҮЛИГИ

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар икки ракъатда «Ат-таҳийёт» ўқир эдилар.³

Қаъдада биринчи айтадиган сўзлари «Ат-таҳийёту лиллаҳи» бўлар эди.⁴

Аввалги икки ракъатдан кейин уни ўқишни унугланган бўлсалар, охирги ташаҳҳуд ортидан саҳв саждасини қилар эдилар.⁵

«إِذَا قَعَدْتُمْ فِي كُلِّ رَكْعَتٍ فَقُولُوا: «الْتَّحِيَّاتُ إِلَهٌ ... وَلِيَتَخَيَّرْ أَحَدُكُمْ مِنَ الدُّعَاءِ أَعْجَبَهُ إِلَيْهِ فَلِيَدْعِ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ [بِهِ] (وفي لفظ: قُولُوا فِي كُلِّ جِلْسَةٍ: التَّحِيَّات) (النسائي وأحمد والطبراني)

Унга буюриб, айтганлар: «Ҳар икки ракъатда ўтирасаларингиз «*Ат-таҳийёт*» ўқинглар... Ва ҳар бирингиз ўзи ёқтирган дуоларни танлаб, шу билан Аллоҳга дуо қилсин.»⁶ Бир лафзда: «Ҳар ўтиришида «*Ат-таҳийёт*» ўқинглар.»⁷

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга ташаҳҳудни Қуръондан сура ўргатганларидек ўргатар эдилар.⁸

Уни махфий ўқишлик суннатdir.⁹

ТАШАҲҲУД СИЙҒАЛАРИ (ҚЎРИНИШЛАРИ)

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташаҳҳуднинг бир неча қўринишларини ўргатганлар:

1- Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ташаҳҳуди: «Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ташаҳҳудни -кўлим у зотнинг икки кафтлари орасида бўлган ҳолда - худди Қуръон сурасини ўргатаётгандек ўргатдилар:

«الْتَّحِيَّاتُ لِلَّهِ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيَّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ»

Салом-тазимлар, дуолар ва (ҳамду санода ишлатиладиган) тойийб-покиза сўзу-амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки,

¹ Насой, Байҳақий ривоятлари.

² Ибн Абу Шайба, Насой, Ҳоким ривоятлари.

³ Муслим, Абу Авона ривояти.

⁴ Байҳақий ривояти.

⁵ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁶ Насой, Аҳмад, Табароний ривоятлари. Мен айтаман (Албоний): Мазкур ҳадиснинг зоҳири ҳар бир ташаҳҳуд, гарчи ундан кейин салом бўлмаса ҳам унда дуо қилишнинг машруълигига далолат қилмоқда. Ибн Ҳазм шундай дер эди. (Лекин тўрт мазҳаб имомлари бунга хилоф ўлароқ ортида саломи бор ташаҳҳуддан кейин дуо қилинади деганлар. ИНТ)

⁷ Насой ривояти.

⁸ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁹ Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик бераман Мұхаммад Унинг кули ҳамда расулидир.¹

2- Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ташаҳҳуди: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ташаҳҳудни худди Қуръондан бирор сурани ўргатгандек ўргатар эдилар:

«الْتَّحِيَّاتُ الْمُبَارَكَاتُ الصَّلَوَاتُ الطَّيِّبَاتُ اللَّهُ ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّداً رَسُولَ اللَّهِ» (وفي روایة: عبده ورسوله). رواه مسلم والنسماني.

«Муборак салом-таъзимлар, дуолар, тоййиб-покиза сўзу амаллар Аллоҳ учун хосдир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераман Мұхаммад Унинг расулидир.²

3- Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ташаҳҳуди: Унинг ташаҳҳуди ҳам айни Ибн Масъуд ташаҳҳуди каби фақат "Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ" дан кейин "ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу" маъноси: шериксиз ёлғиздир, зиёдаси бор³.

4- Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу ташаҳҳуди: унинг аввали "Аттахийяту, аттойибату, ассолавату лиллаҳ" деб бошланади ва охири Ибн Умарники каби зиёдаси билан тугалланади.⁴

5- Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу ташаҳҳуди: Минбарда ўтирган ҳолларида одамларга ташаҳҳудни таълим бериб айтар эдилар: "Аттахийяту лиллаҳи, азза-а-кияту лиллаҳи, аттойибату лиллаҳи, ассолавату лиллаҳи...) қолгани айни Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ташаҳҳуди каби эди.⁵

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА САЛОВОТ АЙТИШ, УНИНГ ЎРНИ ВА СИЙҒАЛАРИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи ташаҳҳудда ва бошқасида ўзларига саловот айтар эдилар.⁶

Буни умматга ҳам машруъ қилиб, уларни саловот айтишга буюрдилар ва саловотнинг бир неча кўринишларини уларга ўргатдилар:

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.»

1- Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳли-умматига раҳмат-магфират ёғдирганинг каби Мұхаммадга ва унинг оила аҳли-умматига ҳам раҳмат-магфират ёғдиргин. Албатта Сен мақтовли ва улуг Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳли-умматига баракот-хайр ато этганингдек Мұхаммадга ва унинг оила аҳли-умматига ҳам баракот-хайр ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуг Зотсан.⁷

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ

¹ Бухорий ва Муслим ривояти.

² Муслим, Абу Авона ривоятлари.

³ Абу Довуд ва Доракутний ривоятлари, сахих деган.

⁴ Ахмад, Муслим, Ибн Можа, Насий, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Молик ва Байҳакий ривоятлари.

⁶ Абу Авона, Насий ривоятлари.

⁷ Бухорий ва Муслим ривояти.

وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ»

2- Эй Аллоҳ! Иброҳим оила аҳлини раҳмат-магфират қилганинг каби Муҳаммад, унинг аёллари ва зурриётини ҳам раҳмат-магфират қилгин. Иброҳим оила аҳлига хайр-баракот ато этганингдек Муҳаммадга, унинг аёллари ва зурриётига ҳам хайр-баракот ато этгин. Албатта Сен мақтovli ва улуг Зотсан.¹

УЧИНЧИ, СҮНГ ТҮРТИНЧИ РАКЪАТГА ТУРИШ

Сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир айтиб учинчи ракъатга турар эдилар.² Намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга (яъни такбир айтишга) буюргач: «Ҳар бир рукуъ ва саждада шундай қилгин» деганлар.

Қаъдадан турсалар такбир айтиб, сўнг турар эдилар.³

Баъзан ушбу такбир билан қўлларини кўтарар эдилар.⁴

Тўртинчи ракъатга турмоқчи бўлсалар «Аллоҳу акбар» дер эдилар.⁵ Юқорида айтилганидек, намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюрганлар.

Баъзан ушбу такбир билан қўлларини кўтарар эдилар.⁶

Сўнг чап оёқлари устига ўтирап, ҳатто ҳар бир сүяк-аъзо ўз ўрнига қайтар эди. Сўнг туриб кетар, туроётганларида ҳамир қорғандек икки қўлларига суянар эдилар.⁷

Ушбу икки ракъатнинг ҳар бирида «Фотиҳа»ни ўқир, намозини нуқсонли қилган кишини ҳам шунга буюрганлар, баъзан пешин намозида бир неча оят қўшиб ҳам қўяр эдилар.

БАЛО-ОФАТ ПАЙТИДА БЕШ ВАҚТ НАМОЗДА ҚУНУТ ЎҚИШ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировни дуои бад қилмоқчи бўлсалар ё бировнинг ҳаққига дуо қилмоқчи бўлсалар охирги ракъатда рукуъдан кейин, «самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ, аллоҳумма роббана лакал ҳамд» дегач⁸ қунут дуосини ўқир эдилар. Ушбу дуони жаҳрий ўқир⁹, қўлларини кўтарар,¹⁰ орқадагилар «омин» деб туришарди.¹¹

Қунутни беш вақт намознинг ҳаммасида ўқир, факат, қачонки бирор қавмнинг фойдасига ё зарарига дуо қилгандагина шундай қилар эдилар. Баъзан:

«اللَّهُمَّ أَنْجِبْ الْوَلِيدَ بْنَ الْوَلِيدِ وَسَلِّمْ بْنَ هِشَامٍ وَعَيَّاشَ بْنَ أَبِي رَبِيعَةَ اللَّهُمَّ اشْدُدْ وَطَأْتُكَ عَلَى مُضَرِّ وَاجْعَلْهَا سَيِّئَةً كَسِّيْنِيْ يُوسُفَ» (أَحْمَدُ وَالْبَخَارِي)

«Эй Аллоҳ, Валид ибн Валидга, Салама ибн Ҳишомга, Айёши ибн Аби Рабиъага Ўзинг најжот бер. Музор (қабиласи)га азобингни қаттиқ қил ва уни Юсуф (давридаги

¹ Бухорий ва Муслим ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

³ Абу Яльо ривояти.

⁴ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁵ Бухорий, Абу Довуд ривоятлари.

⁶ Абу Авона, Насойи ривоятлари.

⁷ Ҳарбий «Ғарифул ҳадис»да ривоят қилган. Ушбу маъно Бухорий ва Абу Довудда ҳам бор. Бироқ, «Киши намозда турганида қўлига суянишидан қайтардилар» ҳадиси сахих бўлмаган мункардир. (Албоний.)

⁸ Бухорий, Аҳмад ривояти.

⁹ Бухорий, Аҳмад ривояти.

¹⁰ Аҳмад, Табароний ривоятлари.

¹¹ Абу Довуд, Сирож, Ҳоким ривоятлари

қаҳатчилик) ииллариңек күп ииллар қил, (Эй Аллох, Аллох ва расулига осий бўлган Лиҳян, Риъл, Заквон ва Усайя қабилаларини лаънатла» деб дуо қилганлар.¹

Сўнг – қунутдан фориғ бўлгач – «Аллоҳу акбар» деб саждага борар эдилар.²

ВИТРДАГИ ҚУНУТ

Кўпинча витр ракъатида қунут ўқир ва буни рукуъдан илгари қилар эдилар.³

Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳумога қуйидаги қунут дуосини ўқишни таълим берганлар:

«اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِيمَنْ عَافَتَ، وَتَوْلِنِي فِيمَنْ تَوْلَيْتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا أَعْظَيْتَ، وَقِنِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ، فَإِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ، وَإِنَّهُ لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَّتَّ، [وَلَا يَعِزُّ مَنْ عَادَيْتَ]، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ.»

Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят этгин. Офият (соглиқ) ато этганларинг қаторида офият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзинга яқин этгин. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли этгин. Қазо-хукм этган нарсаларинг ёмонлигидан мени асрарин. Албатта, Сен хукм этасан. Сенга (қарши) хукм этилмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас [ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас]. Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан.⁴

ОХИРГИ ТАШАҲХУД ВА УНИНГ ФАРЗЛИГИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртинчи ракъатни тамомлагач, охирги ташаҳҳуд учун ўтирад эдилар.

Бунда ҳам биринчи ташаҳҳудда буюрган нарсага буюрар, ўzlари ҳам аввалгисида қилганларидек қилар эдилар, фақат ушбу ташаҳҳудда «таварруқ» қилган ҳолатда ўтирад эдилар⁵ - чап ёнлари (сондан юқориси)ни ерга қўяр ва икки оёқларини бир тарафдан чиқарар эдилар⁶. Баъзан чап оёқни сон ва болдиrlари остига қўяр⁷, ўнг оёқни тиклар⁸, гоҳида эса ёткизар эдилар⁹. Чап қўллари тиззалирини тутиб, унинг устига оғирликларини ташлар эдилар.¹⁰

ПАЙҒАМБАРГА САЛОВОТ АЙТИШ ВОЖИБЛИГИ

عن فضالة بن عبيده قال: سمع رسول الله صلى الله عليه وسلم رجلاً يدعوه في صلاته لم يُمجد الله تعالى ولم يُصلّ على النبي صلى الله عليه وسلم فقال: «عجل هذا» ثم دعا له ولغيره: «إذا صلّى أحدكم فليزيداً بتحميد ربه جل وعز وأثناء عليه ثم يصلي على النبي صلى الله عليه وسلم ثم يدعوه بعد بما شاء» (أحمد وأبو داود والحاكم)

¹ Бухорий, Муслим ва Аҳмад ривояти, икки қавс ичидаги зиёда Муслимники.

² Насой, Аҳмад, Сирож, Абу Яъло ривоятлари.

³ Ибн Абу Шайба, Абу Довуд, Насой, Аҳмад, Табароний, Байҳакий, Ибн Асокир ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Термизий, Насой, Ибн Можа ва бошқалар ривояти.

⁵ Бухорий ривояти.

⁶ Абу Довуд, Байҳакий ривоятлари.

⁷ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁸ Бухорий ривояти.

⁹ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

¹⁰ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни намозида Аллоҳга ҳамду-сано ва пайғамбариға саловот айтмасдан дуо қилаётганини эшитиб: «*Бу одам шошилди*» дедилар, сўнг уни чорлаб, унга ва бошқаларга хитобан: «*Бироингиз агар намоз ўқиса, аввал боша Парвардигори азза ва жаллага ҳамду сано айтсин, сўнг пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтсин-да, кейин хоҳлаган дуосини қиласерсин*» дедилар.¹

وَسَمِعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يُصَلِّي فَمَجَّدَ اللَّهَ وَحَمَدَهُ وَصَلَّى عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اَدْعُ تُحَبُّ وَسَلِّمَ» (النسائي بسنده صحيح)

Бир киши намоз ўқиётганида Аллоҳни улуғлаб, У зотга ҳамду-сано ва пайғамбарга саловот айтганини эшитиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Дуо қил, ижобат қилинади, сўра, берилади*» дедилар.²

ТЎРТ НАРСАДАН ПАНОҲ ТИЛАШ ВОЖИБЛИГИ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«*Ҳар бирингиз охирги ташаҳҳуддан фориг бўлгач, Аллоҳдан тўрт нарсадан паноҳ тиласин:*

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ، وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّالِ.»

«*Парвардигоро! Мен Сендан жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман» десин, [сўнг истаган нарсасини сўраб дуо қилсин.]»³*

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташаҳҳудда шу билан дуо қилар эдилар.⁴

Буни саҳобаларига Қуръондан бирор сурани ўргатгандек ўргатар эдилар.⁵

САЛОМ БЕРИШДАН ОЛДИНГИ ДУОЛАР

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларида ҳар турли дуолар билан – гоҳ униси билан, гоҳ буниси билан – дуо қилар эдилар ва намоз ўкувчига ушбу дуолардан хоҳлаганини қилишга⁶ изн берганлар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّالِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ،
اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ الْمَأْتِمِ وَالْمَغَرَمِ.

1- Эй Аллоҳ! Мен Сендан қабр азобидан, масиҳи Дажжол фитнасидан ва тириклик ҳамда ўлим фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман! Парвардигоро! Мен Сендан гуноҳкорлик ва қарздорликдан паноҳ беришингни сўрайман!⁷

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَمِلْتُ وَمِنْ شَرِّ مَا لَمْ أَعْمَلْ [بَعْدُ]

¹ Ахмад, Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ҳоким ривоятлари.

² Насойи ривояти.

³ Муслим, Абу Авона, Насойи ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Ахмад ривоятлари.

⁵ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

⁶ Бухорий, Муслим ривоятлари.

⁷ Бухорий ва Муслим ривояти.

2- Эй Аллоҳ! Мен Сендан ўзим қилган ишларнинг ёмонлигидан ва ҳали қилмаган ишларимнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман!¹

اللَّهُمَّ حاسِنِي حِسَابًا يَسِيرًا

3- Эй Аллоҳ! Мени осон-енгил ҳисоб билан ҳисоб қилгайсан.²

اللَّهُمَّ بِعْلَمْكَ الْعَيْبَ، وَقُدْرَتِكَ عَلَى الْخَلْقِ، أَحْسِنِي مَا عَلِمْتَ الْحَيَاةَ خَيْرًا لِي، وَتَوْفِنِي إِذَا كَانَتِ الْوَفَاءُ خَيْرًا لِي،
اللَّهُمَّ وَأَسْأَلُكَ حَشِيشَتَكَ فِي الْعَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، وَأَسْأَلُكَ كَلِمَةَ الْحَقِّ وَالْعَدْلِ فِي الْعَصَبَ وَالرَّضَا ، وَأَسْأَلُكَ الْقَصْدَ فِي
الْفَقْرِ وَالْغَنَى ، وَأَسْأَلُكَ تَعْيِمًا لَا يَبِيدُ ، وَأَسْأَلُكَ قُرَّةَ عَيْنٍ لَا تَنْقَطِعُ، وَأَسْأَلُكَ الرِّضا بَعْدَ الْقَضَاءِ، وَأَسْأَلُكَ بَرْدَ الْعَيْشِ
بَعْدَ الْمَوْتِ، وَأَسْأَلُكَ لَذَّةَ النَّظَرِ إِلَى وَجْهِكَ، وَالشَّوْقَ إِلَى لِقَائِكَ، فِي غَيْرِ ضَرَاءٍ مُضْرَرٍ، وَلَا فِتْنَةً مُضْلِلٍ، اللَّهُمَّ زِينَا
بِزِينَةِ الْإِيمَانِ، وَاجْعَلْنَا هُدَاءً مُهْتَدِينَ.

4- Эй Аллоҳ! Гайбни билишинг ва яратишга қодирлигинг билан (сўрайман,) агар ҳаётни мен учун хайрли деб билсанг, яшатгин. Агар ўлим мен учун хайрли бўлса, ўлим бергин. Эй Аллоҳ! Мени ошкору гайб (ишлар, ҳолатлар)да Ўзингдан қўрқадиган этгин. Фазаблигу розилик ҳолатимда Сендан ҳақ ва адолат сўзини (сўзлатишингни) сўрайман. Фақирликда ҳам, бойликда ҳам тежкамкорлик (исроф этмаслик)ни беришингни сўрайман. Туганмас неъмат, узилмас-абадий севинч сўрайман. Қазо-хукмдан кейин розиликни, ўлимдан сўнг яхши ҳаётни сўрайман. Юзингга боқиши лаззатини ва зарарли қайгуларсиз, адаштиргувчи фитналарсиз висолинг шавқини сўрайман! Эй Аллоҳ! Бизни иймон зийнати илиа зийнатлагин ва тўғри йўлга бошлигувчи, тўғри йўлда юрувчи(лардан) қилгин.³

Абу Бақр розияллоҳу анҳуга қуидаги дуони таълим бердилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا، وَلَا يَعْفُرُ الذُّنُوبُ إِلَّا أَنْتَ، فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي، إِنَّكَ أَنْتَ
الْعَفُورُ الرَّحِيمُ.

5- Парвардигоро! Албатта мен ўз нафсимга қўп зулмлар қилдим. Гуноҳларни ёлгиз Сенгина кечиргувчисан. Мени Ўз хузурингдан бўлган магфират билан кечиргин, менга раҳм этгин! Албатта Сен Кечиргувчи ва Раҳмли Зотдирсан.⁴

Оиша розияллоҳу анҳога ушбу дуони қилишни буюрганлар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلَّهُ [عَاجِلَهُ وَآجِلَهُ] مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّرِّ كُلَّهُ [عَاجِلَهُ
وَآجِلَهُ] مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ وَأَسْأَلُكَ (وَفِي رِوَايَةِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ) الْجَنَّةَ وَمَا قَرَبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ
وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ وَمَا قَرَبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ وَأَسْأَلُكَ (وَفِي رِوَايَةِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ) مِنَ [إِلَّا] خَيْرٍ مَا
سَأَلَكَ عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ [مُحَمَّدٌ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرٍّ مَا اسْتَعَاذَكَ مِنْهُ عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ] [
وَأَسْأَلُكَ] مَا قَضَيْتَ لِي مِنْ أَمْرٍ أَنْ تَجْعَلَ عَاقِبَتَهُ [لِي] [رُشْدًا]

6- Эй Аллоҳ! Мен Сендан ҳозиру келажакда, ўзим билгану билмаган барча яхшиликларни сўрайман ва ҳозиру келажакда, ўзим билгану билмаган барча ёмонликлардан паноҳ сўрайман. Сендан жаннатни ва унга яқинлаштирувчи сўзу

¹ Насой, Ибн Абу Осим ривоятлари.

² Аҳмад, Ҳоким ривоятлари.

³ Насой, Ҳоким ривоятлари.

⁴ Бухорий ва Муслим ривояти.

амаллар(га муваффақ этишинг)ни сўрайман, дўзахдан ва унга яқинлаштирувчи сўз ва амаллардан паноҳ беришингни сўрайман. Мен Сендан банданг ва пайгамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўраган яхшиликларни сўрайман, банданг ва пайгамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам паноҳ сўраган ёмонликлардан паноҳ сўрайман. Менга бирон ишни хукм қилсанг, унинг оқибатини мен учун рушдтўғрилик қилишингни сўрайман.¹

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ.

7- *Парвардигоро! Мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман.*²

8- Росуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг ташаҳхудда:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ يَا اللَّهُ، بِأَنَّكَ الْوَاحِدُ الْحَمْدُ لِلَّهِ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوَلَّدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ، أَنْ تَعْفِرَ لِي
ذُنُوبِي، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ.

«Эй Аллоҳ! Мен Сенинг Яккаю Ягона, тугмаган ҳам, тугилмаган ҳам ва ҳеч бир тенги бўлмаган Самад-бехожат Зот эканлигинг билан сўрайман: Менинг гуноҳларимни кечиргин! Албатта, Сен Кечиримли ва Раҳмли Зотдирсан» деб дуо қилаётганини эшитиб: «Бунинг гуноҳи кечирилди, бунинг гуноҳи кечирилди» дедилар.³

9- Бошқа бир кишининг ҳам ташаҳхудда:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنَّ لَكَ الْحَمْدُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ، الْمَنَانُ، يَا بَدِيعَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، يَا ذَرَّا
الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ، يَا حَيُّ يَا قَيُومُ، إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ

«Парвардигоро! Ҳамд (ёлгиз) Сендан ўзга илоҳ йўқлиги, Сенинг ёлгиз, шериксиз ва яхшиликни инъом қилувчи Зотлигинг билан сўрайман. Эй осмонлару ерни яратгувчиси, улуғлик ва икром соҳиби, эй мангу тирик ва абадий тургувчи! Мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман» деб дуо қилганини эшитиб, саҳобаларига: «Нима билан дуо қилганини биласизларми?» деб сўрадилар. Улар: «Аллоҳу ва Расули билувчироқдир» деб жавоб беришди. «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳга у билан дуо қилинса албатта ижобат қиласидиган ва у билан сўралса албатта берадиган Буюк Исми билан дуо қилди» дедилар.⁴

10- Ташаҳхуд ва салом ўртасидаги охирги сўзларидан бири қуидаги дуо эди:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ، وَمَا أَخَرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ، وَمَا أَعْنَتُ، وَمَا أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي، أَنْتَ الْمُقْدِمُ،
وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.

Парвардигоро! Менинг аввал қилганларимни ҳам, (кейин) охир қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам, исрофларимни ҳам ва Ўзинг мендан қўра яхшироқ биладиган (ишларим-гуноҳларим)ни ҳам мағифират этгин. Аввал этгувчи ҳам, охир этгувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ!⁵

САЛОМ БЕРИШ

¹ Ахмад, Таёлисий, Бухорий «Адабул-муфрад»да, Ибн Можа, Ҳоким ривоятлари.

² Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.

³ Абу Довуд, Насойӣ, Аҳмад, Ибн Хузайма ривоятлари.

⁴ Абу Довуд, Насойӣ, Термизий ва Ибн Можа ривояти.

⁵ Муслим, Абу Авона ривоятлари.

Кейин Ресуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ўнг томонларига: «*Ассаламу алейкум ва роҳматуллоҳ*» деб салом берар, ҳатто ўнг юзларининг оқлиги (орқадагиларга) кўринар, чап томонларига: «*Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳ*» деб салом берар, ҳатто чап юзларининг оқлиги (орқадагиларга) кўринар эди.¹

Баъзан ўнгга берилган биринчи саломга «*ва барокатух*» деб қўшиб кўярдилар.²

Ўнг томонларига «*Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳ*» деб салом берсалар, баъзан чап тарафларига «*Ассалому алейкум*» дейиш билан кифояланар³, баъзан олд тарафларига қараб, ўнг томонга сал мойил бўлган ҳолда бир бор «*Ассалому алейкум*» деб салом бериб кўяр эдилар.⁴

وَكَانُوا يُشِيرُونَ بِأَيْدِيهِمْ إِذَا سَلَّمُوا عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشَّمَالِ فَرَأَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «مَا شَانُكُمْ شُشِيرُونَ بِأَيْدِيكُمْ كَانَهَا أَذْنَابُ خَيْلٍ شُمُسٍ؟ إِذَا سَلَّمَ أَحَدُكُمْ فَلَيَتَفَقَّطْ إِلَى صَاحِبِهِ وَلَا يُؤْمِنْ بِيَدِهِ» (وفي روایة: «إِنَّمَا يَكْفِي أَحَدَكُمْ أَنْ يَضْعَ يَدَهُ عَلَى فَخِذِهِ ثُمَّ يُسَلِّمَ عَلَى أَخِيهِ مِنْ عَلَى يَمِينِهِ وَشِمَائِلِهِ» مسلم وأبو عوانة والسراج وابن حزمية والطبراني

Саҳобалар ўнг ва чап тарафга салом беришганда кафтлари билан ишора қилишарди, Ресуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам буни кўриб қолиб: «*Сизларга нима бўлди, қўлларингизни худди асов отларнинг думларидек (кўтариб) ишора қилаяпсизлар?! Қай бирингиз салом берса, ён шеригига ўғирилиб қарасин, лекин қўли билан ишора қилмасин*» дедилар. (Бир ривоятда: «*қўлини сонига қўйган ҳолда ўнг ва чап томонидаги биродарига салом бериши кифоя қиласди.*»)⁵

САЛОМНИНГ ЛОЗИМЛИГИ

وَكَانَ يَقُولُ: «مِفتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ» أبو داود والترمذи وصححه الحاكم ووافقه الذهبي

Ресуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «*Намознинг калити таҳоратdir, таҳрими⁶ тақбираштиши, таҳлили эса салом беришdir.*»⁷

ХОТИМА

Ресуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам намозларининг сифати ҳақида юқорида ўтган барча сўзлар эркак ва аёлларга баробар тегишли бўлиб, булардан баъзиларида аёлларни истисно этиш борасида бирор ҳадис келган эмас. Балки, у зотнинг: «*Менинг намоз ўқиганимни қўрганингиздек намоз ўқинглар*» ҳадислари аёлларни ҳам ўз ичига олади.

Иброҳим ан-Нахайй айтадилар: «Намозда эркаклар қандай қилсалар аёллар ҳам шундай қиласдилар.»⁸

¹ Абу Довуд, Насой, Термизий ривоятлари.

² Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари.

³ Насой, Ахмад, Сирож ривоятлари.

⁴ Ибн Хузайма, Байҳакий, Зиё, Ахмад, Табароний, Ҳоким ривоятлари.

⁵ Муслим, Абу Авона, Сирож, Ибн Хузайма, Табароний ривоятлари.

⁶ Таҳрими – яъни, намоз ичида қилиш ҳаром қилингандан ишлардан тийилишнинг бошланиши тақбираштиши биландир, таҳлили – яъни, мазкур ишларнинг ҳалол қилиниши салом бериш биландир.

⁷ Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоятлари.

⁸ Ибн Абу Шайба ривояти.

Имом Бухорий «Ат-тарихус-сағири»да Умму Дардо розияллоху анҳо ҳақида ривоят қилиб: «У намозида эркакларнинг ўтиришидек ўтирап эди, фақиҳа (фиқҳни биладиган) эди» дейдилар.

Аёл кишининг саждада йиғилиб туриши ва унинг бу хусусда эркаклар каби эмаслиги ҳақидаги ҳадис, сахих бўлмаган мурсал ҳадисдир. Буни Абу Довуд «Маросийл»да Язид ибн Аби Ҳубайбдан ривоят қилиб келтирган.

Имом Аҳмад ривоят қилган, Ибн Умар розияллоху анҳу аёлларини намозда тараффобуъ (чордона қуриб ўтириш)га буюрганлари ҳақидаги сўзнинг исноди сахих эмас, чунки унда Абдуллоҳ ибн ал-Амрий бор, у эса заифдир.

* * *

Булар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам намозларининг такбирдан саломгача бўлган кўринишлари ҳақида жамлашга муяссар бўлганларимиз эди.

Аллоҳ таолодан уни Ўзи учун холис бўлган ва меҳрибон пайғамбарининг суннатларига йўлловчи китоб қилишини сўрайман.

Эй Аллоҳим! Сен поксан ва Сенинг ҳамдинг билан тасбех айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавба қиласман.

Эй Аллоҳим! Иброҳимга ва унинг оила аҳлига раҳмат ёғдирганинг ва баракот-хайр ато этганингдек Мұҳаммадга ва унинг оила аҳлига ҳам раҳмат ёғдиргин ва баракот-хайр ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.